



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДАВЛАТ МОЛИЯСИ ТАРИХИ**

**2011 ЙИЛ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«Иқтисодиёт» факультети**

**«М о л и я» кафедраси**

**«ДАВЛАТ МОЛИЯСИ ТАРИХИ»**

**фанидан**

**МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

Бакалавриатнинг 5340600-«Молия» таълим йўналиши  
талабалари учун

Т е р м и з - 2011



## **«ТАСДИҚЛАНГАН»**

Иқтисодиёт факультети илмий кенгашининг  
2011 йил августдаги мажлисида муҳокама қилинган ва  
1-сонли қарори билан тасдиқланган

*Кенгаши раиси \_\_\_\_\_ доц. Рўзиев О.А.*

## **«ТАВСИЯ ЭТИЛГАН»**

Иқтисодиёт факультети  
«Молия» кафедрасининг  
2011 йил августдаги мажлисида муҳокама  
қилинган ва тавсия этилган  
1-сонли баённома

Кафедра мудири: \_\_\_\_\_ и.ф.н.Абсаматов А.

### **Тақризчи:**

«Молия» кафедраси доценти,  
и.ф.н. Исанқулов И.Т.

### **Тузувчилар:**

«Молия» кафедраси ўқитувчиси: Холиқов К.О.

## М У К А Д Д И М А

«ДАВЛАТ МОЛИЯСИ ТАРИХИ» фанини ўқитиш мақсади – келгусида ююри малакали иқтисодчи-мутахассилар булиб етишадиган талабалар учун Ўзбекистон Республикаси давлат молияси ва унинг тарихи ъаёнида назарий билимлар бериш, уларда давлатнинг бозор иқтисодиётiga щтиш давридаги молия ва бюджет сиёсатини асосий йўналишлари бўйича асосий кщникмалар ҳосил қилишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб фан ўз предметини ўргатиш учун куйидаги вазифаларни қўяди:

- Давлат молиясининг иқтисодий моъияти ва аъамиятини ўрганиш;
- Давлат молияси ва унинг тизимини ўрганиш;
- Бюджет тизимини бошқаришнинг ташкилий асосларини ўрганиш;
- Давлат даромадларини тизимини ва унинг манбаларини ўрганиш;
- Давлат харажатлари таркибини ўрганиш;
- Бюджет истиқболини белгилаш асосларини ўрганиш;
- Бюджет камомади ижтимоий - иқтисодий мазмуни ва уни пасайтириш имкониятларини ёритиш;
- Бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида давлатнинг молиявий ва бюджет сиёсатини асосий йщналишларини ўрганишни таъазо этади. Шароити Давлатчилик таркиб топибдики, унинг ажралмас ва узвий кисми булиб, соликлар хам юзага келгандир. Зеро, хар кандай ижтимоий тузум ва хар кандай давлатнинг тараккий топиши, ривожланиши, иқтисодиётининг шаклланишини солик ва туловларсиз, солик сиёсатисиз тасаввур этиш кийин. Гарчи, солик тизимининг замонавий куриниши жаҳон цивилизациясининг асрлар давомида тараккий топиши ва шаклланишининг махсули экан, у хамма даврларда хам давлат фаолиятининг бир маромда идора этилиши хамда иқтисодиётнинг асосий таянчи булиб колаверади.

Тарихий манбаларнинг гувохлик беришича, соликларнинг пайдо булиши, ривожланиши сарчашмалари кадим утмишдан сув ичади. Буни Миср, Афина, Рим каби кадимий давлатларда узига хос булган турли йигимларнинг мавжуд эканлигига куришимиз мумкин. Чунончи, Марказий Осиё худудларида вужудга келган ва вакт утиши билан инкиrozга юз тутган турли давлатларнинг хар бирида узига хос йигимлар ва соликлар турлари мавжуд булганига тарих шохидлик беради.

Кухна тарих силсилаларида давлатчилик ва солик сиёсати борасида кимматли маълумотлар, урганишга арзийдиган тажрибалар жуда куп. Холбуки, хар кандай давлат уз зиммасига маориф, согликни саклаш, ижтимоий таъминот, атроф-мухитни муъофаза килиш, мудофаа ва хукук-тартибот соҳаларидаги хукумат дастурларини газнадаги маблаг билан таъминлаш масъулиятини олар экан, шифокорлар, укитувчилар, олимлар, аскарларга иш хаки тулаш, тиббий ва укув муассасалари, театрлар, кутубхоналар куриш ва бошка ижтимоий тадбирларни амалга ошириш учун куп микдорда сармояга муҳтож булади.



Давлат бу ишларни амалга ошириш учун зарур буладиган харажатларни уз газналарида тупланадиган маблагларсиз амалга ошира олмайди. Газнада, яни давлат бюджетида бу маблаглар асосан турли соликлар ва йигимлар оркали хосил килинади. Шу маъонода соликларнинг давлат хокимииятини таъминлашнинг молиявий қуроли сифатидаги хамда иктисадиёт, ижтимоий масалаларни тартибга солиш воситаси сифатидаги ахамияти тобора ортиб бораверади.

Биз ушбу молия тарихини шартли равишда куйидагича даврлаштириб урганишга максад килдик:

- а) исломгача булган давр;
- б) ислом (араб халифаликлари) ва ундан кейинги даврлар;
- в) чор Россияси мустамлакаси даври;
- г) собиқ социалистик тузум даври;
- д) бугунги кун.



## 1-мавзу: «Давлат молияси тарихи» фанининг предмети ва вазифалари

### Режа:

1. «Давлат молияси тарихи» фанининг ўрганиш соҳаси;
2. «Давлат молияси тарихи» фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро алоқаси;
3. «Давлат молияси тарихи» фанини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари.

1992 йилга қадар республикамиз ўзининг мустақиллигига эмас, балки бу давлатни доимий харакатлантирувчи воситалари хисобланган мустақил молия, кредит, суғурта ва пул муомиласи каби иқтисодий категорияларига ҳам эга эмас эди. Ўтган 20 йилга яқин даврда шакллантирилган, қайта қурилган ва ривожлантирилган. Бу воситалар олдига келажаги буюк давлат қураётган халқимиз янгидан янги вазифалар доирасида кадрларимизнинг комил инсон даражасига кўтарилишини талаб қилмоқда. «Комил инсон деганда, - деб таърифлаган эди президентимиз И.А.Каримов, - биз аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган хулқ атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз».

Бўлажак мутахассисни комил инсон даражасига кўтариш учун, унинг ўзи танлаган соҳаси бўйича илмларни пухта эгаллаш билан бирга шу соҳа тарихини ўрганиши мухим аҳамиятга эгадир, чунки тарихни яхши билмасдан туриб юксак маънавиятга эришиш мумкин эмас. Тарих замон талабларидан келиб чиқадиган муаммолар ечимини топишга, тўғри хуносалар чиқаришга ёрдам беради, тарих сабоклари инсонни ҳушёрликка ўргатади. Шундай қилиб, бўлажак иқтисодчиларни молия тарихи илми билан қуроллантириш биринчи даражали масалалардан биридир.

Давлат молияси деярлик барча даврларда иқтисодий механизмда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келган: мухим сиёсий ва иқтисодий муаммолар унинг иштирокида ҳал қилинган.

Хозирда республикамизда янги тарихни яратишда дастлабки тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон давлат молияси тарихи курси янги тарихнинг таркибий қисми сифатида қуидаги вазифаларни амалга оширишни қўзда тутади:

1. Амир Темур хукмронлигигача ўтган давр давомида Марказий Осиё ҳудудида дастлабки молия тизимининг давлат моддий таянчи ва бошқарув воситаси сифатидаги ролини, товар пул муносабатларининг молияни шаклланишига таъсирини кўрсатиш;
2. Амир Темур томонидан молиянинг назарий масалаларини умумлаштириш асосида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар мазмуни, солиқлар ва молиявий бошқариш соҳасидаги тадбирлар ва уларни истиқболлари билан таништириш;
3. Марказий Осиё хонликлари – Бухоро ва Хива хонликлари хамда Бухоро амирлиги молия тазими билан таништириш, чор Россиясининг молиявий тадбирларини хонликларга таъсирини кўрсатиш;

4. Туркистон генерал губернаторлиги молия тизимининг шаклланиши ва мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишдаги ролини кўрсатиш;
5. Марказий Осиёда октябрь тўнтарилиши натижасида «Янги» молия тизимининг ўрнатилиши, Совет империяси молия сиёсатининг чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини давом эттиришга қаратилган тадбирларининг реакцион моҳиятини тушунтириш;
6. Ўзбекистонда совет империяси молия тизимининг салбий оқибатларини тугатиш, мустақиллик йилларида янги молия тизимининг шаклланиши ва ривожланишини кўрсатиш;
7. Ўзбекистон давлат молияси тарихи курсини ўқитишида кафедра «Ўзбекистон тарихини ўқитиши ва ўрганишининг ягона концепцияси»га асосланади.

Ўзбекистон давлат молияси тарихини ўқитишида унинг айrim хусусиятларини эътиборга олиш керак.

1. Бу курс Иқтисодиёт факультети молия таълим йўналиши 1-курс талабаларига Ўзбекистон тарихи курси материаллари билан параллел равишида талабаларга тақдим қилинади. Маъруза ва амалий машғулотларда толибларнинг республиканинг умумий тарихи билан етарли билимга эга эканлиги кўзда тутилади. Умумий тарихий билимлар қисман такрорланмайди.
2. Курсни ўрганиш қадим даврдан бошлаб, мустақиллик давригача бўлган материалларни қамраб олгани учун хар бир тарихда ўтган давлатнинг молия соҳасидаги тадбирларни алоҳида ва батафсил ёритилмасдан, балки уни молия соҳасида умумий ривожланишга қўшган хиссасини кўрсатишгагина аҳамият берилади. Молия соҳасида амалга оширилган янгиликларни тўлароқ кўрсатишга алоҳида эътибор берилади. Баъзан қатор давлатларнинг бир бирига ўхшаш молиявий тадбирлари умумлаштирилган холда баён қилинади.
3. Айrim тарихий манбалар, «Темур тузуклари», Бобурнинг «Мубойин», Марғilonийнинг «Хидоя», Низом ал Мулкнинг «Сиёсатнома» асарлари хақида маърузаларда ўрин берилади, амалий машғулот дарсларида муҳокама қилинади.

Шундай қилиб, «Ўзбекистон давлат молияси тарихи» курсининг асосий вазифаси Ўзбекистон молиясининг шаклланиши, босиб ўтган йўли, хозирда эришилган даражаси билан таништириб, талабаларни мустақил тафаккур даражасига кўтаришга молиянинг хозирги даврда эришган ютуқларига ҳақоний баҳо бериш. Шу билан бирга «Молия», «Солик ва соликқа тортиш», «Давлат бюджети» фанларини чуқур ўзлаштирилишига ёрдам берилади. Ҳаммасидан муҳими талабаларда ўzlари танлаган ихтисосликка қизиқиш ортириш, унинг фидойисига айлантиришга аҳамият берилади.

Молия давлат томонидан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазифаларни амалга ошириш мақсадида шакллантириладиган ва ундан фойдаланиладиган умумдавлат маблағлари фонди тизимини ифодаловчи пул муносабатлари мажмуuidир.

Молиянинг моҳияти, унинг ривожланиш қонунлари, товар пул муносабатлари доирасидаги ўрни ва ижтимоий ишлаб чиқаришдаги роли



жамиятнинг иқтисодий тизими, давлатнинг табиати ва функциялари билан белгиланган.

## 2-мавзу: Қадимги даврда Марказий Осиёда давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва илк давлатлар молияси Режа:

1. Жамият ташкил топишининг уруг-кабила шакли;
2. Ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши ва давлатнинг пайдо булиши.
3. Марказий Осиёда давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва илк давлатлар молияси;
4. Илк давлатларнинг бошқарув тизими ва бошқарув услублари.

Таянч иборалари: Узлаштирувчи иктисодиет, матриархат, патриархат, уруг оксоколи, неолитик давр, мулкдорлар, йуксиллар, мулкий тенгсизлик, ижтимоий тенгсизлик, сунъий сугорииш, шахсий мулкчилик, хусусий мулкчилик.

1. Давлатнинг мохиятини, унинг вазифаси ва урнини белгилаш муаммоси кишиларнинг жуда куплаб авлодларини тулкинлантириб келди. Бугунги кунда хам давлатнинг пайдо булишига нима сабаб булди, у качон пайдо булди, унинг ахамияти нималардан иборат деган саволлар устида бош котириб келмокдалар.

Фан давлатдан олдин ибтидоий жамоа тузуми булганлигини тасдиковчи, жаҳондаги барча халклар уни босиб утганликларини исботловчи куплаб маълумотларга эгадир.

Мехнат килиш умумий булган, хаёт таъминоти воситалари тенг таксимланган уругчилик тузуми инсоннинг яшаши ва ривожланишини кафолатлайдиган жамият тузилишининг бирдан бир шакли эди.

Ривожланишнинг бу боскичидаги кариндошлиқ муносабатлари, бир авлоддан келиб чикишдаги умумийлик айни бир вактда хужалик иктисодий муносабатлар хам эди. Инсон индивид сифатида бутунлай уругга бодлик эди, факат биргалиқдаги саъй харакатлар, жипслашиш инсоннинг яшашига ердам берарди, яшаш манбаи эса табиат неъматлари эди, шу сабабли ишлаб чикаришнинг бу типи узлаштирувчи иктисодиет деб аталади.

Уругчилик тузуми купчилик халкларда икки боскични босиб утган: матриархат еки оналиқ уругчилик тузуми ва патриархат оталиқ уругчилик тузуми. Матриархат уругчилик тузумининг бошлангич боскичи учун хос эди. Уругчилик тузумининг бошлангич боскичидаги ибтидоий жамоа жамиятида аелларнинг хукмронлик мавкеи уша пайтдаги хаёт шароитларидан, ижтимоий ишлаб чикаришнинг узига хослигидан келиб чикар эди. Ибтидоий дехкончилик, уй хужалиги яшашнинг асосий манбаи эди. Улар табиий мехнат таксимотига кура аелнинг чекига тушган эди.

Жамиядаги эркаклар эса ов ва баликчилик билан шугулланарди, лекин бу ишларнинг хар иккаласи хам тасодифийлик билан бодлик булиб яшашнинг манбаи була олмас эди. Модомики, эркаклар мехнати иккинчи даражали,

аеллар меҳнати асосий уринда туар өкун, уларнинг мавқелари хам шунга яраша эди.

Бироқ, кейинчалик чорвачилик, дехкончилик, металл эритиш, меҳнат куроллари ва курол - ярог тайерлаш ижтимоий ишлаб чикаришда хал килувчи роль уйнай бошлади. Бу ишлар билан асосан эркаклар шугулланар эдилар. Табиийки, уларнинг урни бошқача була бошлади ва бу уз навбатида уларнинг жамиятдаги мавкеи узгаришига олиб келди.

Аста-секин уругчилик тузуми иктисодиетида, ишлаб чикарувчи кучларнинг ривожланишида жиддий узгаришлар юз бера бошлади. Бироқ, чорвачилик ва дехкончиликнинг пайдо булиши инсоният жамияти тараккиетида чинакам инкилоб булди.

Бу меҳнат куроллари яратилишигагина олиб келмасдан, балки яаш воситаси пайдо булишига олиб келди. Бу воеа неалит даврида юз берганлиги учун хам бу инкилоб-неалит даври деб аталади. У узида узлаштирувчи иктисодиетдан ишлаб чикарувчи иктисодиетга утиш даврини ифодалади. Бу эса инсоният жамияти тараккиети учун сифат жихатидан янги шарт шароитлар яратиб берди.

Неолитик инкилоб уз натижаларига кура жиддий ижтимоий иктисодий окибатларга эга булди. У инсон жамоа меҳнатига муҳтоҷ булмай колишига олиб келди. Давлат уруг-кабила жамоаси урнига худудий күшнилар жамоаси пайдо булди. Бу жамоа одамларни кон-кариндошлиқ принципи буйича эмас, балки мол ва ерга биргаликда эгалик килиш принципи буйича бирлаштиради. Лекин, вакт утиши билан анча такомиллашган меҳнат куроллари, тупланган тажриба шунга олиб келди, чорва молларини биргаликдаги бокиш ва ерга биргаликдаги ишлов бериш зарурияти колмади. Бу ишлар билан алоҳида оила-хужалик гурухи хам бемалол ўщугулланиши мумкин булди. Уй, чорва моллари, ишлаб чикариш куроллари бу оиланинг уз мулкига айланди. Бу вактга келиб оиланинг узи сезиларли узгаришларига учради. Бу узгаришлар унинг шаклига хам, моҳиятига хам даҳлдор эди. Гурухли никоҳ урнига факат бир аел билан уртасидаги никоҳ муносабатларини таказо этувчи жуфтли никоҳ келди. У уз навбатида никоҳнинг узида аелнинг факат битта эркак билан вактинчалик еки доимий никоҳда булишини ифодаловчи моногам (якка никоҳ) шакли билан алмашди. Моногам оиланинг биринчи тарихий шакли-патриархал оиласидир бу оилани асосида ишлаб чикариш куролига мулк эгалигини ота бошкарап эди. Патриархал оиланинг пайдо булиши кадимий уругчилик тизимида хосил булишига олиб келди. Алоҳида оила, Ф. Энгелснинг ифодаси буйича, уругчиликка хаф солувчи кучга айланди.

Чорвачиликка ва дехкончиликка ажралиб чиккан ижтимоий меҳнат таксимоти окибатида одамларда яаш воситаларини олишнинг баркарор манбаи пайдо булди, бу манба хаёт кечириш минимумидан купрок нарса бериши мумкин эди, яъни сотиш, алмаштириш, туплаш мумкин булган ортиқча маҳсулот вужудга келди. Айрим шахслар еки жамиятнинг бир кисми кулида ортиқча маҳсулотнинг тупланиши мулкдорлар ва йўксилларнинг пайдо булишига олиб келди. Жамоа мулки урнига хусусий мулк кириб келди. Жамоа булиб меҳнат килиш ва таксимотдаги тенглик шахсий меҳнат ва унинг

натижаларига шахсий, хусусий мулкчилик муносабатида булиш билан алмаша бошлади.

Күшимча маҳсулотни узлатириб олиш мумкинлиги, унинг алохидаги шахслар еки жамиятнинг бир кисми кулида жамланиши инсоннинг инсон томонидан эксплуатация килинишини келтириб чикарди. Кулчилик, оиласлар уртасидаги мулкий нотенглик пайдо булди. Жамиятнинг биринчи марта синфларга-мулкдорлага ва йуксилларга, эксплуататорлар ва эксплуатация килинувчиларга булиниши юз берди.

Неолитик инкилоб туфайли келиб чиккан жараенлар аста-секин чукурлашиб ва кенгайиб борди. Темирдан ясалган буюмларнинг пайдо булиши, меҳнат унумдарлигининг усиши ишлов бериладиган ер майдонини кенгайтириш, ишлаб чикиришни такомиллаштириш имконини берди, бу уз навбатида унинг янада ихтисослашувини такозо килар эди. Хунарманчилик пайдо булди. Бу хунарманчилик ишлаб чикириш буюмларини озик-овкат маҳсулотларида алмаштиришни келтириб чикарди. Тавар ишлаб чикириши, яъни сотиш максадида ишлаб чикириш тугила бошлайди. Бу алохидаги оиласлар уртасидаги мулкий тафовутларнинг чукурлашувига ва ургунинг янада табакалашувига олиб келди. Күшимча ишчи кучига булган эҳтиёж усиб борди ва кулчилик ижтимоий тизимнинг муҳим кисмига айланди. У тобора купрок ишлаб чикириш соҳаларнини камраб ола бошлади. Урушлар уз йуналишини узгартира бошлади, улар аста секин химоя воситасидан күшимча ишчи кучини кулга киритиш воситасига айланди.

Анча бойрок оиласлар куллар билан бир каторда иш кучи олиш учун кучсизлашиб ва камбагаллашиб колган оиласлардан фойдаланишга интилдилар, бу бойлар билан камбагаллар уртасидаги тафовутларни янада купайтириди. Мулкий тенгсизлик билан бир каторда ижтимоий тенгсизлик юзага келди. Уз мавкеидан фойдаланиб тобора купрок ер, мол, харбий улжаларни эгаллаб ола бошлаган дохийлар, лашкарбошилар, кохиллар гугухи ажиралиб чиккан. Уларнинг хокимияти шахсий манфаатни химоя килишга, куллар ва йуксиллар кабиладошларни ушлаб туриш ва буйсундиришга тобора купрок хизмат кила бошлади. Дохийлар ва лашкарбошилар хокимияти сайлаб куйилмасдан аста- секин мерос булиб кола бошлади. Дохийлар ва лашкарбошилар атрофида якинлар ва доимий харбий дружина жамлана бошланди. Улар вакт утиши билан имтиезли ижтимоий гурухлар булиб ажиралиб чикди.

Товар ишлаб чикириши ва савдонинг янада ривожланиши янги ижтимоий меҳнат таксимотига олиб келди-савдогарлар пайдо булди. Ер, чорва моллари, куллар тобора купрок унча катта булмаган оиласлар гурухи кулида туплана бошлади, йуксиллар сони усиб борди.

Иктисадиетда ва жамият тузилмасида юз бераетган узгаришлар кескин низоларни келтириб чикарди, уруг кабила ташкилоти шароитида уларни хал этиш имкони булмади. Бошка ташкилот зарур эди. Мана шу ташкилот давлат булиб чикди.

Давлат бирданига юзага келмади, балки аста- секин вужудга келаётган синфлар уртасидаги зиддиятлар кучайиши давомида пайдо булди.

Узбекистоннинг узини иклими, табиий шароити жихатидан жуда кадим замонларда ибтидоий одамни яшashi учун кулай бир жой булган. Шунинг учун хам Узбекистон терриориясида кишилик тарихини энг куйи боскичларидан бошлаб ахоли яшаган. 9 минг йилдан ортик даврни уз ичиға олган узбек халкининг тарихида уни ота-боболари сув учун сунъий сугориш системасини барпо килиш ва дехкончиликнинг ривожлантириш учун меҳнат килиб катта тажрибалар орттирганлар.

Узбекистон шахарлари кадим замонлардан бери йирик савдо йуллари устида жойлашган булиб, улар Шарқ ва Гарб халклари уртасида иктисодий ва маданий алокаларни ривожлантириш соҳасида катта хизмат килган. Демак, шу даврларда булган савдо сотиклар, соликлар, турли хил туловлар хакида ушбу фанда урганамиз. Яъни давлат кандай келиб чиккан Узбекистон худудида давлат молияси тарихи кандай келиб чиккан Урта Осиеда, жумладан, Узбекистонда олиб борилган текширишлар ва топилган археолог материаллар Узбекистон терриориясида ибтидоий даврни энг куйи боскичларидан, яъни музликлар босиши давридан бери одам яшаганини билдиради.

Кадимги грек манбааларида Урта Осие тупрокларида яшаган халклар скифлар деб аталади. Маълумотларда Урта Осие скифларини жуда кадимга бир халк деб курсатади. Парфия ва Бактрияда яна шу скифлар яшаганлар.

Кадимда грекларни таърифича, скифлар гарбда Днепр даресидан тортиб, шарқда Тян-Шан тогларигача чузилган катта терриорияда яшаган. Улар кути чорвадорлар, дехконлар булган. Уларни кабилалари эса маълум бир терриорияда иктисодий келишув ва харбий иттифок асосида бирлашган. Бундай бирлашмалар массагет, дай, шаг (сак), деприк ва шу каби номлар билан аталади. Геродот берган маълумотларга кура Каспий денгизидан шарқдаги текисликда массагетлар яшаган.

Давлатнинг зурлиги кабилалар, уруглар уртасида сувли ерларни талаш масаласини тез хал килади.

Ф. Энгельс узининг "Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чикиши" номли асарида аввалда кишиларни ички ишларини бошкариш учун сайлаб куйган давлат идоралари бора-бора уларнинг узларини эзиш куролига айланиб кетди деган эди.

Демак, кичик кичик давлатларнинг пайдо булиши пулни пайдо булишига туртки булган. Пулнинг тарихи жуда узок. Унинг пайдо булиши жамиятда товар ишлаб чиқариш билан бөглиқ. Пул пайдо булмасдан олдин кадимда маҳсулотлар бир-бирига бевосита алмаштирилган. Хунарманд узи ясаган асбобини, дехкон етиштирган хосилни бозорга олиб бориб узи ва оиласи учун зарур булган нарсага узаро келишув асосида айирбошлаган. Маълум бир маҳсулотлар айникса кийинчилик билан олинадиган еки етиштириладиганлари алохида ахамиятга эга булсада улар исталган нарсага алмаштирилаверган. Ана шундай маҳсулотларнинг пулнинг пайдо булишига туртки булган тарихий манбалардан маълум. Урта осиеда биринчи пуллар И. Зулкарнайнинг саркардаларидан Селевек асос солган. Селевекит давлатида Селевекнинг угли Антиох томонидан миладдан аввалги 280 йилларда пул чиқарила бошлаган.

Ислом рамзи туширилган дастлабки тангалар динор « 4, 3 гр олтин танга» ва дирхам «2, 8 гр кумуш танга» лар эса 685- йилларда Халифа Абдул Малик томонидан Сурия ва Фаластинда забт этилиб муомалага киритилган.

Пул тарихи хакида гап кетганда буюк саркарда, Сохибкирон А. Темур давридаги пул тизими тугрисида хам тухталиб утамиз. А. Темур давлатида 1390 йилларда унга кадар муомилада булган туртта кепек дирхами билан баробар тангалар чикарила бошлаган. Темур хокимиятида ушбу дирхамлар мири еки амирий, яъни амирнинг пуллари деган ном олган . Темур пулларинг шакли айлана юзасида арабча сузлар, турли шакллар ва юлдузлар тасвирангандан. Темур тангалари асосан уч халкали акс этган, бу Темур дуненинг уч китъаси хукмдори эканлигини тасдикловчи белги булиб, Сохибкирон ушбу тамгани узининг фармойишти билан ясаладиган барча буюмларда акс эттирган. Орадан неча замонлар, неча кунлар утиб фалаклнинг гардиши ила қадим Туркистанда Узбекистон мустакил давлат булди. Хукуматимиз кабул килаетган карорлар президентимиз И. А. Каримов юритаетган сиесати хозирги кун талабларига жавоб бера олади. Дунеда пулнинг тури куп, унинг шакли хам турли. Бизнинг пулимизга асосан тарихий обидалар муҳрланган, бу бой тарихимизга булган катта этиборни англатади.

### **3.Марказий Осиёда давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва илк давлатлар молияси.**

Ўзбекистон Марказий Осиёда энг қадимги ўлкалардан бири хисобланади. Атоқли қирғиз адаби Чингиз Айтматов 1964 йил кузида «Правда» газетасида «Пахтанинг ойдин йўли» номли мақоласида ўзбек халқининг тарихи ва тарихий ўрни хақида «қадимги Греция Оврупода цивилизация ўчоғи сифатида қандай ўрин тутган бўлса, Ўзбекистон ва ўзбек халқи Осиёда бутун туркий ўлкалар ва барча туркий халқлар тарихида худди шундай ўрин эгаллаган» деб кўрсатган эди.

Шу муносабат билан давлат молияси тарихини ўрганар эканмиз уни Марказий Осиёда, хусусан Ўзбекистонда давлатнинг келиб чиқиши билан узвий боғланган холда таҳлил қилишимиз керак.

Марказий Осиё худудида, хусусан Ўзбекистон минтақасида давлатчиликнинг пайдо бўлиши бундан 2700 йил олдин, яъни милоддан аввалги I минг йилликнинг VII асрида содир бўлган.<sup>11</sup>

Бу хulosага фақат археологик изланишлар эмас, балки бундан 3000 йил олдин ўлкамизда яратилган «Авесто» ёдномаси, шунингдек Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» ва бошқа асарлар гувоҳлик беради.

«Авесто» асарида патриалхал уруғ жамоаси ҳақида, унинг сўнгги қисми Видевотда иқтисодий тенгсизлик, синфий табақаланиш ҳақида муаммолар тилга олинган. Жамиятнинг ижтимоий таркиби ва ундаги синфий табақаланиш жараёни ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Бу табақаланишда аҳолининг асосий қисмини ўтроқ ҳаётга, дехқончилик ва ҳунармандчиликка ўта бошлаган,

<sup>1</sup> 1. Азамат Зиё «Ўзбекистон давлатчилигининг тарихи». Шарқ нашриёти, 2000 йил, 304 бет.  
Лекин айрим манбаларда давлатнинг йарим белгилари йил олдин деб кўрсатилади. Ўзбекистон овози. 2001 йил, июнь.

кўчманчи чорвачиликка эътибор кучайган, қадимги шаҳарлар, дехқончилик вилоятларининг шаклланиш жараёни кечётган даврга тўғри келади. Албатта бу жараён давлат иштирокисиз амалга ошмаган.<sup>11</sup> Давлат дастлаб айрим туман, кейинчалик шаҳар, вилоят миқёсида шаклланган. Марказлашган давлатни шакллантиришга бўлган эҳтиёж асосан З сабаб билан тушунтирилади.

Биринчидан, суғорма дехқончиликни ташкил қилиш, ўнлаб километрга чўзилган каналлар қазиш, янги ерларни очиш, саройлар, мудофаа деворлари, харбий қўрғонлар қуришда жамоатчиликнинг иштирокини талаб қилган. Минглаб кишилар жалб қилинган бу тадбир давлат иштирокисиз бўлмаган.

Иккинчидан, давлат олдидаги вазифаларни амалга ошириш учун моддий ва пул маблағларини шакллантиришни талаб қилган.

Учинчидан, мамлакатнинг ташкил давлатлар хужмидан ҳимоя қилиш, шунингдек қўшни давлатлар билан савдо сотик ва бошқа иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва бошқалар. Санаб ўтилган доимий вазифаларни амалга ошириш марказлашган давлатлар ва уларнинг молияларини келиб чиқишига шарт шароит яратган.

Ана шундай илк, қадимги давлатларга Хоразмдан ташқари Бақтрия, Парпия, Фарғона, Тоҳаристон ва бошқа давлат бирлашмалари киради.

Иккинчи масала - Ўзбекистон халқлари ўз бошидан кишилик тараққиётининг қулдорлик ижтимоий формациясини кечирдими деган саволига бериладиган жавоб.

Умумий тарихдан маълумки, қулдорликнинг асосий хусусияти биринчидан, қул бир ёки бир неча хўжайиннинг шахсий мулки ҳисобланади;

иккинчидан, у ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмайди;

учинчидан, қул эксплуатацияга ноиктисодий йўл билан мажбур қилинади.

Рим ва Грецияда қулдорликка ана шу тамоиллар иқтисодий асос бўлган, лекин Ўзбекистон ҳудудида хунармандчилик, савдо сотик бўйича бундай тамоиллар мавжуд бўлган бўлса ҳам, лекин қишлоқ хўжалиги соҳасида қулдорлик шундай хусусиятларга эга бўлганки, бу хусусиятлар унинг феодализмга нисбатан кескин фарқ қилмаганлигини кўрсатади. Бу минтакада К.Маркс ёзганидек: Осиёча ишлаб чиқариш усули мавжуд бўлиб, бу усул заминида озод дехқон жамоаларининг меҳнати асосида қурилган патриархал қулилк ётади.

Масалан, Кушонлар даврида ишлаб чиқаришда Кошаварзлар хизмат қилиб, хосил етиштирганлар. Ҳарбий зодагонлар ер эгаси бўлиб, улар «дехқон» деб аталган, дехқонлар феодализмда Россиядаги помещчик (ер эгаси)га ўхшаб, хизматкорлари, катта боғ-роғлари, чорва моллари, қуллардан иборат чоракорлари, хатто кўп хотинлари, канизаклари бўлган.

Дехқон кошаварзлар яратган моддий неъматларни ўз ихтиёрлари билан тақсимлаганлар. Бу неъматларнинг озгина қисми кошаварзларга қолдирилиб, қолган қисмига дехқон эгалик қилган, қўшимча маҳсулотнинг бир қисмини давлатга солиқлар шаклида топширган.

<sup>1</sup> Ш.Каримов, Р.Шамсутдинов «Ватан тарихи». Биринчи китоб. Ўқитувчи нашриёти. 1997 йил, 106 бет.

Шу муносабатлар билан айрим мамлакатлар ҳақида гапирганимизда, феодализм ёки қулдорлик шароитида яшаганларини аниқлаш қийин. Кўпчилик ҳолларда уларни давлат даромадлари ва ҳаражатлари бир биридан кам фарқ қиласди.

Учинчи масала. Давлат хазинасига ҳудудимизда яшаб ўтган мустақил давлатларнинг эгалик қилиши ёки уларни босқинчи мустамлакачилар ихтиёрида бўлиши Азамат Зиёнинг «Ўзбек давлатчилик тарихи» китобининг мундарижасида Амир Темур давлатигача ўтган ўн уч мустақил давлатнинг рўйхати берилади ва улар уч гурухга бўлинади:

1. Мелоддан олдинги ўзбек давлатчилиги (бунга Хоразм, Бактрия, Парсия, Фарғона ва Тоҳаристон киради).
2. Мелод бошидан исломгача бўлган даврдаги ўзбек давлатчилиги (бунга Кушонлар, Эфталитлар, Ашиналилар киради).
3. Исломдан кейинги Амир Темур давлатигача бўлган давлатлар (бунга Самонийлар, Қорахонийлар, Фазнавийлар, Салжуқийлар, Ануштегинийлар киради).


Санаъ ўтилган давлатлар давлатчилик тарихида асосан мустақил давлат сифатида ўз функцияларини бажарганлар. Лекин давлатчилигимиз тарихида ҳудудимизни босқинчилек билан эгаллаб, ўз хукмронлигини амалга оширган хорижий давлатларни ҳам кўрсатиб ўтишимиз керак. Бу давлатларга:

1. Аҳамонийлар
2. Искандар Зулқарнайн хукмронлиги
3. Араб босқинчилари
4. Мўғул босқинчилар хукмронлиги киради.

Кўрсатилган гурухларга ажратишнинг аҳамияти шундан иборатки, ҳудудимизни зўрлик билан эгаллаган мустамлакачилар халқ яратган бойликларнинг кўп қисмини ўз ихтиёrlарига олганлар. Лекин мустақиллик учун кураш олиб борган аждодларимиз ўз озодликлари, шу жумладан молиявий мустамлакасилик асоратидан қутилишга ҳаракат қилганлар.

#### **4.Илк давлатларнинг бошқарув тизими ва бошқарув услублари.**

Эрамиздан олдинги биринчи минг йилликнинг ўрталарида марказий Осиё ҳудуди Эрон босқинчилари Аҳамонийлар томонидан босиб олинган. Бу давлат хукмронлиги 200 йилдан ортиқ давом этган. Тарихчи Б.Гафуровнинг уқдиришича бу улкан Эрон давлатининг чегаралари Хинд океанидан Сахрои кабиргача чўзилиб кетган. Унинг чегараларида қора, Эгей, Каспий, Орол, қизил денгиз, Форс кўрфази, Хинд океани тўлқинлари мавж уриб турган. Бу жаҳон миқёсидаги ҳудудни эгаллаган давлат маъмурий жаҳатдан 20 сатрапияга бўлинган. Ҳар бир сатрапияга сатрап (ҳоким) ва туманларга ҳукмдорлар, оқсоқоллар тайинланган. Аҳамонийлар шаханшохи Доро томонидан маъмурий, молиявий ер ва пул ислохотларини ўtkазилиши сатрапларни тинмай хизмат қилишларини талаб қилган. Доро буйруғи билан Ўрта Осиёга кирган 4 сатрапия ҳар йили 1100 талант миқдорида (Бир талант 30 кг кумушга teng) солиқ тўлаган. Солиқни ундириш асосан ҳар бир туманда тайинланган оқсоқоллар томонидан амалга оширилган. «Алпомиш» достонида солиқларни қишлоқ



Оқсоқоллари тўплаганлар ва мирзага топширганликлари қайд қилинган. Бу тартиб Аҳмонийлар давридан бошлаб расм бўлган бўлса керак.

Мелоддан олдинги 329 йилда худудимиз Искандар Зулқарнайн томонидан ишғол қилинган. Бизда Юнон ёки Рум солиқ тизими киритилгани ҳақида маълумотлар бўлмаса ҳам, лекин ҳар бир сатрапияга эронликлар ўрнига юнонликлар тайин қилингани ҳақида маълумотлар бор.

Марказий Осиёда Юнон Бақтрия хукмронлиги даврида кумуш пул зарб қилингани ҳақида маълумотлар бор. Эронликлар ҳам сатрапларга кумуш тангалар зарб қилишга рухсат берганлар. Бундай хуқуқнинг берилиши тўпланган солиқларни марказга юборишни қулайлаштириш учун қилинган бўлса керак.

Мелоддан олдинги 250-140 йилларда Юнон-Бақтрия хукмронлиги тутатилгандан кейин, мустамлакачилар ихтиёрида тўпланган маблағларни марказга жўнатиш вазифаси барҳам топди. Шу билан бирга мустақил бошқарув ўрнига мустақиллик асосида бошқарув тизими шакллана бошлади.

Масалан, мелоддан аввалги II асрнинг 20 йилларида Фарғона, Суғдиёна, Бақтрияда сафарда бўлган Хитой элчиси Чжан Цян Фарғонада камида 60 минг оила аҳоли сони жихатидан 300 мингга яқин фуқаро истиқомат қилгани ҳақида ёзиб, Фарғона бошқарув тизими хукмдор, унинг икки ёрдамчиси (вазири) ва оқсоқоллар кенгаши фаолият кўрсатганини келтирган.

Оқсоқоллар кенгаши хукмдорга яқин кишилар ҳисобидан шакллантирилган. Улар ижтимоий, сиёсий ва ташқи муносабатларда, чунончи уруш очиш, сулх тузиш, янги хукмдорни тайинлаш, уни таҳтдан маҳрум қилиш тадбирларини амалга оширганлар.

Хитой элчиси Фарғонанинг иқтисодиёти ҳақида гапириб, бу ерда пахта ўстирилиши, етиштирилган беда ва узум хитойликлар учун янгилик бўлган. Фарғонада 60 га яқин шаҳар мавжуд бўлганлиги тилга олинган. Ҳар бир шаҳарнинг ўз хокими бўлгани кўрсатилган.

Юқорида келтирилган маълумотлар қадимги давлатларда бошқарувни ташкил қилишда худуд қанча катта бўлса унинг бошқаруви ҳам мураккаблашганлигини, бу айниқса ташқи хужум холларида уларни бошқарувнинг тақсимлаштиришга кескин эҳтиёж сезилганини кўрсатади.

Шу муносабат билан бир сулоладан иккинчи сулолага, бир подшоликдан иккинчи хукмдорликка ўтилганда бошқарув такомиллашиб борганлиги исбот талаб қилмайди.

Бошқарув тизимини класик намунаси Исмоил Самоний томонидан олдинги сулолалар тажрибасини умумлаштириб, илғор тизим сифатида қўйидагича тақдим этган.

Бу тизим бўйича бошқариш олий хукмдор даргохи (саройи) ва девонлар мажмуудан иборат бўлган.

Ҳаммаси бўлиб 10 вазирлик бўлиб, уларнинг ҳаммаси олий хукмдор даргохига итоат қилган.

Бу вазирликларни аҳамияти ва меҳнат тақсимотига қараб, қўйидаги 5 гурӯхга ажратиш мумкин:

1. Олий хукмдорлар даргоҳи аҳамиятидаги ва унга ҳизмат қилувчи девонлар (вазирликлар). Бунга 1-бош вазир девони, яъни 9 девон устидан раҳбарлик ва назорат қилувчи вазир киради.
2. Сарой иш бошқарувчиси девони-даргоҳ таъминоти билан боғлиқ сарф ҳаражатлар устидан назорат олиб борувчи девон.
3. Давлат расмий хужжатларини ишлаб чиқиш девони
4. Хат хабарлар мутасаддиси девони. Бу вазирлик хукумат ва маҳаллий хокимият қабул қилган хужжатларни, кўрсатмаларни жойларга етказган, маҳаллий девонларнинг жойлардаги бўлимларининг фаолияти ҳақида хаққоний маълумотлар тўплаб, хукуматни хабардор қилиб турган.
5. Давлат мулклари девони, сулоласига тегишли мол-мулклар устидан назорат олиб борган. Уларнинг фаолиятини назорат қилган

II. Сипохиларни бошқариш девони

III. Молия девони

IV. Мутаносиб девони: жойларда – шаҳар ва қишлоқларда тартиб интизом ўрнатиш, савдо-сотиқни нарх-навони назорат қилиш ва бошқа соҳа ишларини тартибга солган.

V. қозилик ва вақфлар девони: бу девон мулкларидан қандай фойдаланилаётгани ва қозиларнинг фаолияти устидан назорат олиб борганлар.

Санаб ўтилган девонларнинг жойларда маҳаллий бўлимлари бўлиб, улар фақат марказий вазирликка эмас, балки жойлардаги хокимликларга ҳам итоат қилганлар.



### З-МАВЗУ: ЭНГ КАДИМГИ ДАВРДАГИ СОЛИКЛАР

РЕЖА:

1. Соликка тортишнинг илк шакллари..
2. Урта Осиё давлатларида солик сиесатининг ривожланиши.

Таянч иборалари:

*Мискинлар, мамурий кайта куриши, улпон, талант, арздор, натура хисоби, махаллий хокимлар, синфий курашлар, курбанлик килиши, иктисодий манбалар.*

Курбонлик килиш — соликка тортишнинг ибтидоий шакли хисобланади. Бу маросим ихтиёрий равишда ва қунгилли тарзда амалга оширилмаган, балки унинг ёзилмаган конунлари булиб, мажбурий тулов ёки йигим куриниши тусини ола бошлаган, унинг фоиз микдорлари муайян даражада катоий килиб белгилаб куйилган. Уларни таксимлаш хакидаги низомлар уз асосини Оллохнинг китоби — Ыуроони каримдан олади. Улжалар таксимоти хусусида Куроннинг "Анфол" ("Улжалар") сураси 41-оятида шундай илохий хукм килинади:

— "билингизки, улжа килиб олган нарсангизнинг бешдан бири Оллох учун, пайгамбар учун ва у зотнинг кариндош-уруги, етимлар, мискинлар ва мусофиirlар учундир".

Давлатни саклаб туриш учун иктисодий манбалар зарур эди, улар пул ва маҳсулот тарзида солик ундириш, мажбуриятларни бажартириш кабилар хисобига вужудга келтирилади. Ва жон солиши билан ер солиши — тушумларнинг асосийси хисобланади.

Фикримизни куйидаги тарихий - далиллар билан асослаймиз: эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг бошида Урта Осиё худудида Ахмонийлар давлати хукм сурган. Академик В. Гофуровнинг уктиришича, бу улкан форс давлатининг сарҳадлари хинд денгизидан Сахрои Кабирга кадар чузилиб кетган. Эрамиздан аввалги 522-521 миллиarda бу давлат хокимиияти Доро 1 томонидан босиб олингач, унинг худудларида исён кутарилган. Бу исёнда Урта Осиё халклари хам иштирок этадилар. Кузголон бостирилгандан кейин форс шохи Доро 1 давлат бошқарувини ижтимоий ва маъмурий карта куриш максадида бир канча ислохотлар утказди. Натижада ягона давлат, пул ва солик тизими бунёдга келди. Мазкур тизим империя таркибига кирган мамлакатларнинг иктисодий имкониятларини хисобга олган. Геродотнинг гувохлик беришича, Доро 1 форс давлатини 20 вилоят ва туманга булган, уларга хокимларни тайинлаган, улпон солган. Бу чинакам солик ислохоти эди. Шундай килиб, ягона пул тизими вужудга келди: пойтахтда олтин тангалар зарб этилди, махаллий хокимлар томонидан хам тангалар чикарилди. Буларнинг хаммаси мамлакатнинг молиявий ахволини мустахкамлашда мухим ахамиятга молик булди.

Доро 1 ислохотларига кадар салтанатни бошкарган шохлар ундирангун улпонлар микдори хар бир туман хокими томонидан белгиланаар эди. Шу боисдан хам Доронинг юкоридан бошкариладиган солик ислохотлари маҳаллий амалдорларга ёкмади, улар шохни савдогар, деб атай бошладилар. Доро I даврида хар бир вилоят ва туман йиллик асосий соликни пул билан тулаши зарур эди.

Бундан ташкари натура билан хам солик туланар эди. Милоддан биринчи минг йиллик урталарида Урта Осиё икки асрдан купрок давр мобайнида Ахмонийлар салтанати—Эрон давлати таркибида булган. Урта Осиё халкларининг тобелиги йиллик улпон ва харбин лашкарлар етказиб беришдан иборат эди. Солик-улпон микдори — сак ва касбий кабилалари учун эллик талант (бир талант 25 килограмм 248 грамм соф олтинга тенг эди), Парфия, Хоразмий, Сугд кабилалари учун эса уч юз эллик талант микдорида белгиланган эди. Сув беришни тухтатиб куйиш борасидаги таҳдидлардан чучиган халк ахмонийлар шоханшохларига мунтазам солик-улпонлардан ташкари яна кушимча соликларни хам тулардилар. Буюк тарихчи Геродот бундай ёзган эди:

"Сув булмай колганда кабилалар хотинларини олиб Эронга боришар, шох дарвозаси олдида туриб олиб дод-вой кутаришар эди. Аунда шох арздорларнинг сувга жуда. хам муҳтоҷ эканликларига амин булар, хамда уларнинг водийларига сув берадиган туфон дарвозаларини очишни буюрарди. Арздорнинг ери сувга конгач, туфон дарвозалари яна ёпиб қуилган. Шикоятларга кура шох тугонларни очганлиги учун куплаб маблаглар йигиб олган".

Александр Македонский Эронда Аммоний сулоласини тор-мор этгандан сунг то араблар Урта Осиёни истило килгунга кадар орадан минг йилдан купрок 'вакт утди. Ахмонийларни босиб олиш билан каноатланмаган юон саркардаси бу сулоланинг мустамлака ерларига хам от сурди. Македонский эрамиздан аввалги 329 йилда Бактрияда (хозирги Кашкадарё ва Сурхондарё вилоятлари худудида), Сугдиёнада (Зарафшон вохаси) ва Хоразмда пайдо булди. Бу улкаларнинг халклари чет эллик боскинчиларга каттик каршилик курсатдилар, купдан-куп кузголонлар уюштирилар. Аммо эрамиздан аввалги 328-327 йилларда Сугдиёна лашкарбошиси Спитамен бошчилигига кутарилган 'кузголон микёси жихатидан хам максад-муддаосининг поклиги жихатидан хам улар орасида алохида урин тутади. Кузголончилар купдан-куп иктисодий ва сиёсий талаблар билан чикишди, аммо мавзумиз учун Спита менчиларнинг солик соҳасидаги бедодликка карши кураши кизикарлидир. Уша пайтда Юноистон (Греция) фукаролари учун солик кайтлама характеристига эга эди. Уруш харакатлари тухтагач, давлат ахолидан олган маблагларини узларига кайтиб беради, чунки озод фукаролар учун солик тулаш шармисорлик билан баробар эди. Кадимги юон тарихчиси Арманинг "Александринг юришлари" китобидан бизга шу нарса малумки, Александр Македонский форс худудлари ва Урта Осиёнинг ерларини уз давлати таркибига кушиб олгандан кейин хам Ахмонийлар давридаги давлат идора усулини саклаб колди. Маҳаллий аслзодалардан қуилган хоким (яни бек ёки бошкacha айтганда сатрап) уз

иҳтиёридаги улканинг давлат юмушларини бошкарган. Аммо Македонский хокимлик (беклик)ни саклаб колган булса-да, бошкарув девонига уз аъёнларини киритар ва улар солик сиёсатини юргизар эдилар.

Эрамиздан аввалги Ш-II асрда солик хакидаги дастлабки асар пайдо булди. "Соликнома" деб аталган бу рисолада солик солишнинг асосий нормаларини белгилаб берадиган конунлар ва тамойилларни тартибга солишга уриниб курилган. Юнонлар ушбу конунларни мисрликлардан урганишган эди. Шу тариқа ер ва жон солили юзага келган. Рим вилоятининг ахолиси 65 ёшга тулгунга кадар жон солиги тулаган. Эркаклардан 14 ёшдан, аёллардан 12 ёшдан бошлаб шундай солик ундирилган. Мабодо, бирор фукаро кулини сотадиган булса — 4 фоизли, кулини озод киладиган булса — 5 фоизли солик тулаган. Хунармандлардан хам соликлар олинган. Бундан ташкари, мерос солиги булган. Чорва солиги хам соликлар тизимида муҳим урин тутган.

Слевек (Александр Македонскийнинг саркардаларидан бири) эрамиздан аввалги 312 Филда узининг номи билан аталган давлатга асос солди ва эрамиздан аввалги 306 йилда Урта Осиё мулклари хам шу давлат таркибига курган эди. Бу Грек-Бактрия давлати 100 йилдан зиёд хукм сурди ва жуда равнак топган салтанатга айланди. Марказий хукумат томонидан чет щлкалар учун тавсия этилган барча соликлар ва йигимлар Урта Осиё вилоятларида хам аста-секинлик билан жорой этила борди. Шуниси характерлики, бу пайтда маҳсус соликчилар булмаган эди.

100 йилча хукмронлик килган Эфталит давлати тарихида хам солик тизимларида эсга олишга арзирли тамойиллар бор. Маълумки, бу давлат уз таркибига Урта Осиёни кушиб олган Кушон подшолиги урнида эрамиздан аввалги аср урталарида бунёд булган ва гуллаб-яшнаган эди. Уша даврда бу худудда янги каналлар казилган, обод шахарлар кад ростлаган, пахтачилик тараккий эта бошлаган. Бу давлатнинг парчаланишига синфий курашларнинг кучайиб кетганлиги асосий сабаб булган эди. VI асрга келиб туркларнинг сикуви билан таназзулга юз тутган Эфталитлар давлати урнида турли-туман кабилалар ва халклар кучманчилар давлати — "Турк хоконлиги" га бирлашуви амалга ошиди. Аммо VI аср бошларида бу хоконлик хам гарбий ва шаркий турк давлатларига парчаланиб кетади, Урта Осиё Рарбий кисмида колади.

Иҳтиёrimизда уша даврлар солик сиёсати тарихини урганиш имконини берадиган кадимги манбалар кам булса-да, мавжуд маълумотлар айрим хуносаларни чикариш имконини беради. Туркларнинг солик сиёсати содда эди. Соликлар махаллий хокимлардан ундирилар, бу ишни улпончилар амалга оширап, турк хукмдорлари эса бу ишни хушёрлик билан кузатиб борардилар.

Соликлар натура (мол) хисоби билан бир каторда пул тарзида хам туланган. Сакланиб колган куплаб тангалар ва Кушон давридаги сарой харобаларини казиш пайтида топилган олтин захиралари шундай фикр учун асос була олади.

Назорат саволлари:

1. Доро I нинг давлат бошкарувининг асосий мохияти нимадан иборат?
2. Ягона давлат, пул ва солик тизиимнинг бунёдга келиш сабаблари нимада?



3. Доро I давлатнинг иктисодий ва сиёсий ислохини мазмунни нимада?
4. Эрон давлатини таркиб топиши ва иктисодий сиёсатини мохияти нимада?
5. Давлатни саклаб турувчи иктисодий манбалар нималардан иборат эди?
6. Тушумларнинг асосийси кимлардан кай тарзда йигилган?
7. Тушумларнинг асосийсини кандай соликлар ташкил этган?
8. Доро 1 давридаги давлат соликлари кайсилаар эди?
9. Шу даврдаги ахолига куйилган иктисодий ва сиесий талаблар?
10. Кушон даврига келиб давлат кайси томонга узгарган? Шу даврдаги иктисодий, молиявий узгаришлар кандай булган?

## **4-мавзу: Милоддан аввалги даврларда шаклланган давлатларда бошқарув харажатлари ва давлат даромадлари**

**Режа:**

- 1. Милоддан аввалги давлатларда бошқарув харажатлари;**
- 2. Давлат хазинаси ва давлат даромадлари**

### **1. Милоддан аввалги давлатларда бошқарув харажатлари;**

Юқорида кўрсатилган девонлар ва уларнинг жойлардаги бўлимларида юзлаб лавозимларда маъмурий ходимлар ва мирзалар ишлаганлар. Уларга марказий ва махаллий мансабдорлардан белгиланган тартибда маош тўланган.

Кўрсатилган хусусиятларни эътиборга олиб, давлатлар ва махаллий харажатларни қўйидагича гурухлаш мумкин:

1. Олий хукмдор даргохи ва унга хизмат қилувчи даргохларни сақлаш харажатлари
2. Лашкарлар билан сипохийлар харажатлари
3. Илм фан ва маданий тадбирлар билан боғлиқ харажатлар.
4. Бошқа харажатлар

Олий хукмдор даргохи ва унга хизмат қилувчи вазирликлар хақида мулохаза қилганда, сарой иш бошқарувчиси вазифаларини бажариш учун алоҳида вазирлик белгиланганлигини алоҳида кўрсатиш керак. Бу харажат хисобидан хукмдор саройи учун бинолар, хукмдор ва унинг оила аъзоларининг майший эҳтиёжларини қондириш билан боғланган харажатларни кўзда тутиш керак. Бу харажатлар хақида тасаввур олиш учун Хоразмшохлар даврида 1225 йилга тегишли лавазимларни санаб ўтиш қизиқарли бўлса керак. Бу лавозимларга қўйидагилар киради:

1. Устоздор - саройдаги барча хўжалик ишлари (отхоналар, ошхоналар, нонвойхоналар, вино омборлари)ни назорат қилиш билан шуғулланган ва амирнинг харажатларини бошқарилган
2. Амир-ахур - отхона ишлари бўйича масъул. Айрим холларда унинг ихтиёрида 30мингта яқин от сақланган.
3. Амир шикар – сultonнинг овга чиқишига тайёрлаш ва ташкил қилиш билан шуғулланган.
4. Шарабдор – винолар сақланадиган омборларни назорат қилган.
5. Киссадор – арз билан келганларнинг аризасини қабул қилувчи ва унга жавоб берувчи.
6. Даватдор – сultonнинг котиби
7. Фаррош – сultonга тегишли қўрпа ёстиқлар харажатини хисобга олиб борувчи.
8. Амир ал-алам – сulton байроғини кўтариб юрувчи
9. Джаш нигер – сultonга тақдим қилинадиган таомларни текшириб кўрувчи.

Бундан ташқари бошқа подшохликларда подшох ихтиёридаги канизаклар ва аёллар билан иш олиб борувчи аёллар ҳам бўлган.

Биз 10 вазирлик мавжуд эканлигини кўрсатган эдик. Шуни айтиш керакки, олий хукмдор даргоҳида хизмат қилувчи вазирликларнинг ҳар бири

учун алохига бино ажратиб берилган. Улар орасида меҳнат тақсимоти яхши йўлга қўйилган. Давлат идоралари факат маъмурий вазифаларни бажариш билан чегараланмасдан, балки қўприклар қуриш, шаҳар ва қишлоқлар ободончилиги, дехқончилик соҳасида ғамхўрлик қилиш, карvon йўллари хавфизлигини таъминлаш, карвонсаройлар, турли мақсадлар учун мўлжалланган бинолар, бозорлар, янги шаҳарлар бунёд этиш каби ва серхаражат, кўпчилик билан битадиган тадбирларга бош бўлганлар, буларнинг хаммаси давлатнинг ижтимоий ишларини ташкил қилиш билан боғланган функцияларини яхши йўлга қўйилганлигидан дарак беради. Лекин иқтисодиёт билан боғланган бошқа тадбирлар – пахта, ипак жундан турли матолар, кийимлар тайёрлаш, қофоз ишлаш, шишасозлик, кулолчилик, кончилик, гилам тўқиши, мисгарлик, темирчилик, кунжут, чигит, зифир канопдан мой олиш каби соҳаларни ривожлантиришга давлат хисобидан маблағ ажратилмаган бўлса ҳам, лекин уларни ташкил қилишга вазирликлар ўз ташкилот хиссаларини қўшганлар. Бу масала ҳақида мулохаза юритар эканмиз, бу даврда қулдорлик ва феодализм тизими давом этганлигини эсдан чиқармаслигимиз керак. Темир, олтин, мис, кумуш, навшадил, мармар ва бошқаларни қазиб олишда кўпроқ қўл меҳнати мухим роль ўйнаган бўлиши билан, ички ва ташқи савдони ривожланишига самонийлар томонидан йўлга қўйилган олтин ва кумуш пулларини зарб қилинишига алохига аҳамият берилганлигини кўрсатиб ўтиш керак. Бу кабиларнинг анчагина қисми лашкарларни асрашга сарфланган. Кўпчилик давлатларда лашкарлар 2 гурӯхга бўлинган:

1. Доимий равишда хизмат бурчини бажарувчи (сараланган) лашкарлар.
2. Асосан вилоятларда истиқомат қилиб, зарур вазиятда сафарбар қилинувчи сипоҳилар.

Самонийлар даврида лашкарларни асрашга кам маблағ сарфланган, лекин сипоҳийларнинг сони жиҳатидан Хоразмшохлар даврида энг қудратли лашкар сақлаб, унинг миқдори 600 минг отлик аскардан иборат бўлган. Улар Боғдод юришига ташланган. Мўғуллар босқини арафасида бу улкан қудратни сипоҳийларни таъминлаш жуда кўп миқдорда маблағ талаб қилган. Чунки Султон Мухаммаднинг шахсий гвардияси 10 минг кишини ташкил қилиб, булар орасида полвонлар билан бирга харбий назоратчилар, вилоят қўшини бошлиғи, чопарлар, жосуслар – разведкачилар, аскар козиси каби хизмат вазифалари бўлган.

Биз сипоҳийларнинг тоифаларига қараб, тайин қилинган уруфалар ҳақида гапирав эканмиз, уларни сипоҳилар талабига етарли даражада жавоб бермаганлигини кўрсатиб ўтишимиз керак. Алишер Навоий «Садди Искандарий» номли достонида сипоҳилар уруфаси ҳақида фикрини баён қиласди.

«Кимки шохлик қилишни истаса: барча аскарларнинг холидан воқиф бўлсин, уларнинг таъминоти масаласини хал қилганда, хар кишининг даражасига қараб, иззатини бажо келтирисин» - деб ёзган эди.

Самонийлар харажатлари ҳақида сақланиб қолган маълумотларга қараганда, хазиначи қабул қилинган ўртacha йиллик даромад 45 млн дирхамни ташкил қилган бўлса, шундан 20 млн дирхами давлат бошқаруви ва

лашкарларни сақлашга сарфланган. Лекин инсонпарварлик харажатларига ҳам озми кўпми маблағ ажратилган.

Сомонийлар даврининг муҳим хусусиятларидан бири бу даврда жаҳонда биринчи бўлиб уйғониш даври бошланганлиги, Ахмад Фарғоний, Мухаммад Хоразмий, Фаробий, Ибн Сино, Беруний ва бошқалар фаннинг қўпчилик тармоқларига ўз хиссаларини қўшганликларидир. Бошқа фанлар қатори ижтимоий фанларга қўшилган хисса хақида гапирав эканмиз, бу даврда сиёsatшунослик соҳасида минг йил муқаддам давлатчиликнинг мазмуни хақида гапириб, Фаробий давлатнинг вазифаси инсонларнинг баҳт-саодатга эришувидир деган сўзларини эслаймиз. Иқтисодиёт соҳасида катта маблағларни узоқ масофага ташиб юрмасдан, балки чек тизими орқали бир шаҳардан иккинчи шаҳарга узатилганлигини кўрсатиб ўтиш керак. Бундан ташқари, илм-фан соҳасида муваффақиятлар хақида гапирганда тарихчи ва сайёҳ Ёкут Хаммавий (1179-1229) Марвда йирик кутубхона бўлиб, унда кўп жилдлардан иборат нодир китоблар сақланаётганлигини, шунингдек давлат маблағларидан масжид ва мадрасалар қурилганини қайд қилиш керак. Келтирилган мисоллар Самонийлар ва бошқа даврларда давлат маблағларидан фан ва маданиятга ҳам озми кўпми маблағ ажратилгани, ҳар бир шоҳ саройи хузурида шоирлар мушоираси уюштириб турилганлиги ва шоир ва олимларга мукофотлар ва совғалар тақдим қилинганлиги хақида маълумотлар бор.

Хиванинг 2500 йиллиги тантаналарида (1997 йил) кўрсатилганидек Хоразмда Маъмун Академияси қайтадан тиклангани жаҳон тарихида муҳим воқеа бўлган. Бу академия фан ва маданият хомийси Маъмун II (1010-1017) томонидан Урганчда ташкил қилинган эди. Маъмун II давлат хазинасидан фан ва маданиятга бошқа хукмдорларга намуна бўларлик даражада кўп маблағ ажратган. Бу масканда яратилган шарт шароитдан Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Абу Сахл Масихий, Абухайр Хаммор, Наср Ирок каби буюк дахолар баҳраманд бўлиб, ўз ижодларини чархлаганлар.<sup>1</sup>

Лекин ғазнавийларнинг илм-фанга хомийлиги фан тараққиёти учун хақиқий хомийлик эмас, балки ўз шон шуҳратини кўзлаб қилинган тадбир эди. Г.А. Хидоятов айтганидек «Бу ерда ҳам кўпгина Осиё хукмдорларига хос ўта хуник аломат – фан ва маърифат тўғрисида астойдил ғамхўрлик қилиш эмас, балки барча энг порлоқ ҳамда машхур нарсаларни жамлаб, ўз хонадони ва ўзини шарафлаш истаги намоён бўлар эди...». Махмуд ғазнавийнинг дин пешволарига хомийлиги унинг хазинадан уларга маблағ ажратиш эмас, балки уларни давлат лавозимларига тайинлаш йўли билан ҳам амалга оширилар эди, чунки руҳонийлар Махмуд ғазнавийнинг муҳим ижтимоий таянчи хисобланар эди. Унинг асл мақсадларидан бири ўзини келажакда ислом султони мусулмонлар дунёсининг олий дунёвий хукмдори деб танитиш эди.

## 2. Давлат хазинаси ва давлат даромадлари.

Жаҳон тарихида мелоддан олдинги ва мелоддан кейинги даврлардан бошлаб Амир Темур давлати шакллангунга қадар хукмронлик қилган шоҳлар ва қиролларнинг олий мақсадлари ўз бойлигини тинмай кўпайтириб бориш, бир

<sup>1</sup> Булгаков П.Г. «Жизнь и труды Беруни». 1972г. с 120-121 стр., с 346-363 стр.

сулоладан иккинчи сулолага нисбатан унинг микдорига икки-уч баробар микдор қўшиш бўлган. Биз олдинги параграфда бу маблағларни нималарга сарфланганлигини мисоллар асосида кўрсатишга харакат қилдик, уларнинг энг кўп қисми унумсиз тадбирларга сарфланиб, хатто исроф бўлганликлари аён. Тарихий маълумотлар қирол ва подшоҳнинг хазинаси дастлабки асосий манбаи совға салом бўлганлигидан дарак беради. Геродотнинг берган маълумотларига қараганда Ахамонийлар Бақтрияни зўрлик билан ишғол қилгандан кейин, форс Додаржиш тайинланганга қадар мелоддан олдинги 529-522 йилларга қуриш ва унинг ўғли Камбис хукмронлик қилган даврда муайян бир солиқ олинмаган, фақат қарам мамлакатлар совға-саломлар юбориб туришган. Совға-салом йиғилган нодир жихозлар ёки вилоят хукмдорининг шахсий даромади хисобидан бўлган, чунки унинг ихтиёрида бошқа молларга қараганда кўпроқ мол-мулк бўлган.

Лекин Доро хукмронлик даврига келганда солиқлар тарихида иккинчи босқич бошланади. Совға-салом ўрнига мажбурий тартибда солиқ жорий қилинади: «Дорони форслар савдогар дейишларига сабаб – деб ёзиб кетган эди Геродот, - у биринчи бўлиб солиқ тизимини жорий этганлигидадир».

Доро солиқ тизимини фақат ўз мамлакатидагина эмас, балки зўрлик билан қарам қилиб олган мамлакатларга ҳам жорий қилди. Бунинг учун у ўз империясининг 20 сатрапияга ажратган, ҳар бир сатрапияга хукмдор сатрап тайинланган. Унинг асосий машғулоти солиқ тўплаш бўлган. Ҳар бир сатрапияга умумий тўпланадиган солиқ микдори белгиланган. Солиқ микдори кумуш пул бирлиги – талант хисобида аниқланган. Бир талант 30 кг кумушга тенг бўлган. Масалан, Хоразм сатрапиясига унинг ўз тасир доирасидаги Суғдиёна, Парсия, Ария вилоятларига 300 талант йиллик солиқ тайин қилинган. Шу билан бирга солиқларни хисоблаш ва жўнатишни осонлаштириш учун ер ва пул ислохати ўтказилган. Шуни айтиш керакки, Марказий Осиё ахолисига нисбатан кўп бўлган, Хиндистонга нисбатан ҳам кўпроқ солиқ белгиланган. Искандар Зулқарнайн Эрон Ахамонийлар сулоласини тор-мор этгандан кейин Марказий Осиёнинг араблар истило қилгунга қадар орадан минг йилдан кўпроқ вақт ўтди. Юнонлар саркардаси Ахамонийлар метрополиясини босиб олиш билан қаноатланмасдан, бу сулола мустамлакалари ерларига ҳам от сурди. Юнонлар эрамиздан аввалги 329 йилда Бақтрия, Суғдиёна, Хоразмда пайдо бўлди. Бу ерлардан мустақиллик учун кураш Спитамен раҳбарлигига амалга оширилди. Шуни айтиш керакки, Юнонистонда солиқ олиш қайтарма характерга эга эди. Бунда озод фуқаролар солиқ тўламас, агар бирор мамлакатга хужум бошланса, солиқ олинар эди. Хужум томом бўлиб, ғалабага эришилгадан кейин олинган солиқ озод фуқароларга қайтариб берилар эди, чунки озод фуқаролар учун солиқ тўлаш шармисорлик билан баробар эди. Демак, солиқ юки босиб олинган ўлкалар фуқаролари зиммасига тушар эди.

Искандар Зулқарнайн Марказий Осиёда Ахамоний даврида мавжуд идора усулини сақлаб қолди, лекин бошқарув девонига ўз аёнларини тайинлади. Бу амалдорлар асосан Ахамонийлар жорий қилган солиқ сиёсатини давом эттиридилар.

Солиқлар хақидаги дастлабки асар эрамиздан олдинги III-II асрда пайдс бўлиб, бу китоб «Солиқнома» (Податный устав) деб аталган. Бу асар дастлаб Мисрда Птоломей II хукмронлик даврида пайдо бўлган. Ушбу рисолада солиқ солишининг асосий нормалари ва қоидалари белгилаб, Юнонлар ушбу қонунларни Мисрликлардан ўрганишган эдилар, ер ва жон солиги шу тариқа юзага келган эди.

Тарихга мурожаат қилсақ, рента сифатидаги ер солиги Мисрда мелоддан олдинги IV-III асрдан минг йил муқаддам пайдо бўлган ва натура шаклида олинган. Солиқни хисоблаш учун кадастр ишлари амалга оширилган. Демак, натура билан солиқ олиш пул билан солиқ олишдан 2-3 минг йил муқаддам вужудга келган. Бундан ташқари чорва молини парваришлаш, хайдаладиган ерлар учун белгиланган миқдорда ижара хақи олинган. Бу даврда ҳатто қул савдоси бўйича ҳам солиқ жорий қилинган. қулни сотишдан олинган даромаддан 4%, озод қилишдан 5% солиқ олинган. Шунингдек, хунурмандлар ҳам бевосита солиқлар ундирилган, мерос солиги ва бошқа солиқсиз даромадлар жорий қилинган.

Эрамиздан 312 йил муқаддам Искандар Зулқарнайнинг саркардаси Селенек номи билан давлат ташкил қилингандан кейин 100 йилдан ортиқ хукмрон бу давлат чет ўлкалар учун тавсия қилинган барча солиқ ва йифимларни жорий қилишга киришган.

Эрамиздан олдинги 140 йилда Юнон-Македон мамлакати бархам топди. I асрнинг охиридан бошлаб то хозирги эранинг IV аср ўрталари гача Марказий Осиёда Кушон подшохлиги таркиб топди, у асрнинг ўрталарида ана шу ҳудудда қудратли Эфталит давлати бунёдга келди. Бу давлат 100 йилча хукмронлик қилди.

563-567 йилларда туркларнинг қисуви билан Эфталит давлати парчаланиб кетди. Афсуски ўша даврлардаги солиқ тарихини ўрганиш учун ихтиёrimизда қадимги манбалар жуда кам, лекин шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бу даврда туркча қулдорлик давлати вужудга келди. Минг-минглаб қуллар аср сифатида Хитойдан келтирилар, қул эгалари уларнинг бўш ётган ерларига жойлаштирас ва кейин улардан солиқ ундирилар эди. Аёллардан уй чўрилари ва жазманлар сифатида фойдаланар эдилар.

Шу билан бирга маҳсус шаҳар типидаги қишлоқлар барпо этилиб, улар доимий дехқончилик ва хунармандчилик маҳсулотлари билан солиқ ёки ўлпон тўлар эдилар. Доимий ўлпонлар отлар, олтин ва кумуш буюмлар, олтин қуми, темир, мис, қора мол шаклида ундирилар эди. Солиқларнинг айрим қисмлари пул (танга) билан хисоблаб олинар эди. У қадар мураккаб бўлмаган бу давлат тепасида хон турар, у ўзининг ғоят катта бойлиги (хазинаси)га эга эди. Солиқларни хисоблаш ва ундириш тартиби ҳақида етарли маълумот бўлмаса ҳам, лекин айрим археологик топилмалар, солиқлар олтин билан хисобланишини, ундаги хужжатлар солиқларни қабул қилувчи хазинабон лавозими бўлганлигидан дарак беради.

Сурхандарёнинг Денов шахрига яқин Далярзин тепа қишлоғидан топилган Кушон давлати даврида қурилган сарой қолдиқлари орасидан топилган 40 кг дан ортиқ олтин жойлаштирилган хум чиқади. Ашхабод

яқинида топилган битиклар, ёзувлар солиқ тўплаш бўйича катта девон бўлганлигидан дарак беради.

Бу хужжатларни тахлил қилиш шуни кўрсатдики, солиқ йигиш ва маҳсулотларни асрашга кўп амалдорлар жалб қилинган.

Юқорида келтирилган айрим археологик ва тарихий маълумотлар Ўзбекистонда солиқлар тарихи дастлабки мустақил ўзбек давлати шаклланиши асосида вужудга келганлигини кўрсатади. Совға-салом юборишда бошланган бу тизимга Ахамонийлар ўзгартиришлар киритиб, Словаклар давлати Юнон Рим қонунлари асосида бу тизимни таколмиллаштиришга ҳаракат қилганлар. Солиқлар ҳақидаги даслабки малумотлар эрамиздан олдинги III-II асрларда пайдо бўлган «Солиқнома» (Податный устав) Птоломей II даврида вужудга келган Юнонлар ўз солиқ тизимларини яратишда Мисрликлардан андаза олганлар. Эронликлар ўз мамлакатларида натура билан солиқ олган бўлсалар пул ислохати ўтказилгандан сўнг, солиқларни пул хисобида олишни жорий қилганлар.

Юнон-Македония истибоди тугаллангандан кейин Марказий Осиёда ўтган сулолалар ўз давлатларининг барпо қилиш ва ривожлантириш мақсадида кўп йиллик солиқ ундириш тарихий тажрибаларини эътиборга олиб, ўз солиқ тизимларини барпо қилишга ҳаракат қилганлар. Турли сулолаларда солиқ тизими мамлакат иқтисодиётiga салбий таъсир кўрсатган бўлса ҳам, лекин айрим ҳолларда ижобий ёндашганлар. Бунга Кушонлар ва Самонийлар давлатида амалга оширилган тадбирлар бўла олади.

Марказий Осиёда шаклланган солиқлар тизимини характерли хусусияти шундан иборатки, бу тизимда қулдорлик ва феодализм формацияларининг ўзига хос белгилари чирмашиб, бирлашиб кетган. Хатто айрим холларда задогонлар лашкарбошиларга маош тўланмасдан, унинг ўрнига иккى ойи тизими жорий қилинган. Солиқларни ундиришда маҳаллий оқсоқоллар билан бирга солиқ ундиришни ижара усули ҳам қўлланилган. Солиқлар кўпчилик холларда туманлар бўйича белгиланиб, тўловчиларнинг хусусиятлари эътиборга олинмаган.

Мустақиллик сулолаларида солиқ тизимини такомиллашиб бориши билан бирга хазинани бошқариш тизимига ҳам ўзгартиришлар киритилган. Хазина бошқаришнинг такомиллашган тизими «Низом ал-мулқ»нинг «Сиёсатнома» асарида қўйидагича умумлаштирилган.

Шоҳларда, -деб ёзилади «Сиёсатнома»да, - ҳамиша иккитадан хазина бўлган. Уларнинг бири асосий, иккинчиси харж ва харажат хазинаси эди. қўлга киритилган молу-бойлик асосан биринчи хазинага тушар эди ва заруратсиз бу хазинадан бир дирхам харж этмасдилар. Агар бирор нарса олсалар ҳам қарз сифатида олиб, тез жойига қайтарар эдилар. Ҳар бир келадиган нарсанинг харажатга сарфланиши мумкин эмас эди.

Хазинага қўйилган ҳар бир нарса вилоятлардан келиб, ҳар бирининг ўз жойи бўлар эди ва уларни алмаштиришга йўл қўйилмасди. Ҳар бир нарса ўз вақти ва ўз жойида харж бўлиши керак эди.

## 5-мавзу: Араблар ва Мўғиллар хукмронлиги даврида давлат молияси

Режа:

1. Араблар хукмронлиги даврида давлат молияси;
2. Мўғил босқинчилиги давридаги давлат молияси.

### 1. Араблар хукмронлиги даврида давлат молияси.

VII аср бошларида биринчи араб илк феодал давлатини ташкил этиб ва ўзини унинг бошлиги деб эълон қилган. Мухаммад Арабистонда бутун маънавий ва дунёвий хокимиятни қўлига олди. Барча араб қабилаларини бирлаштириш асосида вужудга келган бу давлат тузилмасининг назарий пойдевори янги дин – ислом бўлиб, унинг муҳим йўналишлари ва талаблари муқаддас китоб - қуръонда ёритиб берилган эди.

Ягона худони тан олиш ва фақат унга сифиниш, пайғамбарга ва маъмуриятларга буйсуниш, итоат этиш, рўза тутиш, Маккага хаж қилиш сингари қонун қоидалар қаторида қуръон ҳар бир мусулмонни ўз даромадидан солик - закот тўлашга давват этади. Закот ташқи томондан қарагандা, ихтиёрий хайрияning бир тури бўлиб кўринади. Яъни мусулмон банда ўз даромади ёки мулкини бир қисмини Аллоҳ йўлига хайрия-эхсон сифатида сарфлайди. Солиқнинг ўзига хос бундай кўриниши кейинчалик умумдиний ва умумдавлат даражасидаги мажбуриятга айлантирилди. «Всемирная история экономической мысли» (1-том, 305 бет, 1987 й.) китобида таъкидланишича, «закот шаклида умумдавлат сиёсати билан эълон қилинган хайрия-эхсон асл моҳиятига кўра солиқнинг мажбурийлигини ниқоблаган, бу билан ижтимоий зиддиятларни юмшатишга қаратилган эди». Дархақиқат, тушган маблағнинг бешдан бир қисмигина қашшоқларга, етим-есирлар, ёлғизларга берилар, қолган қисми идора қилишга, бошқа эҳтиёжларга сарфланардики, хусусан, Мухаммаднинг, кейинчалик эса халифаларнинг, қолаверса, алоҳида мансабдаги имтиёзли мусулмон оиласарининг сарф-харажатлари ҳам шу хисобдан эди. Марказлаштирилган давлатнинг таянчи хисобланган ана шу оқсуяклар тоифаси қўшни давлатларни босиб олишга қаратилган урушларни қўллаб-қувватлаб турар, иложи боричи руҳлантираси эди. Араблар Сурия, Фаластин, Миср ва Эронни забт этганларидан сўнг VII аср ўрталарида Ўрта Осиё ҳудудида босқинчилик қила бошладилар.

Арабларнинг Ўрта Осиёдаги хукмронлиги, 651 йилда Марвни эгаллаб олишдан бошланган дастлабки талончилик хужмлари, Пайкент ва Бухорони маҳв этишни ҳам ҳисобга киритганда, бир ярим аср давом этди.

Ўрта Осиёнинг катта ва кичик хонликлардан, феодал хукмронликлардан иборат сиёсий тарқоқлиги, шунингдек, душман ҳарбий техникаси бир мунча замонавийроқ бўлганлиги истилонинг осонроқ ўтишига имкон туғдирди. Шу билан бир қаторда чора-тадбирлар, яъни босқинчидликда қатнашган қўшинларни рағбатлантириш ҳам муҳим ахамият касб этди.

«Ўзбекистон халқлари тарихи»да кўрсатилишича, арабларни бу ердан олиб кетиш мумкин бўлган беҳисоб ўлжалар кўпроқ ўзига ром қилган. қуръон

сураларидан бирида ўлжани тақсимлаш ҳақида гап борар экан, унинг бешдан бири Мухаммадга тегишли эканлиги, пайғамбар вафотидан кейин эса халифалар, бевалар ва етам-есирларга берилиши қўрсатилганди. 4/5 қисми қўшинлар ихтиёрига ўтказилиши, жумладан бир улуш пиёда аскарларга, уч улуш чавандозларга тақсимланиши белгилаб қўйилган.

Шундай қилиб, молия сиёсати биринчи даврда талончилик асосида амалга оширилди. Талончилик сиёсати айниқса араб босқинчилигининг иккинчи даврида кучайди. Хусусан, Қутайба 707-715 йилларда Мувароуннахрни тамоман узил-кесил қўлга киритиб, бойлик орттиришни зўравонлик усулига ўтди. Масалан, унинг тавсиясига биноан Самарқанд хукмдори Туроқ сулх битими бўйича 2.200.000 дирхам тўлаш мажбуриятини олиб, барча олтин ва кумуш, зеб зийнат буюмларини тортиб олишни кўзда тутди. Мовароуннахрни ўз мустамлакасига айлантиришда талончилик усули билан бирга солиқ солишни такомиллаштиришга ҳам ахамият берилди.

Халифалик даврида солиқ тизимининг қарор топиши ва ривожланиши йирик мутаффаккир, қонуншунос Абу Юсуф Ёкуб ибн Иброҳим ал Ансорий (731-798) асарларида етарли даражада кенг ёритиб берилган. Хусусан, бизгача унинг «Китоб ал хирож» асари етиб келган. «Ислом» қомусий лугатида қўрсатилишича, бу китоб халифа Хорун ар Рашид (786-819) саволларига муфассал жавоблар тариқасида ёзилган бўлиб, унда ер ва сувдан фойдаланганлик учун солиқка тортиш, давлатни идора қилиш ва хоказоларнинг қонун қоидалари баён этилган. Дастрлабки кезларда, бу ҳақда юкорида айтиб ўтилганидек, давлат ғазнасини тўлдирувчи асосий ва ҳар томонлама қулай манба закот бўлган. Кейинчалик закот ўрнини садақа эгаллаб, бу йиғим ночор кишиларга бериладиган ёрдамдан иборат бўлган. Аксари солиқ солишни уч йўналишини қўрсатган эди:

1. Ер солиғи
2. Чорва солиғи
3. Савдогарчилик ва хунармандчиликдан олинадиган солиқ

Бундан ташқари жизъя (динсизлардан олинадиган солиқ) жорий қилинган.

Солиқка тортишга кўра ерлар икки гурухга: ушр ва хирожга бўлинади. Биринчи тоифага арабларга қарашли ерлар кирап эди. Қолган ерларнинг хаммаси иккинчи тоифа хисобланар эди.

Ушр ерлардан хосилни 1/10 қисми, хирож ерлардан хосилни 1/3 қисмидан  $\frac{1}{2}$  қисмигача муносима олинар эди. Бундан ташқари экин майдонига қараб қатъий ставкаларда, шунингдек узумзорлар ва боғлардан белгиланган миқдорларда солиқ олинарди. Чорвадорлардан солиқ асосан мол боши сонига қараб хисобланган. Хунармандчилар ва савдо аҳли йиллик даромад белгиланган минимумдан ошган тақдирда солиқ тўлашарди. «Закот» сўзи бора-бора хунармандчилик, савдо ва чорвачилик солигига нисбатан қўлланиладиган бўлди. Бундан ташқари турли фойдали қазилмалардан қўрилган даромад ва бевосита вориси бўлмаса, меросдан ҳам солиқ ундириш таомилга айланди.

Ўлпонларнинг иккинчи муҳим тури «жузъя» хисобланган. қуръонга биноан жузя дин эркинлиги учун олинган. У мусулмон бўлмаган эркин

Эркаклардан ундирилган. Ўлпон хажми келишув асосида белгиланган. Аёллар, болалар, кексалар бундай солиқдан озод қилинганлар, қуллар, камбағал дарвешлар ҳам тўламаганлар. Солиқни пул билан ҳам, натура кўринишида ҳам тўлаш мумкин бўлган, фақат вино ва сўйилган хайвонлар қабул қилишга руҳсат этилмаган. Ўлпон тўлашдан бош тортган кишиларга тан жарохати етказиш ман этилган, улар қамоққа ташланган.

Араб қонуншунослари ишлаб чиқкан солиққа тортиш тизими Ўрта Осиёда катта қийинчиликлар билан ҳаётга татбиқ этилди. Ўз қийинчиликларига кўра бу жараённи Исломнинг тарқалиши билан тенглаштириш мумкин.

Араблар ўз мустамлакачилик мавқеларини мустахкамлаб олиш мақсадида солиқ сиёсатини ислом манфаатлари йўлида кенг фойдаланишни истар эдилар. Энг аввало солиқдан янги динни қабул қилган аҳоли озод қилинди. Халифалардан Умар II ва Умар III бу ғояни қўллаб қувватладилар. Бироқ Хурросон ноиблари, масалан, Жароҳ, Қутайба анъаналарини давом эттириб, исломга ўтганлардан ҳам хирож ундиравердилар. «Бухоронинг энг қадим замонлардан ҳозирги кунларгача тарихи» («История Бухары с древнейших времен до наших дней» Т. 1976год) китобида ёзилишича, «араблар Ўрта Осиёни босиб олганларидан сўнг хирожни махаллий одат бўйича ёзнинг ўртасида, ғалла пишиб этилганда келадиган Наврўз байрами кезларида йиғиб олганлар». Ой тақвимига ўтилгач, Наврўз доимийлик хусусиятини йўқотди, кўкламга яқинлашаверди. Аввалига бу хол унчалик сезилмаган холда рўй берди. Аммо вақт ўтиши билан байрам шу даражада сурилиб кетдики, солиқ олинадиган пайтда ғалла ҳали кўм-кўк бўлар эди. Хирожни тўлаш учун судхўрлардан узиш қийин бўлган қарз қўтаришга ёки бойроқ дехқонлардан фоиз қўйиладиган ғалла олиб туришга тўғри келарди. Хонавайронлик, доимий қарз юкини қўтариб юриш укубати дехқонларни Хурросон ноиби асад ва унинг укаси, Ироқ ноиби Ҳамид ибн Абдуллага мурожаат этишга мажбур қилди. Улар эса илтижоларга қулоқ солмадилар.

Бу тахминан 725-727 йилларда рўй берган эди. Янги ноиб Ашраснинг тайинланиши мўлжалланаётган жиддий ғалаёнларни олдини олди. У махаллий феодалларнинг маслаҳати билан Исломга ўтганлардан хирож ва жузя ундиришни тўхтатиши ҳақида фармойиш берди. Бухоро ва унинг атрофидаги ўлпон тўлаб келаётган аҳоли ўзини мусулмон деб эълон қилди ҳамда масжидлар кура бошлади. Бироқ Бухоро ва унинг атрофида яшовча барча аҳоли ислом динини қабул қилгач, Ашрас ўзининг ғазнасини хувиллаб қолганини кўрди. У ўз ваъдасидан қайтиб яна хирож ундириш ҳақида фармойиш берди. «Хокимият кучи исломдадир» деган шиор «Хокимият кучи хирождадир» деган бошқа шиор билан алмашди. Солиқнинг бу тури бош ғазнанигина эмас, умуман Мовароуннахр ноибининг даромадларини тўлдирадиган асосий молия манбай бўлиб қолди.

Хирожнинг тикланиши шунга олиб келдики, 728-729 йиллар мобайнида Мовароуннахрда яна қўзғолон бошланди. У бир неча ўн йилликлар оша давом этди. VIII асрнинг 40-80 йилларида халқ оммаси келгинди босқинчиларга ва уларнинг солиқ солиши тизимиға қарши кураш олиб борди. Муқанна

Бошчилигидаги қўзғолон ўз кўлами ва дадиллигига кўра тарихда алоҳида ўрин тутади. 776 йилда бошланган бўлса, акс-садоси XII асрда ҳам эшитилиб турган.

Тўхтовсиз халқ ғалаёнлари натижасига араб салтанатига зил кета бошлади, араблар эса Мовароуннахр ҳудудини аста-секин тарк этишга мажбур бўлдилар. Иқтисодиёт таназзули узок давр давом этди. Асрлар давомида тўхтовсиз харакатда бўлган халқ ғалаёнларига Абу Юсуфнинг «Китоби ал Хирож» келтирилган қўйидаги фоя йўлчи юлдуз бўлдим.

Давлатда ғазнага қатъий ҳамда аввалдан кўзда тутилган пул келиб тушадиган, айни чоғда ўлпон тўлайдиган аҳолининг тўлов қобилияти сақланиб қоладиган шароит яратиш лозим.

## **2. Мўғуллар хукмронлиги даврида давлат молияси**

XII-XIII аср туташган ўйнилликларида Буюк ипак йўли ўтган минтақаларда жаҳонда энг йирик ва қудратли Хоразм ва Мўғул феодал босқинчи давлатлар шаклланган эдилар.

Хоразм давлати ўз таркибида Мовароуннахр, Афғонистон ва Эронни бирлаштирган эди. Бу давлатнинг фуқаролари ўтроқ ҳаёт кечириб, ўзларининг иқтисодий ва маданий юксалиш даражаси жихатидан феодал муносабатларнинг юксак мэрраларига эришган эдилар. Монголияда феодализмнинг дастлабки куртаклари энди вужудга кела бошлаган, бу ўлка қулдорлик тизими муносабатларини четлаб ўтиб, қўчманчилик асосида фуқароларнинг зарур моддий эҳтиёжларини тўла таъминлай олмас эди. Шу сабабдан қўшни мамлакатлар мол-мулкига нисбатан талончиликни ўзларининг ҳаётий қасбларига айлантира бошлаган эдилар.

1206 йилда қабилаларнинг бирлашиши натижасида Чингизхон бошчилигидаги марказлашган феодал давлати дастлаб Енисей бўйидаги, шунингдек Еттисув, Шарқий Туркистон ва бошқа мамлакатлар, шу хисобдан уйғурлар истиқомат қилган районларни босиб олди. Дастлабки муваффақиятлар Чингизхон ва унинг ўғилларини янгидан янги босқинчилик режаларини амалга оширишга илхомлантириди.

Хоразмшохнинг истиқбол режалари бу улкан режалар билан мусобақалашар эди.

Мўғуллар амалий тадбирларга ўтиб, хитойни ишғол қилгани Хоразмшохга ўз режаларини қайта кўриб чиқишини талаб қилди. Чингизхон Марказий Осиёга юриш бошлагандан кейин мўғуллар томонидан бошланган босқинчилик ҳужумини бартараф қилиш максадида Хўжанд, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлар Темур Малик раҳбарлигига ҳимоя қилинишига қарамасдан мўғуллар ўз сипохларининг сони, интизоми ва харбий техника жихатидан устунликлари туфайли юртимиз ҳудудини босиб олдилар.

Ишғол қилинган ҳудудларда мўғуллар ишлаб чиқарувчи кучларга катта талофотлар етказиб, ирригация иншоотларини барбод қилдилар. Шаҳарларни ёндириб, хосилдор ерларни яйловларга айлантиридилар. Бу тадбирларни амалга оширишда фуқароларга нисбатан ҳайвонларча муносабатларда бўлдилар, тинч аҳолининг анчагина қисмини, шу хисобдан аёллар ва болаларни қириб ташладилар. Лекин, Чингизхон давлатни бошқаришда етарли тажрибага эга

Эмас эди, Марказий Осиёда бошқаришни иккинчи ўғли Чифатойга топшириди. Давлатни бошқаришда Хитойлардан ва савдогарлардан андоза олиб ва ясак (яси) қонунларини жорий қилди. Лекин давлат бошқаришдаги талончилик усули ўзининг салбий оқибатларини кўрсатганлиги сабабли улардан илғор foялар устун кела бошлиди. Шу муносабат билан талончиликни тўхтатиш, шаҳарларни тиклаш, дехқонларга енгиллик бериш товар пул муносабатларини юксалтириш асосида солиқлар миқдорини тартибга солишга эхтаёж туғилди.

Мўғуллар курултойи бу талабларни кўзда тутиб, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили даромадидан 10%, чорва подаларидан 100 дан 1% миқдорида натура билан солиқ олинадиган бўлди. Бундан ташқари қўшимча йиғим ва мажбуриятлар белгилаб, хужжат кўрсатган амалдорларни таъминлаш усуллари аниқланди.

Ватан тарихи дарслигига кўрсатилишича, Чифатой улуси хукмдорлари даврида ерга эгалик қилишнинг араблардан мерос хили мавжуд эди. Биринчиси, давлатга қарашли ерлар. Иккинчиси, мулки инжу-хон ноиблари ва уларнинг авлод аждодларига тегишли ерлар. Учинчиси, мулки-вақф, масжид, мадраса, хонақо, мозор ва мақбараларга тегишли ерлар. Тўртинчиси хусусий мулк ерлари.

Ерлар ва мулкларнинг анчагина қисми харбий зодогонларга, давлат олдида алоҳида хизмат қилган фуксаларга тегишли бўлиб, бу ерлар қўп холларда ижарага берилиб, ҳосилнинг фақат 1/3 қисми карандалар олар эдилар. Шунингдек, иккитои усули ҳам қўлланилар эди.

Давлат олдида алоҳида хизмат кўрсатганлар орасида махаллий хокимиёт лавозимларида хизмат қилувчилар алоҳида ўрин тутар, улар мўғул зодогонларига пул билан солиқ йиғишига ёрдамлашишлари билан бирга қишлоқ хўжалик ва хунармандчилик махсулотларини уларга етказиб берар эдилар. Лекин солиқ йиғувчи алоҳида муассаса бўлмагани учун мўғул хони Ўқтой даврида (1229-1241) солиқ тўплаш ижара усулини жорий қилишга эхтиёж туғилди.

Дастлаб ижара йўли билан солиқ тўплаш йирик савдогар ва судхўр Махмуд Ялавачга топширилди. Унинг марказий идораси резиденцияси Хўжандда бўлиб, мўғул харбийлар ёрдами билан вилоятларда зўрлик йўли билан солиқ тўплашни ташкил қилинар эди.

Солиқ ундиришда энг қўпол ва вахшиёна усуллар қўлланди.

Агар биринчи талаб билан солиқ тўланмаса, жисмоний чора тадбирлар, хатто уларнинг болалари ҳам солиқ хисобига тортиб олинар эди.

Бу ишда савдогарлар ва рухонийлар, амалдорлар яқиндан ёрдам берганликлари учун уларга пайза берилиб, бепул едириб ичириш, кийинтириш ва ем хашак билан таъминлаш солиқ тўловчиларга хавола қилинар эди. Хирождан ташқари олинадиган йиғимлар «калан» деб номланар эди.

Ана шундай босқинчилик ва миллий зулмга чидай олмаган меҳнаткаш халқ 1238 йилда Махмуд Тарабий бошчилигига кўзғолон кўтарди.

Кўзғолончилар дастлаб жиддий муваффакият қозондилар. Кармана шаҳри теварагида 10 мингга яқин мўғул сипохларини қириб ташладилар. Бу зарбага жавобан Хўжанддан етиб келган махмуд Ялавоч қўзғолонни аёвсиз

Бостириб, қўзғолончилардан 20 минг кишини қириб ташлаш асосида мўғулларни чифатой улусини тиклади. Лекин қўзғолон халқ оммасининг келгинди босқинчилар зулмидан сабр косаси тўлиб тошиб, биргаликда харакат қилиб, мустақиллик йўлида муваффақиятларга эришиш мумкинлигини кўрсатди.

Кўзғолондан бир неча йил ўтгач Мангухон (1257-1259) чиқарган ёрлиқда элчиларни иши бўлмаган тақдирда хеч бир шаҳар ва қишлоққа кирмасликлари, белгилангандан ортиқ ахолидан озиқ-овқат, ем-хашак олмасликлари, солиқ тўлашда жисмоний куч ишлатмасликлари ва бошқа енгилликлар кўзда тутилган эди. Кейинчалик Махмуд Ялавочни ўғли Маъсудхон тайин қилингандан кейин шаҳарларни таклашга, товар пул муносабатларини жонлантириш мақсадида пул ислохати ўtkазилди. Хунармандчилик, савдо ва дехқончилик яна жонлана бошлади. Бу тадбирлар Кепакхон даврида ҳам (1318-1336) давом этди.

Мўғуллар Марказий Осиёда 150 йилдан ортиқ хукмронлик қилдилар. Лекин бу даврда махаллий ахолига нисбатан жабр зулм тўхтамасдан давом этди. Синфий зиддиятлар тобора кучайди, ҳар бир улус ўзича мустақил хонлик давлат ташкил қилиб, 1340-70 йилларда айниқса Мувороуннахрда фитна, феодал таркасклиги кучайгани сабабали мўғуллар махаллий ахолининг бошқаришни уддасидан чиқа олмай қолдилар. Молия соҳасидаги қарама қаршиликлар айниқса кучайди. 1340-1370 йилларда хар бир вилоят, туман, шаҳар ўзининг молиявий сиёсатини амалга оширишга харакат қилди. Молиявий тадбирлар барбод бўлди.

## **6-мавзу: Амир Темур ва темурийлар давридаги ўзбек давлатчилиги молияси Режа:**

1. Темурийлар даври ўзбек давлатчилиги ва молиясининг асосий йўналишлари.
2. Амир Темурнинг солиқлар назарияси ва ўзбек давлатчилигининг даромадлари.
3. Амир Темур даврида давлат харажатлари
4. Амир Темур даври молиясининг халқаро назарий ва иқтисодий аҳамияти.

Амир Темур аввало қудратли давлат қурган. Давлат қудрати бўлмаса, бетакрор маънавий меърос ҳам, обидалар ҳам тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди.

Ўзбекистон бугунги озодлигини мустахкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг хукуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат Амир Темур ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади.

### **Ислом каримов (Халқ сўзи. 1996 йил. 25 октябрь)**

#### **1. Темурийлар даври ўзбек давлатчилиги ва молиясининг асосий йўналишлари**

Амир Темур ўз давлатини фақат кучга суюниб бошқаргани йўқ, балки ақл заковат ва хукуқий асос билан идора қилган эди. Соҳибқирон бу фаолияти билан чегараланмасдан, балки келгуси авлодларга ўзининг тузукларини, ўз турмуш тажрибаларини мерос қилиб қолдирди. Шу муносабат билан ЮНЕСКО қарори билан 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди. Жаҳон жамоатчилиги бу санани фақат Амир Темур хотирасигагина эмас, балки Ўзбекистоннинг ўтмиш тарихи ва мустақиллик йилларида эришган муваффақиятларига нисбатан ҳурмат белгиси сифатида кенг нишонланмоқда.

Амир Темур инсоният тарихида йирик давлат арбоби ва ўрта асрнинг енгилмас, бетакрор лашкарбошчиси сифатида Ўзбекистон ҳудудида йирик салтанат барпо қилди.

Амир Темурнинг кўп йиллик фаолияти З хил йўналишда айниқса кўзга ташланади:

1. У асрлар давомида давом этган феодал тарқоқлигини бартараф қилиб, мамлакатимиз ва унинг халқларини мўғуллар хукмронлигидан озод қилди ва марказлашган йирик феодал истибоди барпо қилди.

2. Мамлакатимизнинг ободончилиги, илм-фан, маданият тарақиётига, диний мустахкамлашга хисса кўшди. Мовароуннахрни гуллаб яшнашига ижобий таъсир кўрсатди.
3. Мамлакат иқтисодиёти ва молияси тарақиётига раҳбарлик қилди.
4. Мамлакатимиз обрў эътиборини жаҳон миқиёсида улуғлади.

Хусайн номидаги Ислом тадқиқотлар институти директори (Дехли) Сайд Жамолиддиннинг такидланганидек, Темур фаолиятида давлат қурилиши масалалари марказий ўрин олган»... Темур хамиша ўз давлат тизимини такомиллаштириб борищни ўйлар, Чингиздан фарқли ўлароқ, бошқа ўлкаларни забт этишнигина эмас, аксинча, у ерларни идора қилиш тўғрисида ҳам қайғуар әди: «Унинг учун ҳам давлатни идора этиш унинг бошқа ерларни босиб олиш истаги каби асосий мақсадларидан бири эди» («Халқ сўзи» газетаси, 9 май, 1996 йил «Тарих халқларни бирлаштиради», 6 бет).

Соҳибқироннинг давлатни идора этиш тизими хали хануз етарли ўрганилмаган. Бу тизимнинг муҳим унсурларидан бири - давлат молия тизимиdir. Бу унсур давлатнинг барча бошқариш тизими қирралари билан узвий боғланганлиги билан бошқа қирралардан фарқ қиласди. Шу сабабдан, давлат молияси, уни бошқаришнинг муҳим марказий, таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Молия давлат ресурсларининг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган фондларини вужудга келтириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишдаги иқтисодий муносабатларнигина эмас, балки товар-пул муносабатлари етарли ривожланмаган шароитда моддий (натура) ресурсларини харакатини ташкил этиши Амир Темурнинг диққат марказида бўлган. Унинг давлат молиясини ривожлантиришга қаратилган хизматлари кўп қирралидир. Биринчидан, у давлат молиясининг мўғул ва бошқа босқинчиларга қарамлигини узил-кесил тугатди, мустақил давлат молиясини яратди. Иккинчидан, марказлаштирилган давлат таркибига кирган 27 мамлакат молиясини бир тизимга бирлаштири ва уларни маъмурий бошқариш талаблари асосида идора қилиш усулларини жорий қилди. Учинчидан, қуръон талабларини ўзида ифода қилувчи шариат тавсиялари асосида қурилган солиқ тизимини шакллантириди. Тўртинчидан, давлат хазинаси ресурсларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тизимини қайтадан ташкил қилиб, марказнинг махаллий улуслар, туманлар билан муносабатларига аниқлик киритди. Бешинчидан, Европада биринчи бюджет тузилганга қадар (XVII-XVIII асрлар). биринчилардан бўлиб шарқда бюджетнинг дастлабки куртакларини шаклланишига амалий жихатдан ёрдам берди. «Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилган Азамат Зиёнинг «Амир Темур ва Темурийлар давлат бошқаруви» номли мақолосида Амир Темурнинг ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрнини кўрсатишга харакат қилиб, 8-қонуниятни асос қилиб олинди, лекин унинг фаолиятида хал қилувчи ўринлардан бирини эгаллаган давлатнинг молия соҳасидаги тадбирларини четлаб ўтилади, маҳсус тилга олинмайди. Бизнинг тадқиқотимиз ўзбек давлатчилигида молиявий тадбирларни Амир Темур томонидан ривожлантирилиши, бу йўналишдаги унинг хиссасига бағишлианди.

## 2. Амир Темурнинг солиқлар назарияси ва ўзбек давлатчилигинин даромадлари

Иқтисодиётнинг ҳар қандай жамият учун бирламчи эканлиги ҳақидаги тамоил Темур тузукларида ҳам ўз ифодасини топган эди. Асарнинг 76-саҳифасида кўрсатилганидек «давлату салтанат уч нарса билан: мулк, хазина ва лашкар билан тиқдир. Доно вазир буларнинг ҳар уччаласини яхши ахволда, саронжом тутади». Амир Темурнинг яхши вазир ҳақидаги мулоҳазаси қўпроқ хазинага тааллуклидир, чунки қадим замонлардан бери хазина хукмдорнинг моддий таянчи бўлгани, унинг ички таркиби ҳақида мутафаккирлари, адиблари, хусусан, Навоийнинг «Фарход ва Ширин», Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида хазиналарнинг бойликлари жиҳатидан инсон фикрини ларзага соладиган бетакрор тасвирлар ёзиб қолдирилган. Лекин шарқ иқтисодий адабиётида хазинани бошқариш масалалари биринчилардан бўлиб, салжуқийлар сулоласининг машҳур вазири Низом ул Мулкнинг «Сиёсатнома» асарида ўз ифодасини топган. Олдинги бобда кўрсатилганидек, бу асарда қадим замонлардан бери давлат ихтиёридаги хазина икки бўлим (фонд)дан иборат бўлган. Биринчиси – асосий хазина хисобланиб, бунда узоқ йиллар давомида нодир буюмлар сифатида тўпланиб ва кўпайиб келган дурдоналар сақланган. Харажат учун иккинчи бўлим хизмат қилган. Жорий маблағлар тақчиллиги сезилганда асосий хазинадан жорий хазина учун қарз олинган, кейинчалик эса ўрни тўлдирилган, фақат тўлдирилгангина эмас, қўшимча маблағлар хисобига кўпайиб борган. Хазина кирим-чиқимларни кун сайин ёзиб борилган. Хазинанинг аҳволи ҳақида хукмдорга зарур маълумотлар тақдим қилинган. Кўпчилик холларда хазина дифицит (тақчиллик) кам сезилган.

Амир Темурнинг зийраклиги шундаки, у биринчи ўринга хазинанинг биринчи бўлимининг - солиқсиз даромадлар қисмини эмас, балки солиқ ва йиғимлар фондини қўйган, чунки мамлакатни бошқаришда солиқларнинг роли, тутган ўрнини чуқур мулоҳаза қилган, уларнинг демократик тамойилларини ривожлантиришга ҳаракат қилган.

Тарихдан маълумки, бир давлат иккинчи давлат ҳудудини ўз таркибига қўшиб олганда, енгилган давлатдан тавон пули олган, янги солиқлар киритиш хисобига солиқ юкини оғирлаштирган. Темур бундай усууллардан фойдаланмаган: «Амр этдимки,- деб ёзган эди,- «Тузукларда»,- ариятдан мол-хирож йиғишида уларни оғир ахволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса, сипохнинг камайиб кетишига сабаб бўлади. Сипохнинг тарқоқлиги, ўз навбатида салтанатнинг кучсизланишига олиб боради» (98 бет).

«Яна буйруқ бердимки, ҳар бир мамлакат фатҳ этилгач, турли кўнгилсиз ходисалардан амну омонлиқда бўлсин, унинг ҳосил ва даромадларини хисобга олиб иш тутсинлар. Агар ерлик фуқаро азалдан бери келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар, акс холда (хирожни) тузукка мувофиқ йиғсинлар» (ўша ерда).

Темур томонидан давлатни бошқариш шаклланаётган биринчи даврларда ўтган даврлардан кўп сонли солиқ ва йиғимлар мерос бўлиб келган

Эди. Бу солиқ ва йиғимларга илмий баҳо бериш учун уларни сонига қараб эмас, балки солиқ солинатурган обьекти ва ставкасига қараб, қатор гурухларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Бу солиқларни доимий ва фавқулодда, давлат ва махаллий аҳамиятдаги солиқлар. Айрим мамлакатларнинг ўзига хос, лекин Темур даврида сақланиб қолган солиқларга ажратиш мумкин.

Солиқлар орасида хирож етакчи ўрин эгаллаган. Бу солиқ хосилнинг 1/10 дан 1/4 қисмигача олинган. Молу-жихат – мол-мулк солиғи; тамға – савдогарлар ва хунармандлардан олинатурган солиқ; бож – чегарадан ўтган товарлардан олинатурган йиғим; сари шумон – жон солиғи; хоно шумор – ҳар бир хонадондан йиғиладиган йиғим.

Кейинги икки солиқ, махаллий солиқларга мисол бўла олади. Бундан ташқари фавқулодда солиқларга: тагор – ҳарбий юришлар вақтида аҳолидан тўпланадиган озиқ-овқат, сарой харажатлари учун аҳолидан тўпланадиган солиқ, куналга – элчилар ва чопарларга қўноқ бериш мажбуриятлари, шилон – подшоҳлар ва амирларнинг таъминоти учун хона бошидан тўпланадиган солиқ, шешкаш – олий мансабдор кишиларга хадя учун солиқлар киради. («Мулоқот» журнали, 1994 йил, №8, 31-32 бетлар).

Амир Темур давридаги солиқ ва йиғимларни таҳлил қилганда йирик солиқлар билан тенглаштириб солиқ юкини оғир қилиб кўрсатиш мантиқан тўғри бўлмайди. Биз уларни ҳар бирини хусусиятини эътиборга олиб, умумий хуласа чиқаришимиз керак. Солиқ сифатида хосилнинг 1/3 қисмини фавқулодда бир икки танга ўртасига баробар аломатини қўйиб тарозига солиш католикларга олиб келиши мумкин.

Лекин, Амир Темур давлат арбоби даражасига кўтарилгандан бошлаб солқлар масаласи билан жiddий шуғулланганлигини исботлайдиган қатор далиллар бор. Шулардан бири XVIII асрда инглиз иқтисодчиси Адам Смитнинг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари ҳақида тадқикот» («Исследование о природе и причинах богатства народов», М Соцэkgиз, 1935, Т. 2 стр 341-343) кўзда тутилган тамойилларни III-IV аср олдиндан башорат қилган.

Биринчи тамойил – адолатпарварлик тамойили. Солиқка тортишнинг оммавий характеристери, солиқнинг фуқароларнинг даромадларига қараб тақсимлаш. Олдинги сахифада биз келтирган «Тузуклар»даги парчада бу тамойил кўрсатилган.

Иккинчи тамойил – аниқлик тамойили. Бунга асосан солиқ тўловчига солиқ хисоблаш усули, тўлаш вақти олдиндан маълум бўлиши керак.

Учинчи тамойил – солиқ тўлаш ва унлириш аҳолига қийин бўлмасдан, қулай бўлиши керак. Солиқ фуқаролар учун қулай вақтда ва усулда ундирилиши керак.

Тўртинчи тамойил – солиқларни тобора такомиллаштириб борилиши ва солиқ тўплаш харажатларини камайиб бориши.

Бу тамойиллардан Амир Темур «Тузуклар»да ўзича ўзига хос мулохаза билан баён қилган, унинг фикрича солиқ хосил пишиб етилгандан кейин олиниши керак, «Хосил пишиб етилмасдан туриб, - деб кўрсатилади «Тузуклар»да, - раиятда молу-жихат олинмасин» (99-бет).

Маълумки, мўғуллар даврида солиқ тўлаш фожиага айланар эди. Шу сабабли, Амир Темур солиқ тўлашда қулайлик туғдирилиб, солиқ тўловчилар солиқни «яхши сўз билан олсинлар, калтак, арқон ишлатиб, ишни уруш ва сўкишгача олиб бормасинлар, уларни банди этиб, занжир билан боғламасинлар, - деб кўрсатилган». Адам Смитда бу қулайлик тамоили деб ифодаланган.

Маълумки Амир Темургача солиқ тўловчиларнинг иш ҳақи солиқ тўловчилар ҳисобига бўлиб, улар қонунда кўзда тутилмаган солиқларни ундиришга ҳам ҳаракат қиласар эдилар. Темур солиқ тўловчилар, ясаулбошиларга халқнинг устига юк бўлиб яшашларига йўл қўймасдан, уларга маош тайинлади. Бу принцип Адам Смитда тежаш тамоили деб аталади. Бу орқали тўланадиган солиқ суммаси камаяди, енгиллашади, тежалади. Смит тамоилларидан бири солиқ тизимини такомиллаштириб бориш эди. Худди шундай тадбирлар Амир Темур томонидан амалга оширилди. Янги ерларни ўзлаштирувчилар, ташлаб кетилган ерларни тиклаб, обод қилувчилар солиқдан озод қилиниб, рағбатлантирилди. Бундан ташқари Темурнинг ташаббуси билан фавқулодда ва маҳаллий ахамиятга эга бўлган солиқларнинг бир қанчаси бекор қилинди. Булар қаторига соварий (олий мансабдаги кишиларга совға учун), куналга (элчилар ва чопарлар учун меҳмон пули), шилон (сарой хизматчилари учун совға) ва бошқалар киради. Шу муносабат билан Адам Смит томонидан кўрсатилган солиқ солишининг тўрт тамоили жаҳонда солиқ назарияси биринчи маротаба ғарбда кашф қилинган, деган фикрга тузатиш киритишни талаб қиласади. Юқоридаги солишишимга таҳлил дастлаб солиқ назарияси ғарбда эмас, шарқда Адам Смит томонидан эмас, балки Амир Темур томонидан яратилганлигини кўрсатади. Шу муносабат билан 1987 йилда нашр қилинган «Всемирная история экономической мысли» кўп томлик асарнинг 1-2 томида (145-бетда) Адам Смит солиқ назариясининг ижодкори деб кўрсатилган саҳифага китобнинг келгуси нашрларида бу тамоиллар Амир Темур томонидан биринчи маротаба XV аср бошида кўрсатилганлигини маълум қилиш керак. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Темур тузиклари Адам Смитга маълум бўлмаган, чунки унинг асари 1776 йилда нашр қилинган, «Тузуклар» Англияда 1783 йилда нашр қилинган. Демак, Адам Смит «Тузуклар» билан таниш бўлмаган.

Темур даврида 27 мамлакат миқёсида солиқларни ўз вақтида тўлаш зўр куч ва ташкилотчилик талаб қиласар эди. Темур солиқларни улуслар ва туманлар бўйича тўплашни такомиллаштириш мақсадида сюргал ва тархан қилиб берилган ерлардан олинадиган солиқларга нисбатан алоҳида қоида жорий қилди. Бу орқали барча солиқлар тушумини марказга тўпламасдан ва марказдан маҳаллий хокимиётга пул ажратмасдан уларнинг бир қисмини маҳаллий вилоятлар ихтиёрида қолдириладиган бўлди. Бу ҳақда Темур «харажатлари» ҳақида гап борганда муфассал тўхталамиз. Айрим тадқиқотчилар солиқлар ҳақида гап борганда факат ер солиғини кўзда тутмоқдалар, хазинанинг бошқа манбаларини четлаб ўтмоқдалар, бу орқали хазинанинг қувватини камситиб кўрсатишга уринмоқдалар. Фикримизча, Амир Темур давлати молиясини таҳлил қилганда марказий ва маҳаллий хазиналарда тўпланган барча даромад

манбалари эътиборга олиниши керак. Биз булардан баъзиларни кўрсатиб ўтамиш:

1. Чорвачилиқдан келадиган даромадлар.
2. қўшиб олинган мамлакатлар хазиналарини мусодара қилишдан келган моддий бойликлар.
3. Олтин ва кумушдан пул зарб қилишдан келган даромадлар.
4. Нодир металларни қазиб олишдан келган даромадлар.
5. Дараксиз йўқолган шахслар, ворисиз мол-мулклар, қозилар ва шайхуисломларнинг хукми билан олинган жарималар, совғалар, хазинага тақдим қилинган бошқа мол-мулклар.
6. Хорижий мамлакатлар билан савдо алоқаларини ривожлантириш асосида шаклланган даромадлар.

Шуни айтиш керакки, чорвачилиқдан келадиган даромадлар хазинага тўла миқдорда ўтмас эди, чунки бу солиқнинг кўп қисми натура билан олиниб, сипохийлар ва сарой хизматчиларнинг озиқ-овқат таминоти, транспорт имкониятларини енгиллаштиришга ёрдам берар эди.

Масалан, 40 қўйдан 1 қўй, 120дан 200гача 2 дона, 200дан 300гача 3 дона, агар 400дан ошса ҳар оштан 100 қўйдан 1 қўй олинар эди. Бир бош отдан бир динар, 25 туюдан бир тую (бўталоқ) олинар эди. Бундан ташқари Темурнинг ўзига қарашли маҳсус яйловлари бўлиб, зотли отлар ва бошқа чорва молларини парваришлашга алоҳида эътибор берилар эди. Темургача ташқи савдодан келадиган даромадлар хазинани эмас, балки қароқчиларнинг даромад манбаларига айланган эди. Кўпчилик савдогарлар халқаро савдога кам иштаха билан қарап эдилар. Амир Темур халқаро савдонинг ёвуз душмани қароқчилар билан курашишни ўзининг ҳам тарихий ҳам иқтисодий вазифаси деб билди. У ўзидан олдин ўтган хукмдорларнинг ҳаёлига ҳам келмаган қуйидаги тадбирларни амалга ошириди:

1. Агар хорижий савдогар молига ва умуман шаҳарда ўғирлик содир бўлса хоким жавоб беради. Ўғри топилмаса даруғанинг қўли кесилиб, ўғрининг ўрнига ўзи жазоланади. («Шарқ юлдузи» 1995 йил, 1,2 сони, 47-бет).
2. Архиепископ Джоннинг ёзишича, агар Темурга тобе бирор мамлакатда бирор савдогарнинг мол-мулки ўғирланса, вилоят фуқаролари 2 баробар хун тўлаганлар. Бундан ташқари ҳар бир йўқолган мол-мулк учун Темур хазинасига беш баробар жарима ўтказилган. (Хильде Хукҳам: «Властитель семи созвездий» Тошкент, 1995 йил, 165-бет).

Талончиларга нисбатан Темур томонидан амалга оширилган тадбирлар катта ижобий натижа берди. Темурнинг ёзишича: «Бир киши Анқарадан Самарқандга қимматбаҳо моллари билан жўнаса, улар ясаулсиз оддий юриш билан тинч омон бора олар эди» («Шарқ юлдузи» журнали, ўша жойда, 47 бет). Карvon йўлларидағи тинчлик ва осойишталиқ қадимги «Ипак йўли» тартиботларини тиклаш имкониятини берибгина қолмасдан, балки ўрта асрлар савдо-карvon географиясига янги ўзгаришлар киритди. Биз бу ўринда савдо йўлларини Ҳиндистон, Хитой, Туркия, Сурия, Россия, Европа мамлакатлари

йўналишида чўзилгани ва кенгайгани савдогарлар томонидан келтириладиган қимматбахо тошлар, чиннилар, нодир буюмлар, ипак газламалар, атторлик ва бошқа ноёб буюмлар ҳақида муболағасиз гапирсак бўлади, фақат уларнинг нарх наволари минглаб динорларга тенг келишини назарда тутиб, Темур томонида туташ минтақаларда йирик божхоналар барпо қилинганини кўрсатишимиз керак. Шулардан бири Кавказ тоғ тизмаларининг Каспийга туташган жойига жойлашган Дербент божхонасидир. Иккинчиси ҳам шу ном билан юритиладиган Самарқанд билан Балх ўртасида жойлашган Шахрисабздан икки кунлик (отда) масофа бўлиб, бу божхоналарда ҳар йили улкан микдорларда бож маблағлари тўпланар, саёхатчиларнинг мулоҳазаларига қараганда микдор жиҳатидан бу даромадлар Европанинг кичик давлатлари даромадлари билан тенглашар, барча мамлакатлардан марказга жўнатиладиган ер солиги билан мусобақалашар экан. Хазинанинг кам тилга олинадиган даромадлари ҳақида гапирап эканмиз қўшиб олинган мамлакатлардаги салтанат саройининг мусодара қилинган хазиналаридан ўлжа қилиб олинган беҳисоб мол-мулклар, қазиб олинган нодир металлар, олтин ва кумуш конларининг маҳсулотлари ва бошқа ҳозирда унутила бошлаган бойликлар ҳақида ёзиш учун имкониятларимиз етарли эмас. Лекин шуни айтиш керакки, хазиналар макони Кўк саройда мужассамлашган хазина дурдоналари орасида Тўхтамишон тормор қилингандан кейин, унинг Москва, Тавриз ва бошқа шаҳарлар, шу жумладан Олтин Ўрда жамғармалари, Деҳли сultonларидан олинган хинд усталари қўли билан ясалган жозибали нодир асар атикалар, ҳатто Туркия сultonлари томонидан солб юришлари иштирокчиларига тегишли мусодара қилинган ва бошқа хилма хил-тариҳий анжомлар бўлган. Солиқлар ҳисобкитоби билан бирга улар ҳам рўйхатга олинган. Бунда сипоҳийларга тақсимланган қисми рўйхатга киритилмаган. Афсуски бу улкан хазина китоби бизнинг давримизга қадар сақланмаган. Бу улкан рўйхатга киритилган анжомлар ҳақида ўйлар эканмиз, хазинада тўпланган бойликларни кўзда тутиб, соҳибқирон нима сабабдан фуқароларни солиқдан озод қилмаган (?) деган савол туғилди. Шуни айтиш керакки, айрим ҳарбий муваффақиятларни нишонлаш учун 2-3 йилга қадар Самарқанд ва бошқа шаҳар фуқароларини солиқдан озод қилиш ҳақида солномачиларни аҳборотлари сақланган. Ҳатто хазинадаги маблағларни айрим етишмаган холларда сипоҳиларга пул ўрнида квитанция берилган холлари ҳам бўлган. Бу масалани мулоҳаза қилган соҳибқирон ёшлиқ даврида Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида қаламга олинган шоҳлар шоҳи ҳисобланган Баҳром Гўрнинг солиқ сиёсатини эслаган бўлиши керак.

Абдулқасим Фирдавсийнинг ўзбек тилига таржима қилинган «Шоҳнома» шеърий романининг З-китобида «Баҳром Гўрнинг деҳқонларга хирож бағишлигани» номли қисм бор. Бунда шоҳ 40 ёшга тўлганда вазирлар ва мунажжимлардан, яна қанча йил умр кўринишини аниқлаб беришни илтимос қилган ва шу давр талабларини ҳисобга олганда жаҳон мамлакатларидан тўпланган хазина умрининг сўнгги кунларига қадар унинг таъминотига етардими, деб савол қўйган. Тадқиқотлар марказлашган бойликлар фақат салтанат таъминоти учун етарли бўлибина қолмасдан, балки ортиб қолиши ,

хатто 2, 3 баробар ортиқ эканлигини кўрсатган. Шу муносабат билан шоҳлар шоҳи барча аҳолидан хирож олмаслик ҳақида фармон берган:

«Бўлмаса молу мулку, бўлмаса тахту тож,  
олмайлик бундан сўнг оламдан херож,  
Буюрди» бундан сўнг оламдан херож  
Олмайлик, чунки йўқ бунга эхтиёж.

Лекин херож олиш бекор қилингандан кейин унга эхтиёж катта эканлигини хаёт тақазо қиласди, унинг хисобидан таъминланадиган бошқарув маҳкамалари, сипохилар, лашкарлар ўз-ўзидан тарқалиб кетади. Мамлакатда парокандалик кучаяди, барча тобе мамлакатларда бир-бирини мол-мулкини талаш, ғалаён, парокандалик бошланади.

Фирдавсий айтганидек:

Бу адлу марҳамат, хайру саховат,  
Эл аро туғдирди қийну адоват.  
Жаҳонда авж олди жангу хунрезлик,  
Ё яланг қон тўкиб, киларди тезлик.  
Дунёга ҳирс қўйган эл инсоф билмас,  
Маъбаду шоҳдан ҳам андиша қилмас.

(«Шоҳнома». Учинчи китоб, 222-223 бет, Тошкент, 1977 йил).

Соликларни бекор қилиш ана шундай оқибатларга олиб келгандан кейин, Бахром Гўр фақат солиқ солишнигина эмас, балки маҳаллий хокимият маҳкамаларининг фаолиятларини янада қайта тикишга мажбур бўлди. Ёшлиқ даврида Фирдавсий асарларини чуқур ўрганган Амир Темурда бу воқеа чуқур из қолдирган бўлса ажаб эмас, у соликлар фақат бир мамлакатнигина эмас, балки жаҳон миқёсида мамлакатларнинг ўзаро муносабатларини ўрнатишда, идора қилишда муҳим восита эканлиги ҳақида ўзига тегишили хуласалар чиқаргани кўриниб турибди. Соликлар хазинанинг тўлдириш манбаи, «Тузуклар»да кўрсатилганидек хазинанинг камайиб қолиши эса, сипохининг торқоқлигига, ўз навбатида, салтанатни кучизланишига олиб келади (98-бет).

Демак, Амир Темур соликлар фақат хазинанинг моддий таянчигина бўлиб қолмасдан, балки мамлакатнинг идора қилиш воситаси сифатида тасаввур қилган. Соликлар орқали мамлакатнинг идора қилиш фақат тўловчилар фаолиятини назорат қилишда намоён бўлмасдан, балки уларнинг хисобидан мамлакат олдига қўйилган вазифаларни бажариш, давлатни идора қилишга кетадиган харажатларни манбаи сифатида ҳам намоён бўлади. Бу хуласалардан Амир Темурнинг соликларни демократик характерини доимо чуқур мулоҳаза қилганлиги исбот талаб қилмайди.

### 3. Амир Темур даврида давлат харажатлари

Шарқ мамлакатларида, шу жумладан Марказий Осиёда ижод қилган мутафаккирларнинг иқтисодий мавзулардаги асарларида мамлакатнинг куч қудрати ҳақида фикр юритганда асосан худуднинг катталиги, аҳолиси, табиий имкониятлари, лашкарлари билан бир қаторда давлат ихтиёрида бўлган хазина ғамламалари ҳақида сўз боради. Ҳақиқатда ҳам хазинанинг ахволи хукмдорларнинг асосий диққат марказида бўлган, шунга қараб кўп холда молия

сиёсатининг йўналишлари белгиланган. Бу улкан бойликка фақат хукмдор эгалик қилган.

Шунга қарамасдан кўпчилик холларда адабиётда хазина ва бюджет тушунчалари аралаштирилиб, хазина бюджетдан олдин келиб чиққанлиги, бюджетдан бир йиллик даромад ва харажат ифода қилинса, хазина йиллар, хатто асрлар давомида фақат пул маблағлари сифатида эмас, балки давлат аҳамиятига эга бўлган бойликлардан мужассамлашгани сир эмас. Алишер Навоий Эрон шохи Доро ихтиёридаги хазина 1300 йилдан ортиқ муддатга тўпланиб 180 дан ортиқ хазина хонасига жойлаштирилгани ҳақида маълумот берган. Лекин шунча бойликка эга бўлиб, Доро ўз давлатининг бир йиллик даромад ва харажатини ҳисоблаб чиқмаган. Демак, хазина давлат ихтиёридаги деярлик кўп йиллар давомида тўпланган ва ҳисобга олинган барча бойликларни ифода қилса, бюджет ҳар бир давлатнинг бир йиллик даромад ва харажатларини ифода қиласди.

Европада биринчи бюджет Англияда XVII асрнинг 70-йилларида ва Францияда XVII асрнинг охирида тузила бошлаган эди. Ана шу даврдан бошлаб ибтидоий давлат молиясидан чинакам давлат молиясига ўтиш бошланган, хукмдорларнинг хазина ҳуқуқлари чегараланган. Лекин шунга қарамасдан Амир Темур даврида бюджетнинг куртаклари, унинг бошлиғи шаклана бошлаган.

Молия фани талабларини эътиборга олиб, харажатларни ўрганиш, унинг таркибидаги сарфларнинг бир-бирига мос томонларини бирлаштириб, шу йўналишда Амир Темур давлати барча харажатларини беш гурухга ажратишни лозим топамиш:

1. Маъмурий идора ва сарой салтанатининг умумий харажатлари.
2. Харбий ва харбий аҳамиятга эга бўлган харажатлар.
3. Мамлакат ободончилиги ва юрт фаровонлигини юксалтиришга қаратилган харажатлар.
4. Илм, фан, маданият ва диний тадбирлар билан боғланган харажатлар.
5. Ижтимоий ҳимоя ва бошқа сарфлар.

Маъмурий бошқарув харажатлари ҳақида сўз бошлар эканмиз, марказий бошқарув билан махаллий бошқарувни биргаликда таҳлил қилишимизга тўғри келади.

Темур ишғол қилган 27 мамлакат молиясининг бир марказдан идора қилиш, барча вилоят махкамалари ва тадбирларини маблағ билан таъминлашни марказий хазина зиммасига олиш қанчалик мураккаблигини эътиборга олиб, Амир Темур вилоятларни идора қилишни хокимларга ва вазирларга юклиди. Солиқларни тўплаш махаллий хокимларга тюл қилиб берилди. Бунда хокимга бир вилоят ажратилиб, йиғилган солиқ унинг ихтиёрида қолади. Тюл мулкида келган даромад ва харажат ёзиб борилади. Шу билан бирга тўпланган солиқ ва йиғимларнинг маълум қисми ва тюл қилиб берилмаган мулклардан олинган солиқлар марказий хазинага топширилган. Яна шуни айтиш керакки, Амир Темур ўз давлатининг барча хазинасига эгалик қилишга қарамасдан ўзига тегишли мулклардан ва савдо муомалаларидан келадиган шахсий даромадлари кўпчилик холларда давлатнинг умумий харажатларини қоплашга сарф

қилинган. Лекин шуни айтиш керакки, харажатларнинг миқдори ва йўналиши барча йилларда бир хил бўлмаган. Уларнинг динамикасида давлат бошидан кечирган ижобий ва салбий ўзгаришлар ўз ифодасини топган. Айни вақтда асрлар давомида шаклланиб келган харажатлар билан бирга замон талаби билан янги йўналиш ва мазмун касб этган харажатлар вужудга келган. Шу муносабат билан Темур давлатининг марказий хазинаси ва вилоят хазиналари томонидан сарфланган харажатларнинг умумий миқдорини аниқлаш осон эмас, тўпланган солик-йигимларни қанчаси вилоятларда сарфланган ва қанчаси марказга топширилгани ҳақидаги умумий хисоб-китобни таҳминлар билан ифодалаш мумкин. Бунда фақат сақланиб қолган кўрсаткичларидан фойдаланиб хулоса чиқаришга тўғри келади.

Дастлаб Темур империясининг 4 улусга бўлинганлиги, ҳар бир улус бир неча мамлакатни бирлаштиргани ва темурни ўғилларидан бири томонидан бошқарилганлигини кўрсатиб ўтишимиз керак.

Масалан, Мироншоҳ Азербайжон, Ироқ ва Арманистон худудларини бирлаштирган улусни бошқарган. Ҳар бир мамлакат ўз навбатида қатор туманлар ва кичик маъмурий бўлинмалардан иборат бўлган. Бу бошқариш усули мўғуллардан кўчган. Ҳар бир улус ихтиёрида ўрта хисоб билан 70 мингдан 12 мингача сипохи бўлиб, уларга улус махкамасидан уруфалар тўланган, иккинчи қилиб айтганда Темур 27 мамлакатнинг маъмурий харажатларини ўзида марказлаштирган, балки махаллий органлар зиммасига солик йигиб олиш хукуқи билан инъом этган. Шу билан бирга барча харажатлар ва даромадларни, кирим-чиқим сметалари шаклида қайд қилиб боришни тавсия ва назорат қилган.

Шуни айтиш керакки, дастлаб бюджет бешиги Оврупода эмас, балки шарқда тебратилгани ҳақида бизда тегишли асослар бор. Бу бюджет куртакларини шакллана бошлаганидир.

Оврупо мамлакатларида бюджет бешиги XVII асрдан бошлаб тебратилиши бошлаган, Марказий Осиё ва Темур ишғол қилган ўлкаларда бюджет куртаклари XIV-XV асрдан бошлаб вужудга кела бошлаган.

Бюджет дарахтининг биринчи йирик шоҳ куртаги вазирлик махкамалари бўйича даромад ва харажатларини ихтисослашишидир. Илгари даромад ва харажатлар хазинабон дафтарида қайд қилинган бўлса, эндиликда бу вазифа ҳар бир вазирлик бўйича меҳнат тақсимоти асосида амалга оширила бошлади, яъни даромад ва харажатларнинг ихтисослашган гурухлар бўйича хисобга олиб бориш жорий қилинди. Тўрт улусда собиқ 27 мамлакат миқёсида амалга оширилган иш, иқтисодчи кадрлар етарли бўлмаганда қанчалик қийинчилик туғдирганлигини тасаввур қилиш мумкин эмас. Темур девонида 4 вазир кирим-чиқим сметасини тузиш махаллий махкамалага нисбатан қулайроқ бўлган бўлса ҳам, махаллий махкамаларда харажат турларининг кўплиги ишни анча мураккаблаштирган бўлиши керак. Марказий девонда 4 вазир ўртасидаги меҳнат тақсимоти қуйидагича амалга оширилган. Биринчи вазир - мамлакат ва раият вазири – бу вазир мамлакат иқтисодиётига доир ва бошқа умумий масалалар билан бирга солик, ўлпонлар уларни тақсимлаш мамлакат ободончилигини (аҳолининг) фаровонлиги ишларини ва хазинани қандай қилиб

тартибга келтирилаётганлигини назорат қилган. Бу ерда тартибга келтирилаётгани деган сўзни смета тузилаётгани деб тушуниш керак, чунки смета тузилмасдан тартибга келтириш мураккаб. Иккинчиси, сипохилар вазиридирки, сипохиларнинг маошлари ва уларга ажратилган мол-мулкни бошқарган. Учинчиси, мамлакат ихтиёридаги мулкларни ва улардан келадиган мулкларни назорат қилган. Мулклардан олинадиган бож ва закотларни шу ҳисобдан ташқи савдо ва чорвачиликдан келадиган даромадларни бошқарган. Тўртинчиси, салтанат ишларини юритувчи вазир. У бутун салтанат идораларининг кирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинган харажатлар, ҳатто отхона ва саройдаги бошқа жонзотларга қилинган харажатларга огох бўлиш лозим бўлган.

Келтирилган почтадан марказий девонда хизмат қилувчи вазирлар ўртасида меҳнат тақсимотида молия масалалари катта ўрин эгаллаганлиги қўзга ташланади. Бунда ҳар бир масала бўйича кирим-чиқим сметасининг тузилишидан тушадиган даромадлар ва қилинган харажатларни кун сайн хисоблаб борилиши бюджет куртакларининг кенг қанот ёза бошлаганлигидан дарак беради.

II. Бюджет дарахтининг иккинчи куртаги махаллий бошқарувни ҳам бюджет доирасига киритилишидир.

Бюджет куртаклари фақат марказий девондагина эмас, балки махаллий бошқарув махкамаларида ҳам ривожлана бошлаган. «Амр қилдимки, - деб қўрсатилади «Тузуклар»да, - сарҳадлар ва менга тобе мамлакатларга оид ишларга масъул уч вазирдан иборат давлат хайъати холис тузилсин, улар мазкур ерлардаги молиявий муаммолар ва келадиган даромадларни бошқарсинлар. Салтанатнинг ҳар бир идорасида кирим-чиқим кундалик харажатларни ёзиб бориш учун бир котиб тайинлансин».

Бюджет куртагининг 3-шоҳи ноишлаб чиқариш соҳаларига маблағ ажратиш билан боғланган. Бунда фақат мадраса ёки ўқув юртларигина эмас, балки шифохоналар ва уларда ишловчиларни ўз холларига қараб сюргал вазифа маош белгилансин» деб қўрсатилган «Тузуклар»да.

Бюджет куртакларининг IV-марказий унсурларидан бири харажатларни нормаллаштиришdir.

Темургача маълум йўналишларда хақиқий эхтиёжини ўрганмасдан, харажатлар чамалаб хисоблаб берилар эди. Натижада сарфланмасдан ортиб қолган маблағлар хазинага қайтарилимасдан, англашилмовчиликларга сабаб бўлар эди. Нормаллар биринчи галда сипохилар лашкарбошлар шу билан бирга лавозимли вазирлар, хизматчиларга бериладиган урфаларда ўз ифодасини топди. Пуллик нормаллар билан бирга моддий натурал нормаллари ҳам қўлланила бошлади. «Амр қилдимки, - деб қўрсатилади тузукларда амир ул умаронинг маоши ўз қўл остидагидан ўн баробар ортиқ бўлсин. Шунга ўхшаш девонбеги ва вазирларнинг маошлари эса амирлар маошидан ўн баробар кўп бўлсин. Ясавуллар, чопарлар, калакчиларнинг маошлари ўз хизматларига яраша мингдан ўн минг тангагача бўлсин. Ахли мажлис бўлган сайдлар, олимлар, фозил кишилар, хакимлар, табиблар, мунажжимлар, қиссаҳонлар, хабарчилар, тарихдонларга ўз холларига қараб сюргол, вазифа ва маош белгилансин».

Нормаллаштириш усуллари айниқса моддий харажатларни хисоблашда кўзга ташланади. Тузукларда кўрсатилишича оддий аскарлардан ҳар ўн саккиз киши учун ўзи билан бирга бир чодир (хайма) олсин. Ҳар бир аскар икки от, бир камон, бир садоқ ўқдон, таркаш, бир қилич, арра бигиз, болта, 10 та игна ва орқага осиладиган чарм халта, чарм пушт олсин деб кўрсатма берилган Моддий нормал ҳақида мулохаза юритганимизда оддий сипохиларга уларни мингандан отлари баҳосида, ўнбошиларга сипохиларга нисбатан ўн баробар маош тайинланганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак, у бюджет кўрсаткичларидан яна бири махаллий хокимиятлар итоатидаги муассасалар фаолияти ҳақида керакли маълумотлар ва ҳасботларни талаб қилиб, маблағлар харакати устидан назорат ўрнатишдир. Бунда қонун бузарликларга нисбатан жазо чораларини қўлланилган. Агар амалдорни ўзлаштирган маблағи маошидан икки баробар ортиқ бўлса, ортиғи навбатдаги маошдан ушлаб қолиниши тавсия қилинган, уч баробардан кўп бўлса хаммаси айбдордан ундириб олинган.

Лекин нормаллаштирилган харажатлар билан бирга нормаллаштирилмаган харажатлар ҳақида ҳам мулохаза юритиш мақсадга мувофиқдир, Ш.Яздий ва Жомий асарларида Амир Темур даврида кўп саройлар, мадрасалар ва бошқа улкан бинолар қурилганлиги ҳақида маълумот бор. Бу биноларнинг қурилишига кетган материаллар, сарфланган ишчи кучи асосан нормаллаштирилмаган. Улар усталарининг узок, кўп йиллик тажрибаларига асосланиб, хисоб-китоб қилинган.

Таниқли тарихшунос олим Люсье Кэрэн томонидан ёзилган «Амир Темур салтанати» китобида бундай зиёфатлар ҳақида элчиларнинг таассуротлари батафсил ёритилган.

Бундай зиёфатларга баъзан жасур сипохилар ҳам таклиф этилган. Шуниси қизиқарлики, зиёфат учун 20 минг кишилик ўрда (лашкаргоҳ шаҳар) қурилган. Бу шаҳарнинг уйлари, кўчалари, майдонлари, бозорлари бўлган.

Клавиханинг ёзишича «Ўрдада барча керакли нарсалар мавжуд, ҳар ким ўз вазифасини яхши билади. Бу ерда қассоблар ва ошпазлар пиширилган гўшт, савдогарлар мева ва сабзавотлар сотадилар, нонвойлар тандирларни ўрнатиб нон ёпдилар».

Шу словн бехисоб қовурилган гўшт истеъмол қилди.Ўрдага келиб қўшилган Амир Темур хузурида кўп сонли мешлардаги шаробларни бўшатилди.

Нормаллаштирилмаган харажатлар ҳақида сўз борар экан, биз Амир Темур канизаклари учун қурилган Самарқанддаги саройлар ва уларнинг харажатларини тилга олиш керак.

Маъмурий идора харажатлари таркибида жангда ва мамлакатни бошқаришда хизмат кўрсатган сипохилар ва лавозимли кишиларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилгани санаб ўтилади. Масалан, қайси бир амир бирор қўшинни енгса ёки мамлакат олса, уни уч нарса:

1. Тўғ, ноғора ва баҳодирлик мартабаси.
2. Давлат кенгашларига бемалол кириш ҳуқуқлари .
3. Бирон сарҳаднинг ноиблиги билан сайлаганлар

Нормаллаштирилмаган харажатлар ҳақида муроҳаза қилганда бошқа тадқиқотларни тилга олмаган яна икки йирик харажатлар ҳақида муроҳаза юритиш керак. Булардан бири ташқи муносабатларни ташкил қилиш муносабатлари, иккинчиси Амир Темур кошоналарида ўтказиладиган турли унтилмас тантаналарни нишонлаш учун бериладиган зиёфатлар харажатларидир. Самарқандда истиқомат қиладиган турли мамлакатлар элчилариға Темур томонидан моддий ёрдам уюштирилиб, бошқа мамлакатларга дипломатик вазифалар билан жүнатиладиган элчилар харажатларини қоплаш учун уларни жорий харажатларидан ташқари бошқа мамлакат хукмдорларига аталган совға-саломларга ҳам етарли маблағ ажратишни талаб қиласы эди. Шу муносабат билан Испания элчиси Клавихога Самарқандда бўлиши билан боғлиқ бўлга харажатлар бунга мисол бўла олади.

Ибн Арабшоҳ қўрсатилган тантаналарда қатнашган Миср сultonи Носир Фаражнинг элчилари қимматбаҳо тухфаю армуғонлар, шулар жумласидан жирафа ва түяқушлар келтирилгани, шунингдек, Хитой, Хинд, Ирок, Дашиб қипчоқ, Синдг, Франк (Испания) ва улардан бошқа иқлиmlару ўлкалар элчилари иштирок этгани ҳикоя қилинади.

Иккинчи гурух харажатлари ҳарбий ва ҳарбий аҳамиятга эга бўлган харажатлар киради. Бу харажатларда кўпдан кўп ҳарбий юришлар ўз ифодасини топган бўлиб, уларни умумлаштирилганда икки босқич кўзга ташланади. Биринчи босқич, 1360-йилдан 1386-йилгача ўтган давр бўлиб, 25 йилни қамраб олади. Иккинчи давр 1386-йилдан 1402-йилгача ўтган давр бўлиб, миқдор жиҳатидан биринчи даврга нисбатан кўпроқ маблағ сарфлангани билан ажралиб туради. Биринчи даврда мўғуллар хукмронлиги узил-кесил тугатилиб, марказлашган давлат барпо қилиш учун қизғин кураш олиб борилган. Иккинчи даврда эса уч йиллик, беш йиллик, етти йиллик деб номланган ҳарбий юришлар ташкил қилинган. У босқичнинг ижобий аҳамияти шундан иборатки, Амир Темур ўзи билибми, билмайми бир қатор ҳалқлар ва юртларни мустамлакачилик зулмидан озод қилган. Масалан, 1491-1402 йилларда ўз даврининг энг қудратли хукмдорларидан ҳисобланган Боязид Йилдиримни тор-мор келтириб, усмонли турклар истибододига тушиб қолган Болқон ярим оролидаги ҳалқлар ва мамлакатларга озодлик бағишилади.

1391-1395 йилларда Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон икки маротаба тор-мор келтириб, Россиянинг мўғуллар хукмронлигидан халос бўлишини 300 йилга тезлаштирди. Бу ҳақда машхур рус тарихчилари Б.Д.Граков ва Ю.Якубовскийлар шундай деб ёзган эдилар: «Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган зафари, Астрахан ва айниқса Олтин Ўрда ва ўша даврдаги жанубий Шарқий Европа учунгина эмас, балки рус учун ҳам ғоят катта аҳамиятга эга бўлди».

Узоқ йиллар давомида ташкил қилинган ҳарбий юришлар улкан миқдорларда маблағлар сарф қилишни талаб қиласы эди. Амир Темур тобе мамлакатлар сони кўпайиб, хазина имкониятлари ошган сари ҳарбий юришларга ҳам илгаригига нисбатан кенгроқ шароит вужудга кела бошлиди. Масалан, 1398-1399 йилларда ташкил қилинган Ҳиндистонга бўлган ҳарбий юришда 92 минг сипохи иштирок этди. Буларнинг кўпчилиги отлиқ сипохилар

Эди. 1405 йилларга мўлжалланган Хитой харбий юришига 200000 кишини сафарбар қилиш мўлжалланган эди.

Биз барча харбий юришлар ҳақида мисол келтириш имкониятига эга эмасмиз, лекин бу юришлар учун сарфланган харажатлар ҳақида мулохаза юритганда биз лашкарларнинг сонинигина эмас, балки уларнинг яроғ аслаха, озиқ-овқат таъминотини ҳам кўзد атутишимиз керак. Амир Темур ўша даврдаги харбий техника янгиликларига алоҳида эътибор берар, харбий қуроллар ясадиган хунармандчилик саноатигина эмас, балки Хитой юриши бошланмасдан олдин, Мовароуннахр чегара районларида ғалла майдонларининг кенгайтирилганлигига ҳам эътибор беришимиз керак.

Темурнинг харбий харажатлари ҳақида гап борар экан, унинг маҳфий разведкага ғоят катта аҳамият берганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Бу ноёб сифат К.Маркс томонидан ҳам муносиб баҳолангандан эди. Соҳибқирон разведка маълумотларини факат ҳарбий вазиятни баҳолаш учунгина эмас, балки ҳар бир мамлакат иқтисодиётини ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини чуқур тушунган.

Бу ўринда Нишопур шахри ҳақида тўпланган маълумотлар айниқса диққатга сазовордир. «Сўзлашларига қараганда, - деб кўрсатилади бу маълумотларда, ўрта ҳисоб билан ҳар куни Нишапурдан икки карвон жўнайди ёки икки карвон тушатурган, тижорат илғор бўлган шаҳардир. Бу ердан кириб чиқадиган карвонлар шарқда Чинга, мағрибда Румга қадар боришар экан. Нишапур савдогарлари олтинни санаб олсалар ҳам, кумуш пулларни тарозида тортиб олмасаларда санаб ўтиришга фурсатлари йўқ эди. Нишапурнинг тижжорлари қўлида бўлган ипак моллари шу қадар кўп эдики, Нишапурдан Самарқандга қадар масофага ёйиш мумкин эди. Демак, бу шаҳар тижорат маркази аталган ердир» («Шарқ юлдузи». 1995 йил, № 1-2, 53-бет).

Шу муносабат билан разведка мақсадлари учун кўплаб маблағлар ажратилган ва сарфланган: «Тузуклар»да қўйидаги парча бу маблағлар ҳақида қисман тасаввур бериши мумкин. « ... мингта тезюар тужикан, мингта от минган елиб югуручи кишини чопкунчи, минг нафар тезюар пиёда (чопар) этиб тайинлансанларки, турли мамлакатлар сарҳадларининг хабарларини, қўшни ҳукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб, хузуримга келиб, хабар қилсинлар. Токи бирор воқеа корхол юз бермасидан олдин чора ва иложини қиласилик. Чунончи, Тўхтамишхоннинг Ўрусхондан енгилгани ҳақида менга хабар келтирганларида, энди хузуримга паноҳ тортиб келишини билдим. Шунинг учун Ўрусхонга қарши жанг қилишга тайёрлана бошладим («Тузуклар». 1995 йил).

Сарой салтанати ва маъмурий харажатлари ўз хиссаси жихатидан ҳарбий харажатлардан кейин иккинчи ўрин эгаллаган бўлса, учинчи ўринда мамлакат ободончилиги ва юрт фаровонлигини юксалтириш харажатлари туради. Биз бу харажатлар хисобидан дабдабали салтанат саройлари, осмон ўпар архитектура ёдгорликлари, шаҳар атрофида бири иккинчиси билан мусобақалашадиган боғлар, Ахмад Яссавий каби тарихий шахсларни абадийлаштириш учун қурилган мадрасалар: ва бошқа шаҳарларда кўзга ташланадиган ёдгорликлар билан бирга мамлакатнинг турли қисмларида ўнлаб

каналлар қурилганлигини, яйлов майдонлар кенгайтирилганлигини тилга олмасдан ўта олмаймиз.

Ибн Арабшохнинг «Амир Темур тарихи» китобига ёзилган сўз бошида Мўғуллар истилоси даврида харобага айлантирилган Баннокат Темур замонида тикланиб, унинг ўғли Шоҳруҳ шарофатига Шоҳруҳия деб аталгани шунга ўхшаш Ашпара шаҳрининг такланиши қайд қилинади. Шундай қилиб ободончилик тадбирлари фақат Самарқанд атрофида эмас, балки узоқ шаҳар ва қишлоқларда давом этган. Бу тавсия ижтимоий-маданий тадбирларнинг асосий йўналишлари ва уларни маблағ билан таъминлаш манбаларини белгилаб берган.

Темур ташаббуси билан неча ўнлаб каналлар (Тарихчи Хофиз Абронинг кўрсатишича турли ҳудудларда 20 га яқин қурилган). Бу асосда янги ерлар, яйловлар барпо қилинган, янги йўллар очилган, Самарқанд, Шахрисабз, Хирот, боғдод каби шаҳарлар обод қилингани, тикланганини эслаб ўтишимиз керак.

Бу ўринда академик Ибрагим Мўминов тилга олган Боғдод шаҳрини бир йил давомида тезкорлик усули билан тиклангани ҳақидаги маълумотлар, бу тадбирларга кўплаб маблағлар сарфланганидан дарак беради. Бу мисоллар Темур фақат ўз пойтахти Самарқанд ва туғилган ери Шахрисабзни обод қилиш билан чегараланмасдан ўзига тобе мамлакатларни идора қилиши, уларни биринчи навбатда ободончилигига алоҳида ахамият берганлигини кўрсатиб берди.

«Яна амр этдимки, - деб кўрсатилади «Тузукларда», - катта кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва ҳонақохлар бино қилинсин, фақиру мискинларга лангархона солсинлар, касаллар учун шифохона қурдирсингилар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинлансанлар. Ахли мажлис бўлмиш сайidlар, олимлар, фозил кишилар, хакимлар, табиблар, мунажжимлар, киссаҳонлар, хабарчилар, тарихдонларга ўз холларига қараб суюргол, вазифа ва маош белгилансин».

Бу тавсия ижтимоий маданий тадбирлар учун сарфланадиган деярлик барча харажатларни қамраб олади. Бу харажатларнинг таркибий қисми ижтимоий ҳимоя харажатлариdir. Темур тузукларида фақиру мискин, бирор касб билан шуғуланишга ожиз, шол, кўрларга нафақа бериш лозимлиги таъкидланади. Бундан ташқари ҳар мамлакатдаги гадоларни тўплаб, кунлик емиш-ичишларини бериб, уларга бирор вазифа юклаш, иш билан таъминлаш ҳақида маслаҳатлар бор.

Темурнинг фикрича, мамлакатни хунук кўрсатувчи омиллардан бири гадоликдир. Гадоларни тугатиш учун уларни иқтисодий жихатдан таъминлаш керак. Шу муносабат билан Темур фақат гадоларга эмас, балки юқорида санаб ўтилган ожизлар, иқтисодий ахволи ночорларни таъминлаш учун хазина молининг бешдан бирини ажратган («Шарқ юлдузи» журнали, ўша жойда). Лекин гадоликни ўзига касб қилиб олган текинтомоқ шахсларни бу «санъат»дан воз кечиб, уларни меҳнатга жойлаштириш, касб хунар ўргатиш тадбирларини кўрган. Шуни айтиш керакки, Темургача ўтган барча подшохлар бу йўналишда иш олиб бормаган эдилар. Темур инсонпарварликда жаҳонда олийжаноблик намуналарини намойиш қилган.

Махмуд ғазнавий Бухорони ишғол қилганда давлат кутубхонасини ёндирганлигини хозиргача тарих кечирмайди. Бу китоблар тутуни устида машхур олим Ибн Сино фарёд уриб йифлаган. Мухофаза қуввати зўр бўлганлиги сабабидан, уларнинг қўпларини тиклашга ёрдам берган.

Темур ҳам ёшлиқдан китобга хавас қўйган давлат арбобларидан. «Китоб, -деб кўрсатган эди у ўз ўгитларда,- барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл идрокнинг, илм донишнинг асосидир, ҳаётнинг яратувчи мураббийидир». У эътиқод қилган беш нарса: Оллоҳ, тафаккур, қилич, имоннинг бири – китобдир.

Унинг китобга бўлган хаваси фаннинг инсоният келажаги учун ғоят катта аҳамиятга эга эканлиги, ишлаб чиқарувчи кучлардан бири эканлигини чуқур тушунганидан келиб чиқади.

Темургача фан ва маданиятга хазинадан маблағ ажратиш тасодифий тадбир ҳисобланган. Махмуд Ғазнавий жаҳон аҳамиятига «Шохномани» улкан достон ижодкорига олтин билан эмас, балки кумуш билан мукофот ажратиб, улуғ сиймони умрбод ранжитган. Темур бўлса олимлар, меъморлар, мухандисларни таъминлаш учун хазина маблағларини аямаган.

Атоқли рус олими Якубовский алоҳида чуқур хуносага келиб кўрсатганидек, темур Мувороуннахрга хунармандлар, мусаввирлар, меъморлар ва олимларни суриб келишининг ўзига хос сабаблари бор деган эди. Масала шундаки, Темур фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиши ҳақида чуқур мулоҳазага эга бўлмаса ҳам, лекин унинг тадбирларида ана шу мулоҳазалар ўз ифодасини топган. «Тўғри, - деб кўрсатади Якубовский, - Мовароуннахрнинг ўз мутахасис ва олимлари бор эди. Лекин фан ва маданият арбоби, хунарманд қанча қўп бўлса, илм фан шунча тез ривожланади». Шу муносабат билан Темур хунармандчиликнинг мавжуд тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берган. Самарқанд ва бошқа шаҳарларга кўчириб келтирилганхунармандлар орасида Дамашқнинг мрҳир тикувчилари, лалабнинг пахта йигирувчилари, Туркия ва Гуржистоннинг заргарлари ва бошқа касб эгалари айниқса бинокорлар мавжудлиги уларга хожатлари ижросида керакли бўлган моддий маънавий ёрдамларини аямаган, чунки Амир Темур талантли хунармандларнинг моҳирлик билан бажараётган ишлари тайёрлаётган маҳсулотларга юқори баҳо берар оз вақт ичida кўп ва сифатли маҳсулот етиштиришдаги фаолиятлари меҳнат унумдорлиги тадбиркорликларини қўллаб қувватлар эди. «Тажрибамдан кўрдимки, - деб ёзган эди у тузукларнинг ilk бошида, - ишбилармон, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз лоқайд кишидан яхшидир, чунки тажрибали бир киши тажрибасиз минг кишига иш буюради». Маълумки Темур даврида хунармандларнинг қўплари шаҳар бозорлари, майдонларида истиқомат қиласи берган эди. Амир Темур фақат шаҳар бозорларининг савдо майдонларини жихозлашгагина эмас, балки хориждан келган савдогарларга енгиллик туғдириш учун ҳар бир шаҳарда карвон саройлар қурдириб, уларни ўzlари келтирган молларини сақлашга алоҳида эътибор берган. Бу ўринда Амир Темурнинг нархлар устидан анзорат ўрнатганлиги хорижий савдогарлар томонидан муносаб баҳода мол харид қилишларига алоҳида аҳамият берганлигини тилга олиш керак. Бу тадбир Марказий Осиёда хунармандлар ва дехқонлар томонидан етиштирилган

маҳсулотларни бошқа мамлакат бозорларида муносиб ўрин эгаллашига ёрдам берган. Тарихшунос олим А.Якубовскийнинг Амир Темурнинг XI асрда ўтган йирик хукмдорларидан бири Махмуд Ғазнавий билан солиштирма таҳлили бу йўналишда айниқса қизиқарлидир. Унинг фикрича иккалалари ҳарбий тадбирларида бир-биридан қолишмайдилар. Аммо Султон Махмуд бошқа малакатлардан йиғиб келган солиқларни ғазнавийлар давлатининг хўжалик ишларида сарфламади. Темур бошқа эди, у хисоб-китобли хўжайин эди.

Юқорида келтирилган фактлар йиғилган бойликларни унумли, фаровонлик улуғ мақсадлар йўлида сарфланганлигидан дарак беради. Темурнинг очиқ қўллиги, инсонпарварлигини кўрсатади. Султон Махмуд ғазнавий хаддан ташқари хасис, зиқна, баҳи, манфаатпаст, юлғич эдилар. У хиндистонни ва бошқа мамлакатларни талаб келтирилган бойликларни хазинада сақлар эди. XV асрда яшаган тарихшунос Мирхондинг хотираларига қараганда Султон ўз вафотидан икки кун олдин ўзининг ҳаёти давомида тўпланган барча олтину кумуш дуру гавҳарларни кенг бир майдонга келтириб таҳлашни буюрган. Олтинларни кўриб уларга узоқ тикилган, давомли узоқ вақт йиғлагандан сўнг хазинага қайтаришни буюрган. Хизматкорларга бир динор ҳам бермаган.

#### **4. Амир Темур даври молиясининг ҳалқаро назарий ва иқтисодий аҳамияти.**

Амир Темурнинг феодал давлат молия назариясига қўшган хиссаси ва унинг бу соҳадаги фаолияти темурийлар давлати молияларини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатди.

Амир Темур вафотидан кейин Темур авлодлари ўртасида таҳт учун кураш узоқ давом этди. Люсьен Кэрэннинг «Амир Темур салтанати» китобида кўрсатилганидек Амир Темурнинг невараси Халил Султон таҳтга ўтирганида Самарқанд дунёдаги маданият-маърифат ривожланган энг машҳур шаҳар эди. Бу ерда шахзодалар ва улағ одамлар, илм ахли ва дунёдаги энг қўли гул инсонлар истиқомат қилишарди, зеро Амир Темур қўлга киритган шаҳарлар мохир хунармандларининг кўпчилиги ўз ўлжаларини ташлаб, бу ерга келиб қолишган.

Кўп яхши нарсаларга тўла ғарб санъатининг қатор усталари маскан тапган бу нихоятда бой шаҳар хеч бир қаршиликсиз Халил Султоннинг қўлига ўтди, шаҳзода тўрт йил ўтар ўтмас унинг барча бойликларини шамолга совурди, хазиналарини шиб-шийдон қилди, бу беқиёс буюкликни яксон қилди ва шу салтанат қудратини бутунлай харобага айлантириди. Бу «Улуғбек туфайли Самарқанд яна қирқ йил тинч умр кечирди, бироқ бу давр санъат ва илмлар равнақига шу қадар катта улуш қўшдикি бу даврни «Самарқанднинг олтин даври» деб атай бошлишди». «Улуғбекнинг шеърият, мусиқа, меъморчилик, математика ва айниқса астрономияга иқтидори кучли эди».

Улуғбекнинг Амир Темур фаолиятини давом эттириши ўз хазинасидан фан ва маданиятга, ҳарбий тадбирларга нисбатан кўпроқ маблағ ажратиш, мадраса ва ўкув юртлари олимларига моддий ёрдамни кучайтириди. Бунга хозиргача сақланиб қолган расадхона биноси мисол бўла олади.

Бундан ташқари Улугбек академиясидан 1417 йилда дунёning турли мамлакатларидан келган 100 дан отриқ олим иш олиб борган.

Иккинчидан, иқтисодиётда қишлоқ хўжалигининг тутган ўрнини хисобга олиб дехқонлардан олинадиган солиқларни камайтиришга, савдогарларга нисбатан кучайтиришга алоҳида эътибор берди. Шу сабабли ўғли Абдуллатиф билан кескин қарама-қаршилик вужудга келди.

Учинчидан, пул дехқонларга берилагн енгилликлар зироатчилик махсулотларини кўплаб ишлаб чиқариш товар пул муносабатларини ривожлантиришга фаол таъсир кўрсатди. Шу муносабат билан мис, пул зарб қилишга эҳтиёж кучайди. Илгари кумуш пул зарб қилинган бўлса, биринчи мис пуллар зарб қилиш кучайтирилди. Бу тадбир юрт ободончилигини юксалтиришга ижобий таъсир кўрсатди.

Амир Темур невараларидан бири Бобур хаёти кўпича дарбадарликда ўтган бўлса ҳам, унинг иқтисодиётга қўшган хиссаси солиқларни тартибга солиш соҳасидаги фаолиятидир. Амир Темурдан кейин шаҳзодалар ўртасида таҳт учун олиб борилган кураш ўлканинг молия тизимиға таъсир кўрсатмай қолмади. Харбий харажатларининг кўпайиб боргани сари унинг манбаи - солиқ тизими издан чиқди. Шу сабабли Бобир «Мубайин» Навоий китобининг учинчи боби «Китоби закот»да шариат қонунлари асосида олинадиган солиқларни хисоблаш ва ундириш тизимини маснавий шеър йўли орқали тушунтириб беришга ҳаракат қилди. Бунда ер солиги, жузъя хорижий мамлакатлар билан савдо-сотиқдан олинадиган солиқларни такомиллаштиришга ҳаракат қилди. Шу йўналишда Хиндистонни қўшиб олгандан кейин Хиндистон солиқ тизимини ҳам ўрганиб, уни такомиллаштириш тизимида қатор тадбирлар ўтказди. Бу тадбирлар Хиндистон солиқ тизими даромадларини харажатлар билан доимо ошган холда баробарлашишига ёрдам берди. Бу маблағлар хисобидан Бобир ва унинг издошлари фан ва мааданият тараққиётига кўплаб маблағ ажратишни давом эттирилар. Бу маблағлар хисобидан машхур Шохжахон меморий ёдгорликгини барпо қилиниши жаҳон маданиятига қўшилган улкан хисса бўлди.

Темурийлра даври маданият намоёндаларидан бири Алишер Навоий хисобланади. Темурнинг молия соҳасидаги назариялари ва фаолияти унинг тузуклари Алишер Навоий ва Хусайн Байқароларга катта таъсир кўрсатган эди.

1. Бу таълимот дастлаб Алишер Навоий томонидан 1440 йилда Хиротда солиқ солиши тизимиға қарши қўзголонни тинч йўл билан бартараф қилиниши Хусайн Байқаро хазинаси ва молия тизимини такомиллаштиришда ўз фойдасини топди.
2. Алишер Навоийнинг кўпчилик йирик асарларида молия масалаларига ўрин берилгани, масалан, «Садди Искандарий» ва «Фарход ва Ширин»да шоҳ хазинаси ва ундан фойдаланиш қандай бўлиши, унда даромад ва харажатларни хисобга олиб бориш усуллари, қандай инсонпарварлик тадбирларига сарфлаш кераклиги хақида фикрларида баён қилинди.

3. У ўзининг «Махбуб-ул қулуб», «Хайрат-ул Аброр» асарларида солиқларнинг иқтисодий моҳиятини очиб берди ва айрим подшохларнинг дехқон мөҳнатига нисбатан бефарқ муносабатда бўлиб, истрофгарчиликларга йўл қўйганлигини кўрсатиб берди.
4. «Вақфия» асарида диний йўл билан вақф қилинган ва бошқа мулклардан смета тузиш асосида фойдаланиш ва қандай назорат ўрнатиш кераклигини мисолларда кўрсатиб берди.
5. ўзининг шахсий бюджети даромадларини қандай сарфлаш кераклиги хақида фикрларини баён қилди.
6. Ташқи савдонинг мамлакат иқтисодиёти учун аҳамиятини кўзда тутиб, хорижий савдогарларга нисбатан муносабатларни яхшилаш масалаларини кўрсатиб берди.

### **Хулоса**

1. Ўзбек давлатчилигининг тарихи жаҳон тарихининг узоқ даврларидан бошлаб шаклланганлиги ва ўзининг хар хил ислоҳатлари билан бошқа давлатлардан ажралиб туради. Амир Темурнинг ўзбек давлатчилиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган катта хизматларидан бири давлат бошқарув тизимининг классик намуналарини қайта тиклаш билан чегараланмасдан, замон талабларини кўзда туриб, янги усувларни жорий қилишдир.

2. Амр Темур стратегиясининг инсонпарварликка асосланган мукаммал жамият қуриш ғояси марказий ўрин тутади. Бу ғоя унинг иқтисодий стратегияси вазифаларини белгилаб беради. молия стратегияси иқтисодий стратегиянинг таркибий қисми сифатида марказлашган йирик салтанатни барпо қилишда ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Амир Темургача хазинани идора қилиш факат даргоҳ тамоилига асосланган бўлса, эндиликда даргоҳ ва вазирлик тамоиллари қўшиб олиб бориладиган бўлди. Махаллий ва марказий молия махкамалари хукуқлари ва вазифалари қайтадан кўриб чиқилди. Хазина даромадлари солиқли ва солиқсиз даромадларга ажратилди. Шу билан бирга молия соҳасида қатор сифат ўзгаришлари содир бўлди. Биринчидан, солиқларнинг демократик характеристики кучайтирилди. Иккинчидан, хазина харажатлар таркибидан ободончилик, ижтимоий маданий, шу жумладан, фан, маданият, ижтимоий таъминот харажатларининг хулосалари ортиб борди. Буларнинг хаммаси мамлакатнинг иқтисодий ва ааданий жихатдан мустахкамланиши, унинг халқаро мавқеини оширишда фаол таъсир кўрсатди.

3. Амир Темур томонидан 3, 4 аср олдин Адам Смитнинг солиқ назариясининг башорат қилиниши Европа давлатларига нисбатан илгарироқ бюджет куртакларини, айниқса кирим чиқим сметалрининг тузила бошлаганлигини хисобот тафтиш ишларини йўлга қўйилиши ва бошқа тадбирлар 27 давлатни бирлаштирган улкан салтанат молиясини чексиз имкониятлардан жаҳонга намоиш қилди. Шу муносабат Билан Темур давлатнинг молия соҳасидаги тадбирлар билан XI асрда яшаган Махмуд ғазнавийнинг жон талвасасида хазина бойликларига бўлган муносабатиларини қиёслаш айниқса қизиқарлидир.

4. Биз Темурнинг молия соҳасида хусусан солиқ масалалари хақидаги қарашларини тахлил қиласр эканмиз, инглиз иқтисодчиси Адам Смитнинг «Халқлар бойлиги табиати ва сабаблари» номли 1776 йилда нашр қилинган китобда келтирилган хуносаларда Темур қарашлари такрорланганлиги алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

Бу хуноса молия ҳақидаги назариялар дастлаб ғарбдан эмас, балки шарқда шаклланганлиги яққол исбот қиласди.

Хақиқатдан ҳам 1577 йилда Оврўпада француз тилида Ж.Боденнинг «Давлат ҳақида» номли асари нашр қилинган. Амир Темур тузуклари XIV асрнинг охири ва XV асрнинг бошларида, яъни Ж.Бодин асарига нисбатан тахминан икки, бир аср олдин шаклланган. Ж.Бодин асарида ҳам бошқа масалалар билан биргаликда молия масалалари айниқса давлат даромадлари масалалари баён қилинган.

5. Ўзбек давлатчилиги ҳақидаги асарларда, масалан, Азамат Зиёнинг «Ўзбек давлатчилиги»га бағишиланган асарида Амир Темургача давлатчиликнинг 8-9 белгиси (асослари) кўрсатиб берилган. Фикримизча, молия масалаларини давлатнинг алоҳида ва муҳим белгиси деб қараш керак. Шу сабабли молия масалаларини давлатчиликнинг 10-белгиси деб қараш керак. Бундан кейинги тарихий асарларда молия масалаларига жиддий эътибор бериш керак, чунки, давлатни молиясиз, хазинасиз тасаввур этиш мумкин эмас.

6. Амр Темурнинг солиқ назарияси ва молияни такомиллаштириш соҳасидаги фаолияти қирралари хозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шу муносабат билан жаҳон миқёсида молия тарихини яратишда Амир Темурнинг фанга қўшган хиссасини унутмаслигимиз керак, хатто иқтисодиёт назарияси дарсликларида Амир Темурнинг молия назарияси тилга олиниши лозим.

## 7-мавзу: ШАЙБОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ТИЗИМИДА МОЛИЯ.

### РЕЖА:

1. Урта Осиёни шайбонийлар томонидан истило килиниши.
2. Шайбонойларнинг ижтимоий хаeti.
3. Шайбонийларнинг солик сиёсати.

#### **Таянч иборалари:**

*Амлок, вакф, мулки холис, мулк ерлари, нугойлар, феодал муносабатлар, кучманчилар, сиесий бирлашма, хирож, танобона.*

Янги феодал сулоласи — Шайбонийлар XVI асрда салкам юз йил Мовароуннахрни бошкарди. Гарчи бу даврда ер-сув, кучмас мулк ва бошка бойликлар узбек кучманчи феодал зодагонлари кулига утиб, темурий аслзодалар, уларга алоказор олий рухонийлар ва заминдорлар синфи йук килинган булса-да, Амир Темур давлатига хос хусусиятлар саклаб колинди. Айrim кишилар маолум вайт давомида ўз фойдасига давлат ер солишини ундириш хукукини аввалгидек салыб ыолдилар. Шу билан биргаликда хонлар томонидан айrim кишилар ва дин арбобларига ерларга тщла эгалик хузыуыи бериш тамойили ъам амалда башлди. Иноом этилган ерлар ъар ыандай солиылардан озод ыилиниб, "мулки хурри холис" (давлат мажбуриятларидан холи мулк) деб аталган. Солиы, щлпон ва мажбуриятлар тизими шайбонийлар давлатида анча башлиб, уларни расман 90 тури, мавжуд эди. Хирож — асосий солик тури хисобланиб, экинзорларнинг 30-40 фоизига солиы солинган. Шунингдек, бойлар, полизлар, бедазорлар ъам солиыныа тортиларди. Давлат девони пулга мухтож башлиб ыолган кезларда фавыулодда солиылар солинарди, уруш йилларида щлпон ундириш кучаярди. Баозан оъир йилларда хазинани тщлдириш учун солиылар бир неча йил олдиндан ундирилар, бутун ахолига жузя солиылар солинар эди. Бундан ташкари ахоли солиы ва щлпонлар тщлабгина ыолмай, балки "Ясок" деб аталган ишларга ъам жалб ыилинарди.

Бунда одамлар ариы-зовурлар, ыалоа-хандаклари кавлаш, йщл ыуриш, щтин, самон, шох-шабба йишиш каби ишларга мажбур килинарди. Щн минглаб кишилар ўз мейнат ыуроллари ва озиы-овыятлари билан бирга хайдаб келинар ва ъеч бир хак олмай ишлашга зэрланарди. Ўурилишлар узои вайт давом этиб, деъyonлар муайян миыдордаги қунлар ичидан ишлаб беришга мажбур башлардилар. Шайбонийхонлар давлатининг ижтимоий-сиёсий ва социал тузилмаси Амур Темурнинг харбий-феодал империясидан фаркли уларок харбий бюрократик феодализм эди. Саройларда молия, солиы йишиш, хужжат тщлдириш каби ишларни бошкарадиган күплаб янги лавозимлар пайдо башлди. Оыибатда жаоами амалдорлар феодаллар синфининг бир ыисмига айланди. Солиы йиьевчилар бу мураккаб ижтимоий тузимда мухим рол ўйнардилар. Негаки, улар солиыларни ўзбошимчалик билан ошириш ёки камайтириш имконига эга эдиларки, натижада заминдорларнинг оладиган

даромадлари ъам бевосита солиычиларга боълии бщлиб ыолганди. Солиыларнинг ыонуний ва ъайриyonуний, доимий ва муваъыат холатда, чекланмаган микдорда ундирилиши мамлакатни халокат жари ёкасига келтириб, ахолини хонавайрон ыила бошлади ва натижа шу бщлдики, деярли барча вилоятларда камбаъаллик ва харобазорлик кцзга ташланарди.

Фаргонадаги Караскон сайиидлари номига берилган султон ёрлиыларига асосланиб, айтиш мумкинки, XVI-XVII асрлардаги солиы ва тщловлар рщихатида тщысонта номдаги йиъимлар амалда бщлган. Шу даврга оид бошқа манбааларга кшра, бу рщихатга закот, зобитона, мадади лашкар, таважихот ва бошқа солиы турлари кирмай ыолган. Эътимолки, буларнинг бир ыисми истилочилар келгандан сцнг жорий бщлгандир. Бу даврда "Мол" деган атама кцп ишлатилган. Масалан, давлатга ыарашли рента солиынинг асосий ыисми "Моли жихот" дейилган. Шу билан бирга "Моли галлот" ва "Моли хирож" каби атамалар ъам учрайди. "Мол" атамаси диким маъносида ишлатилиб келинган. 1546-1547йиллардаги хужжатларга ыарагандан давлат солиылари "Хирож" ва "Танобона" деб аталган. Тадыникотларнинг кшрсатишича, XVI асрда давлат ерларига экилган хосилнинг 30-40 фоизини "Моли жиъот" ташкил этган.

Ихроjат (чиним, буромад) деб аталган солиы ахолининг давлатга туладиган рента солиыидан иборат бщлган. Давлат аппарати, ыщшин ва хон саройи чиъимлари учун олинадиган йиъимлар ъам шу ыаторга кўрган. "Танобона" деб аталган солиылар сирасига бой, узумзор, полиз ва бедазорлардан олинган йиъимлари киритилган. "Аваризот", "Такоб пули", «Тафоввут» ва "Тавфире" каби солиылар амалдорларнинг ихтиёрига. кшра харбин шарт-шароит тавазоси билан ва давлат пулга муҳтож бщлиб ыолгандан олинган фавыулотда йиъимлар хисобланган.

Хукуматнинг марказий айгокчи органлари таминоти учун хам турли йигмлар олинган. Айрим амалдорлар фойдаси учун олинадиган майда-чуйда йигмлар "Муробона", "Мушрифона", "Оянда ва раванда", "Куналга" деган номлар билан аталиб келинган. "Харжи калья еб номланган феодал рентаси деъюонлар зиммасюк бщлиб тушган. Шаъарлар, калалар, саройлар ыуриш уларнинг тузатиш учун меънат мажбурияти бщлган бу тадбир давомида ахолига шавыатсиз муносабатда бщлган. Шайбонийлардан Абдумщминхон даврига оид маолумотларда "Агар ишчи яловлик ыилса у хоннинг фармони билан лой-ъишт щрнига деворга ётызизиб юборилган деган мудхиш холатлар ъам учрайди. XVI аср ва ундан кейинги давр манбааларида "Казув" ва "Мадикор" номлари билан аталган мажбуриятлар учрайди. Малумки, Щрта аср шароитида давлатга тегишли арийларни тузатиш, янгиларини ыазилиши ва тозалаш учун бир неча минг ишчи кучи керак бщлган ва бу иш бир неча йилларга ҷозилган. Масалан, Абдуллахон II нинг 1579 ва 1585 йилларда чиъарган икки фармонига кшра Хисор, Ыабодиён, Сафо шаъри хокимлари 10 минг мардикор беришлари лозим бщлган. Малумки, Вахш дарёсидан ыазилган канал олти йил давом этиб, мазкур вилоятлар ъар йили малум миъдордаги одамларни бериб туришлари лозим бщлган. Агар оила мардикор бера олмаса, ўз улушкини пул ёки натура билан тщлаган. Муаррих Мухаммад Толибининг ёзишича Хасанобод каналини тозалаш ва тугонини тузатиш учун мингга якин

мардикор ишлаган, ун минг эшшакда шох-шабба келтирилган. Канал ва ариклар очиб, уларни тозалаб турган айрим кишилар хокимлар томонидан рагбатлантирилиб борилган. ватто, баъзи вилоятларда канал ва арикларни тиклаган одамлар давлатга маълум соликларни тулашдан озод килингани хакидаги ёрликни учратиш хам мумкин. Ахоли феодалларнинг харбин юришлари даврида вактинчалик кечув куприклари куриш, утиб турган кушинларни озик-овкат, от-арава билан таъминлаб туришга мажбур булган. Бундай йигимлар микдори аник килиб белгиланмаганлиги боис лашкарбошилар узбошимчалик килганлар. Шайбонийлардан булган Султон Абдулмалик Баходирнинг 1566 йилдаги фармони XVI асрда Урта Осиё худудида жон бошига караб солик олиш тартиби мавжудлигини курсатади. Солик солинадиган жойларни руйхатга олиш тугрисидаги бу фармонга мувофик бир козондан таом еб турган хар бир одамдан алохида солик олинган. Шу билан бирга "Тутун пули" солиги каторида тегирмонлардан фойдаланганлиги учун "Осиё пули", "Обжувоз пули" каби йигимлар хам булган. Шайбонийлар давлатида бож факатгина ташки савдо монополиясининг воситаси булиб колмай, балки хоннинг вассаллари узлари идора килаётган вилоятларнинг биридан иккинчисига утиш чокида хам бож олиб турилган. Мажбурий заёмлардан фойдаланиш хонликлар фаолиятида учраб турган холат булган. 1558 йилда рус подшосининг Бухоро ва Хивадаги элчиси булган инглиз Жакинсоннинг маълумотига кура: "Бухоро киролининг на катта молмулки бор ва на бойлиги. Унинг даромадлари жуда оз. У асосан солик хисобидан таъминланиб турарди... Унинг пули етмай колган холларда мансабдорларини савдогарларнинг дуконларига юбориб унинг молларини тортиб олиш йуллари билан карз талаб килади".

Танга зарб килиш ва пул муомаласидаги чайковчилик Хон хазинасининг энг муҳим даромад маблагларидан булган. гар бир хоннинг уз номи билан янгидантанга зарб килиши натижасида илгари икарилган тангаларнинг нархи пасайиб кетган. Негаки, "Эски" тангалар давлат туловларига паст баҳо билан кабул килинган ва кайтадан зарб килинган. Уртадаги тафовут туфайли давлат хазинасида кушимча пул тушган. "Пул ислохоти" деган уйинлар хам хазинани тулди-ришнинг яна бир воситаси булган бу ислохот шундан иборат эдики, тилла ва кумуш тангаларга маҳсус муҳр босилган ва муҳрланмаган тангаларнинг эски ва кадры йуклиги эълон килинган. Соликлар пул ва натура холода олинган. Экин ерларидан натура холода, бозорлар, дуконлар, карвонсаройлар ва хаммоллардан пул билан солик олинган. "Танобона" гурухига кирадиган боялардан ва конлардан бир кисм соликлар пул билан олинган. XVI аср хужжатларига караганда, "Доруга" солили хам пул билан туланар экан. Хосилнинг кандай булишига карамасдан "Доруга" солиги хар бир жой учун аник белгилаб куйилган микдорда давлат ёки хоким фойдасига пул билан олинарди. Шунингдек, "Пилла пули", "Кукнор пули", "Осиё пули", "Сабзи пули", "Харбуза пули" ва бошқа соликлар хам пул билан олинган. Ердан туланадиган солик ва йигимларнинг 1/3 кисми давлатга топширилган. Хосилнинг давлатга тегадиган хиссаси 2/3 кисмини ташкил килгандагина

давлат билан битим тузиш ер эгаси учун фойдали буларди. Унинг ерини ишлар, экин экадиган дехконнинг хиссаси эса жуда кам эди.

Уша даврда русум булган одатларидан бири шу эдик, изярачи ерни маълум бир муддатга изярага (сотиб) олиш билан хазинага тегишли солик пулларини тулаш мажбуриятини зиммасига олади. Шундан сунг, у бу ерлардан имкони борича купрок даромад олишга интилади.

Назорат саволлари:

1. Феодал сулола шайбонойлар неchanчи асрда неча йил хукм сурган?
2. Мулки хурри холис кандай давлат мажбурияти хисобланган?
3. Солик, улпонларнинг неча тури мавжуд булган?
4. Хирож экинзорларнинг неча фоизига солинган?
5. Фавқулодда соликлар кандай йигилган?
6. «Ясок» ишлари кандай бажарилган?
7. Шайбонийлар давлатининг тузилмаси А. Темурнидан кандай фарқ киларда?
8. Рента солиги кандай солик?
9. «Мол» атамаси кандай манода ишлатилган?
10. Шайбонийлар давлатида бож кай тарзда йигилган?

## **8-мавзу: Марказий Осиёда хонликлар даврида давлат молияси**

**Режа:**

- 1. Марказий Осиёда XIX асрнинг иккинчи ярмида молия соҳасида юз берган ўзгаришлар;**
- 2. Бухоро амирлигининг давлат даромадлари.**
- 3. Хива хонлигининг давлат даромадлари.**
- 4. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг давлат харажатлари.**

### **1. Марказий Осиёда XIX асрнинг иккинчи ярмида молия соҳасида юз берган ўзгаришлар.**

Тахминан уч аср давомида XVI асрнинг иккинчи ярмидан XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар, яъни Марказий Осиё хонликлари Россия томонидан забт қилиб олингунга ва капиталистик муносабатлар вужудга келгунга қадар Ўзбекистон худудида уч хонлик м авжуд бўлиб, уларнинг хар бири ўз худуди, давлат тизим ва хазинаси, ўзининг мустақил молиясига эга эди. Марказий Осиёнинг босиб олиниши натижасида кўқон хонлиги Туркистон генерал губернаторлиги таркибиға кириб, Бухоро ва Хива хонликлари устидан Россиянинг протекторати барпо қилинди.

Марказий Осиё хонликлари хукмрон феодал синфларининг сиёсий ташкилотлари сифатида Амир Темур салтанати емирилгандан кейин тўрт асир давомида, тожу таҳт курашидан кейин давлат сифатида шаклланган эди. Бу хонликлардаги давлат молияси асосан Амир Темур томонидан бошқарилган тизимга асосланган бўлса ҳам, молиянинг ривожланишида жиддий сифат ўзгаришлар содир бўлмади. Амир Темур давлати даврида шакллана бошлаган бюджет бешиги ишга тушмасдан, эскича қолиб кетди, яъни хозирги молия назарияси тили билан айтганда шу давргача ривожланмаган молия тизими хукмронлик қилди. Марказий Осиё хонликлари асосан икки функция, биринчидан, мамлакатни бошқариш, иккинчидан, ўз худудини бошқа давлатлар худуди хисобига кенгайтириш вазифаларини бажарар эдилар. Россия Марказий осиё хонликларини босиб олгандан кейин иккинчи функция илгариги аҳамиятини йўқотди. Улардаги сипохийлар қисман сақланиб қолганбўлсалар ҳам, лекин бу тадбир аслида хонликлар ўз мустақиллигини сақлаб қолганлигининг юзаки кўринишларидан бири эди.

Осиё марказий хонликларининг ўзига хос хусусиятларидан бир шундан иборатки, улар кўрсатилган функциялардан ташқари иқтисодий функцияларни ҳам амалга оширап эди. Бу функция иқтисодиётда ирригациянинг шарқ дехқончилигининг асоси ҳисобланиши ҳар йили мавжуд ариқларни тозалаш ва янги ерларни очиш учун давлат томонидан алоҳида маҳсус тадбир амалга оширилиб, хашар ташкил қилишни талаб қиласар эди. Лекин Россия Марказий Осиё хонликларини босиб олгандан кейин унинг қирраларида сон ва сифат жихатидан муҳим ўзгаришлар содр бўлди.

Биринчидан, қўқон хонлиги хазинасига келиб тушадиган даромадлар Туркистон генерал губернаторлиги ихтиёрига ўтиб, унинг 1868 йил бюджети

даромад ва харажатлар рўйхатига киритилди. қўқон хонлигининг даромадлари 29.3 млн асигнация ҳисобланган.

Бу бойлик таркибига Худоёрхоннинг 40 аравага юкланган хазинасидан К.П.Кауфман етказган 9 арава хазина ҳам киради. қўқон хонлиги 600 минг сўм коктрибуция тўлаган, шундан 356 минг харбий харажатлар.

Иккинчидан, Россияга шартнома бўйича Бухоро амирлиги минг тилла, Хива хонлиги 2200 минг сўм контрибуция тўладилар. Яна туркманларга 418.5 минг сўм бу маблағлар Россия молия вазиятини кучайтиришга, хазина даромадларини камайтиришга сабаб бўлади.

Учинчидан, Туркистон генерал губернаторлигига Самарқанд ва Сирдарё вилоятларини анчагина қисими қўшиб олинади. Хаммаси бўлиб амирлик ихтиёридага ерларнинг 1/3 қисмси айниқса Зарафшон дарёси юқори хавзасини қўлдан кетиши амирликдаги халқларнинг сувга бўлагн эҳтиёжини кучайтириди. Шу билан бирга Бухоро амири ихтиёрига олинадиган солиқ тахминан 40% га қисқартириди.

Хива хонлиги таркибидан Амударё бўлимининг ажралиб чиққандан кейин Хива хонлигиниг худуди 130.6 кв верстдан 54.7 кв верстга яъни ярмидан кўпроқقا қисқарди. Хива хонлиги ўз худудидан тушадиган даромадларнинг 2/3 қисмидан маҳрум бўлди.

Бундан ташқари Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ўзининг ички ва ташқи савдодан келадиган даромадларининг анча қисмидан ажралдилар. Санаб ўтилган сифат ўзгаришлари Марказий Осиё хонликлари молиясига салбий таъсир кўрсатди. Лекин, шунга қарамасдан хонликлар хазинасининг асосий хусусияти даромадларнинг харажатларндан ошган холда баробарлашиши сақланиб қолди.

## **2. Бухоро амирлигининг давлат даромадлари**

Юқорида кўрсатганимиздек, XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигининг анчагина қисми Россия томонидан босиб олиниши амирлик молиясида жиддий сифат сабаб бўлди. Йиллик солиқ ва тушумлар олдинги даврга нисбатан қисқариб кетди, лекин шунга қарамасдан амирликка капиталистик муносабатларнинг кириб келиши темир йўл қурилиши натижасида пахтачилик, қорақўлчилик, пиллачилик, чорвачилик ва бошқа тармоқларнинг ривожланишини Когонда Россия банкининг филиалининг очилиши товар-пул муносабатларини кенгайиши хазина баромадларининг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатди. Биринчи жаҳон уруши арафасида амирлик қишлоқ хўжалиги хом-ашёсини қайти ишловчи қарийб 60 га яқин Россия корхоналари бўлиб, бундан ташқари амирлик хазина маблағлари иштироки мертополиядаги йирик бирлашмалар фаолиятида янги босқичга кўтарди.

Амирлик иқтисодиётидаги бу сифат ўзгаришлари солиқлартаркиби ва йўналишларини ўзгаришишга ва уларни замон талабларига мослаштиришга озми кўпми таъсир кўрсатмасдан қолмади. Бу таъсирни кўрсатиш учун амирликнинг олдинги давридаги даромадлари ва шу жумладан солиқлар ҳақидаги маълумотлар билан қисман бўлса ҳам танишиш талаб қилинади.

Амир солиқлар ҳақидаги расмий маълумотларни қаттиқ сир сақларди. Солиқлар түғрисидаги маълумотлар асосан тахминий бўларди. Садриддин Айний ёзганидек, «Бухоро хукуматида ҳеч бир мунтазам идора бўлмаганидек, мунтазам мадохил ва маҳориж дафтари ҳам йўқ эди». Россия сиёсий агентлигининг хусусий йўл билан қўлга киритган маълумотларга кўра, 1909 йилда амирликда ҳаммаси бўлиб, давлат хазинасига 7349.5 минг сўм, жумладан, 4909.5 минг сўм миқдоридаги ер ўлпони тушган.

Россия ташқи ишлар вазирлигининг 1912 йилда давлат солиқлари тушуми ҳақидаги расмий сўравига Бухоро хукумати билдирган жавобда куйидаги рақамлар (табиийки, очикдан-очик камайтириб кўрсатилган) келтирилади:

Солиқ турлари	Солиқ суммаси (минг сўм)	Унинг салмоғи (фоизларда)
Ер солиғи (хирож)	1850	55.3
Савдо солиғи	1225	36.6
Чорвачилик солиғи	270	8.1
Жами:	3345	100.0

Ер солиғи икки хил шаклда олинган. биринчиси мувозиф – бир хил миқдорда тўланадиган хирож. Иккинчиси муқосима деб аталиб, бу хирожнинг миқдори ҳар йили йигилган ҳосилга қараб антура шаклида белгиланган. Баъзан тез бузиладиган маҳсулотлар – хўл мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари, узумга бир хил миқдордаги солиқ олинган. ерга эгалик қилишнинг турли шакллари (вақф, мулк, амлок) орасида амлок ёки давлат ерлари устунлик қиласарди. Амлок ерлар давлат мулки ҳисобланиб, майда тарқоқ даҳқон хўжаликлари тасарруфидаги эди. Амлок ерлардан олинган бутун маҳсулот икки қисм: амир ва дехқонларнидан иборат бўларди. Улардан олинган хирож билаг жами маҳсулот ўртасидаги нисбат турли вилоятларда турлича эди.

Бухоро қушбегисининг 1912 йил 14 октябрда Россия сиёсий агентлиги ёзган хатида таъкидланишича, «хирож бази вилоятларда аҳолидан ҳосилнинг ўндан биридан бешдан биригача, бошқаларда тўртдан биридан учдан биригача миқдорда, учинчисида эса бир танга (15 тийин)дан ундирилмоқда». Гарчи ҳатда турли вилоятларда солиқ ставкалари даражасини белгиловчи асосий омиллар кўрсатилмаган бўлса-да, тадқиқотлар расмий хукумат ставкалари амлокдорлар томонидан ўзбошимчалик билан ўзгартирилиб турилганидан далолат бермоқда. Бунда хирождан ташқари, маҳаллий маъмурият фойдасига қўшимча жуда кўплаб солиқлар ҳам йиғиб олинарди.

Товар-пул муносабатлари ривожланиши билан хирож пул шаклларида ундириладиган бўлди. Бунда солиқ суммаси ҳосилнинг комиссия белгилайдиган чўғига ҳамда амир томонидан тасдиқланган баҳоларга қараб ўрнатилган. Тасдиқка оширилган нархлар тақдим этилар, ҳосил рммавий суратда йиғишириб олинаётган пайтда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи мунтазам равишда пасайиб борарди. Шунинг оқибатида бечора дехқон боқимандадан қутулиш мақсадида бутун ҳосилни сотишдан ташқари, уй-рўзгор буюмларини ҳам бозорга олиб чиқишига мажбур бўларди. Амлокдорлар айрим

холларда тасдиқланган нархларни ўзларича ошириб, фарқини ўз хамёнларига урадилар.

Ўн тўққизинчи асрнинг охири йигирманчи асрнинг бошларида Бухоро бозорида Россия савдо- саноат капитали томонидан эгалланди. Амирликнинг кўпгина туманлари Россия – Бухоро пахта савдосининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун ихтисослаштирила ва мослаштирила бошланди, ўлка иқтисодиётига капиталистик муносабатларнинг кириб бориши янада кучайди. Хирожнинг алмисоқдан қолган мавжуд тизими бунга муайян даражада тўсқинлик қиласарди. Бухоро амирлигида пахтанинг янги, Америка нави етиштирила бошланди. У маҳёаллий навлардан фарқли ўлароқ, чаноқлар очилгач, улардаги хосилни зудлик билан териб олишни талаб қиласарди. Ҳосилни баҳолаш катта кечикиш билан, яъни у пишиб етилиб, ўз қимматини йўқота бошлагандан амалга оширилиши туфайли пахтакорлар янги навдан воз кеча бошладилар. 1912 йилда Бухорода банклар, пахтачилик саноати вакиллари иштироқида ўтказилган кенгашда хосилни олдиндан баҳолаш мақсадга мувофиқ эмаслиги ва солиққа тортишнинг таноб тизимиға ўтиш ҳақидаги масала қўйилди. Бироқ бу таклифларни Бухоро хукумати қўллаб қувватламади. Шунга қарамай, у Россия сиёсий агентининг тазиёки билан билан амлокдорлар сонини қўпайтиришга мажбур бўлди. Улар пахтанинг Америка нави хосилини тупига қараб баҳолашни тезлаштиришлари керак эди.

Бухорода таноб йифими ер солиғининг кўринишларидан бири эди. У хирож-муқосима қўлланилиб бўлмайдиган тез бузилувчи маҳсулотлардан олинар эди. Масалан, бир таноб узумзордан 12 танга, бедазордан 8 танга ундирилар эди ва ҳоказо.

Бухоро амирлиги иқтисодиётида чорвачилик алоҳида ўрин эгалларди. Бу ерда бир неча юз минг бош мол боқиларди. Чорвачилиқдан кўрилган даромадларга махсус солиқ-закот жорий қилинганди. 1902 йилда закотнинг расмий равишда қўйидаги миқдорлари жорий этилган: беш бош туюдан – битта қўй; 40-100 бош қўй ёки эчкидан - битта қўй ёки эчки; 101-200 тасидан – иккита қўй ёки эчки ва ҳоказо. Чорва моллари ҳар 20-30йилда рўйхатдан ўтказиларди. Оралиқ даврда эса, чорва молларининг такрор хосил этилиши хисобга олиниб, ҳар 500 бошдан қўшимча битта қўй ёки эчки олинарди. Бошқа ўзгартиришларни киритиш қонунда кўзда тутилмаган эди.

Товар-пул муносабатларининг ривожланиб бориши натижасида закотни пул шаклида ундиришу учун шароит яратилди. Йигирманчи асрнинг дастлабки ўн йиллигига хўжаликда камида 40 та қўй ёки эчки бўлганида, ҳар бир қўй хисобидан 0.5 танга, ҳар бир эчкидан чорак танга миқдорида солиқни ҳисоблаб чиқара бошладилар.

Бухоро амирлигининг солиқ тизимида савдо ва хунармандчилигидан кўриладиган даромадларга солиқ солиш иккинчи ўринда турарди. Бухоро амирлигининг 1884 йилда Россия божхона чегарасига киритилганлиги Англия-Хиндистон товарларини ўлкага суқулиб кириши йўлини тўсди, ҳамда Россия билан савдо оборотини янада кенгайтиришга олиб келди. Бухоро билан тузилган шартномага кўра рус савдогарлари Россияда чор хукуматига қанча

миқдорда бож тўласалар, шунча миқдордаги закотни тўлаш мажбуриятини олдилар.

Закот билан хунармандчилик (промысловий) солиги даражалари ўртасида фарқ мавжудлигини Россия ва Бухородаги бир хил сармоядан олинадиган солиқ ставкаларидан ҳам билса бўлади. Сармоя 30 минг сўмгачани ташкил этса, закот фойдали эди. 30 минг сўмдан ошганда солиқ миқдори асосан бир-бирига тўғри келарди. Аммо сармоя бир млн сўмдан ортиқ бўлганида хунармандчилик солиги 750 сўм, закот эса 25 минг сўм миқдорида ундирилган.

Шундай қилиб, закот йирик Россия фирмалари учун заар келтирса, майда ва ўрта савдогорлар учун фойдали бўлган. Хунармандчилик солигидан Бухоролик савдогарлар манфаат кўришган.

Ички савдода закотга қўшимча тарзда аминона-четга чиқариладиган товарлар ва маҳаллий ишлаб чиқаришнинг буюмларидан йигимлар олинган. ушбу йигим ставкалари товарлар бўйича табалаштирилиб, қисман экспорт молларига ҳам қўланилган. Масалан, бир ботмон пахтадан 5.5 танга (82.5 тийин), бир ботмон жундан 7 танга, қоракўл териларидан – улар қийматининг 2 фоизи, бир бош отдан бир танга 2 пули, туядан – 2 танга, қўйдан - 24 пули ундирилган.

Бож – савдодан олинадиган солиқларнинг бир тури бўлиб, у феодал тарқоқлик давридан мерос бўлиб қолган. Мазкур йиқғим карвонлардан ёки бир бекликдан иккинчисига мол олиб борадиган савдогарлардан ундириларди. Бундан ташқари, савдодан бир марталик йигим-тагижой ва тарозу ҳаки ҳам олинган. хорижий ва маҳаллмй савдогарлар, шунингдек, бир қатор қўшимча расмий йигимларни ҳам тўлашган. биринчи жаҳон империалистик уруши арафасида Бухорода Лодзъ фабриканлари, Фарбий Европа ва Америка фирмаларининг намоёндалари пайдо бўлишиди. Улар пахта ва қоракўлни бу ердан харид қилиб, ўзларида анча қимматга пуллашди.

Буларнинг хаммаси Бухоро бозорида кескин рақобат кураши бошланишига олиб келди. Амирлик хукумати чет эллик ва рус савдогарларининг Бухоро бозорига шиддат билан ёпирилиб келаётганликларини, натижада маҳаллий савдогарларни сиқиб чиқарилаётганини назарда тутиб, бухороликлар манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида би қанча чора тадбирларни кўрди. Закот қоракўлга ҳам жорий этила бошланди. Рус савдогарларига 2.5%ли ставка бўйича солиқ солинди, хорижликлар эса, ҳар 10 та қоракўл териси учун 500 сўм миқдорида қўшимча солиқ тўлайдиган бўлдилар. Бухоролик савдогарларга бошқа мамлакатларнинг савдо фирмалари билан рақобатда тенглашишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Бухоро амирлигида асосан хунармандчилик саноати ривож топиб, у ип, ярим ипай ва шойи газламалар, гиламлар, кигизлар, пойабзал, от эгаржабдуғи, метал ва сопол идишлар, чўян, темир ва чилангарлик буюмлари, кунжут ва зифир мойи, калава ва газлама бўёклари ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди. Россия сармоясининг сукулиб келиши оқибатида хунармандчилик саноатининг айрим тармоқлари рақобатга дош беролмади. Унинг баъзи тармоқларигина тараққий топди. Хуллас, Бухоро амирлигида савдо ва хунармандчилик

саноатининг солиқса тортилиши давлат хазинасини тўлдиришнинг энг муҳим даромад манбаларидан бирга айланди. Бу иш маҳаллий давлатманд савдогарларнинг манфаатлари йўлида олиб борилди.

Амирликда давлат даромадларини хасаш (давлат хазинасига тушувчи даромадлар) ва бешлик (маҳаллий маъмурият тасарруфига тушувчи даромадлар) ташкил этади.

Садриддин Айний айтганидек, маҳаллий солиқ ва йиғимлар шунчалик кўп эдики, улар учун фақат нафас олинадиган хаво солиқ обьекти бўлмаган. Лекин солиқ ва йиғимлар сонини ҳисоблаганда биз хизмат қўрсатиш билан боғланган йиғимлар никохона, Миробона, зиндан пули, ассия пули, тегирмон пули, никох (тарика), мерос пули, тош (йўл пули) ва бошқаларни эътиборга олмаганимизда ҳам қишлоқ хўжалигида ундириладиган йиғимлар сони 10 га яқинлашади.

Бунга ҳар йили дехқонларни хашар тариқасида ариқларни тозалашга сафарбар қилиниши хасобга олинмаганда ҳам Амир саёҳатга ёки овга чиқсанда ўзи билан бирга юзлаб навкарларнинг харажатларини хисобга олганда солиқ оғирлиги умумий хосилнинг 40 фоизига teng келишини тадқиқотчи Мухсинова хисоблаб чиқкан. Бу миқдор эгри солиқларни хисобга олмаганда ҳам фақат тўғри солиқлар бўйича бўлган миқдорни ташкил қиласди. Шу сабабли кўп туманларда дехқонлар экин ерларини ташлаб кетишига мажбур бўлганлар, 1904 йил маълумотларига қараганда қоракўл районида 25 минг таноп, Занданин районида 20 минг, Вафкент районида 9 минг таноп ер ишланмасдан ташлаб кетилган. Маҳаллий аҳоли айтганидек солиқлар дехқонларни ердан четлаштириди. Иккинчи турли қилиб айтганда, солиқлар миқдори хосил миқдоридан ортиб кетган. Солиқ тўламаганлиги учун дехқонлар фарзандлари қул қилиниб, оиласдан четлаштириб, ўzlари зинданга ташланган шу сабабли 1885 йилда амирликда бостирилган Босе қўзғолонининг асосий сабаби солиқлар юкининг хаддан ташқари оғир бўлганлиги эди. Солиқларни хаддан ташқари кескинлик билан ундирилиши Бухоро амирининг ўз хазинасини тобора кўпайтириш мақсади билан боғланган. Биз унинг пул зарб қилиш, қоракўл савдоси ва Россия капиталистик бирлашмаларига 100 миллиондан ортиқ пул ўтказилганлигини эслатиб ўтишимиз лозим. Хаммаси бўлиб профессор бобохўжаевнинг маълумотларига қараганда 1918-1919 йилда Амирнинг шахсий бойлиги 35 миллион фунт стерлингни ташкил қилган.

Кейинги йилларда Бухоро амирининг бойлиги ҳақида бир қатор мақолалар эълон қилинди. Мажид Хасанийнинг «Юрт бўйнидаги қилич ёки истило» номли китобида амирнинг қушбеги хисоблаган бойликлари 73252 минг сўмни ташкил қилган. Бундан ташқари амир ва унинг оиласаларига тегишли буюмлар 3.6 миллион сўмни ташкил қилган. Бундан ташқари Франция банкларида 180 миллион олтин франк миқдорида маблағи 70 йил давомида сақланган.

Бухоро амирининг бойлиги фақат амир салтанати саройи омборларида эмас, балки чет эл ва Россия банкларида сақланган. Россия молия вазирлигининг маълумотларига қараганда 1913 йилда амир маблағларидан 27 миллион сўм Россия марказий давлат банкида, 7 миллион сўми хусусий банкларда сақланган.

Яқинда маълум бўлишича 1928 йилда Амир Франция банкларига 180 миллион олтин франк маблағ қўйган эди.

Бухоро амирининг хаддан ташқари қўп миқдордаги бойлигидан В.И.Ленин хабардор бўлагн. Шу сабабдан 1920 йилда Бухоро деворлари қуршаб олинганда у М.В.Фрунзега Бухоро амири бойликларини мусодара қилиш ҳақидаги телеграмма берган, бу бойликнинг анчагина қисми Россияга ташиб кетилган ва В.И.Ленин ихтиёрига ўтган.

## **2. Хива хонлигининг давлат даромадлари**

Биз юқорида Россия Хева хонлиги ҳудудининг 2/3 қисмини босиб олгани ва унга 2200 минг сўм миқдорида товон пуои тўлатганлигини кўрсатиб ўтган эдик. Россиянинг мустамлакачилик сиёсати хонлик давлат молиясига жиддий путур етказди. Сиёсатда меҳнаткашларнинг иқтисодий ахволини ночор холга келтиришга таъсир кўрсатди.

Хива хонлиги феодал монархия бўлиб, хон чексиз молия хокимиятига эга эди. қишлоқ ва шаҳарлар аҳолисининг қарийб ҳаммаси амалга солиқ тўловчи ҳисобланар, солиқчилар уларни йигирма беклидан ундиришарди.

Россия молия вазирлиги хонликни молиявий асоратга солишни янада кучайтириш йўлларини қидира бошлади. Хонликнинг молиявий ахволини 1873 йилда тадқиқ қилган шарқшунос А.Кун ўз аҳборотларида куйидагиларни ёзган эди: “Хива воҳаси мажбурий ўлпон тўлашда бошқа мусулмон хонликларига нисбатан бутунлай ўзига хос тусга эга, бироқ моҳияти жихатидан шариат қонун-қоидаларидан четга чиқмайди. Бу ерда қўқон ва Бухорода мавжуд мажбурий солиқларнинг барча турларини мамлакат шарт-шароитларига мослаштирилган соддароқ шаклларда учратиш мумкин”.

Ислом тартиб қоидаларига кўра, хазинага тушадиган даромадлар манбаларини бир томондан, жузъян (жон солифи), хирож (ер солифи), хомийликда бўлғанлар учун тўланадиган зиммалар, иккинчи томондан эса, закот (хайрия эҳтиёжлари учун мол-мулк ва даромаддан бериладиган эхсон), мусулмонлар тўлаши керак бўлган садақа, шунингдек, дехқончилик махсулотлари ҳисобидан олинадиган ушр ташкил этарди.

Ўн саккизинчи ва ўн тўққизинчи асрларда хонликда турли ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида айрим солиқларнинг номи, моҳияти ўзгариб турди, янги солиқлар ва йигимлар жорий қилинди. Масалан, Хива хонлигига солғит, солғит-кесма чўп пули, чангалақ каби солиқлар бўлган. Солғит XIX аср бошларида Раҳимхон даврида жорий этилган эди. Унгача ушр, яъни хосилнинг ўндан бир қисми миқдорида хирож олинган. ушр солиқчиларнинг ўз мансабларини сустеъмол қилишлари учун қулай шарт-шароит яратар, дехқонларнинг норозилигини вужудга келтиради. Худди шу нарса ер солиғини ислоҳ заруратини келтириб чиқарди.

Янги шароитларда солиқ миқдори ҳар йигирма йилда бир марта ўтказиладиган рўйхатга олиш натижаларига қараб белгиланган. Уни амалга оширишда ер эгаларини солиқ тўлашнинг тегишли тоифаларига ажратардилар. Шу заминдорлар солиқни мазкур тоифаларнинг ставкалари бўйича тўлардилар.

қуидаги жадвал солиқ түловчиларнинг қандай тоифалари бўлганлиги ҳамда улардан олинган солиқ миқдорларини кўрсатади.

<b>Ерга егалик тоифаси</b>	<b>Таноблар миқдори</b>	<b>Солинадиган солиқ миқдори (тилла )</b>	
		<b>XIX аср бошида</b>	<b>XIX аср охирида</b>
Агля (олий)	10 дан зиёд	3	6
Аулят (ўртача)	5 дан 10 танобгача	2	4
Одина (паст)	5 танобгача	1	2

Бу жадвалдагиларни таҳлил қиласиз, ушдан солғитга бирданига ўтилмаганлигини кўрамиз. Узоқ туманларда товар пул муносабатларининг заифлиги вожидан дехқонларнинг бир қисми анчагина ушри натура шаклида тўлаганларки, улар давлат захирасини тўлатишга сафарбар қилинган.

Жадвалдан шунингдек, ўн тўққизинчи аср аср охирларида аср бошидагига нисбатан солиқ ставкаси икки баравар ошганлиги кўриниб турибди. Бу – хонлик ҳудудининг катта қисми босиб олинганлиги оқибатида хазинага тушадиган даромадлар камайганлиги ўрини қоплаш ҳамда нархлар ўзгарганлиги билан боғлиқ.

Ер эгаларидан ташқари ижарадорлар ҳам солғитнинг асосий тўловчилари ҳисобланишган. Ер участкалари 5 танобдан ошмаган дехқонларнинг аксарият қисми солиқни учинчи тоифа ставкаси бўйича тўлашган. Демак. Солиқ кам ерлилар гарданига оғир юк бўлиб тушган. Айни пайтда йирик заминдорларга пропорционал ставка бўйича солиқ солиш шунга олиб келганки, 10-11 таноб ери бор дехқон ҳам, 50 минг таноб ерли қулмуҳаммад Маҳрам ҳам бир хил миқдордаги солиқни тўлашган.

Мансабдор шахслардан тегишли ерлар, вақф ерларининг базилари, саййидлар ва хўжалар авлодлари ҳамда уларнинг 4 мингта оиласига мансуб ерлар ҳар қандай солиқ ва ўлпонлардан умуман озод қилинган. Ўн тўққизинчи асрнинг саксонинчи йилларида 1800 нафардан зиёд мулдор ўлпон тўлашдан озод этилганликлари ҳақидаги ёрлиққаэга бўлишган. Чоракор дехқонлар ва ижарадорлар идарага олинган майдон хажми (5-10 таноб)га қараб, йилига 11 тангадан 34 тангагача солғит тўлашган.

Солғит-кесма солғитнинг бир тури бўлиб, 1873 йилдан кейин жорий қилинган. Хонликнинг дарбийлра табақаси ҳисобланган туркманлар бунгача солиқ тўлашмасди. Армияда хизмат қилувчилар сони қисқаргач, улар қўшиндан бўшатилдилар. Собиқ туркман зобит ва аскарлари ўзларига ажратилган ер участкаларида ишлаб, жами солиқнинг тақсимланган ўз чекларига тўғри келадиган улушкини – солғит-кесмани тўлашган. Солиқнинг бу кўриниши қорақалпоклар орасида ҳам жорий қилинган. Солғит туркманлар ва қорақолпоклар учунгина эмас, барча ерсизлар ва кам ерлилар учун ҳам оғир юк бўлган.

Бизгача етиб келган маълумотларга кўра, тўқсонинчи йилларда ер солиги тушуми даромаднинг асосий манбалари орасида тахминан 40 фоизни ташкил этди.

Тўқсонинчи йилларга оид қуидаги даромадлар даромаднинг бошқа манбалари нисбатидан далолат беради.

Даромад манбалари	Минг сўм ҳисобида	Салмоғи, фоиз ҳисобида
Ер солиғи	200	40
Чорва солиғи	80	16
Савдо ва хунарманччилик солиғи	140	28
Танга зарбидан даромад	71.8	14.4
Бошқа даромадлар	8.2	1.8
	500.0	100

Тўқсонинчи йилларгача йилларгача кўчманчилар закотни шариат талаблари бўйича қирқдан бир миқдорда тўплашган. Закотни йифишда кўплаб жиддий сусистемоллиқка йўл қўйилган. Шу боис закот кейинчалик ҳар уйдан тўрт сўм миқдорида пул йифиш билан алмаштиради.

Хонликда жуда кўплаб хунармандлар тирикчилик қилишган. Уларнинг буюмлари ички бозордан ташқари Россия, Бухоро, Эрон ва бошқа қўшни мамлакатларга экспорт сотилган. Протекторат ўрнатилгач, Россиядан фабрикада ишлаб чиқарилагн кўплаб газламалар ҳамда бошқа маҳсулотлар келтирила бошланди, маҳаллий газламалар, калава, кулолчилик ва мис буюмларининг айрим турларини ишлаб чиқариш қисқарди. Рус савдогарлари аста секин балиқ овлашни ҳам қўлга кирита бошладилар. 1893 йилда Амударё дельтасида 40 та йирик балиқ саноатчиси 4600 нафар балиқчи бор эди. Закаспий темир йўли ётқизилиб, 1887 йилда Амударё флотилияси ташкил этилагч, Чоржўй бош савдо манзилгохига айланди.

Буларнинг хаммаси ички ва ташқи савдо тушумини кескин камайтириб юборди. Рус маъмурлари ўз хазиналари манфаатидан келиб, чикиб ўз божхона таърифларини жорий килдилар. Масалан, бир пуд кора чойдан 25 сўм, нил бўёғидан 6 сўм ундирилган. Алоҳида кенгаш (шундай маҳкама булган) бир пуд кўк чойдан 12 сўм олинишини белгилаган. Бинобарин, Ҳиванинг рус божхона тизимиға киритилгани хонлик хукумати даромадларига ҳам катта зиён етказди. Бу зарар йилига бир миллион сўмдан ортикни ташкил эта бошлади. Ҳиваликлар эндиликда ўzlари учун зарур нарсаларни юкори баҳолардан харид киладиган бўлдилар. Чор хукумати хонликнинг иктисадий ва сиёсий жиҳатдан қарамлигидан фойдаланиб, уни асосан рус саноат моллари сотиладиган бозорга ва Россия индустряяси учун хом-ашё манбаига айлантирилар. Эрон ва афғон товарларидан олинадиган бож товар кийматининг 5 фоизи миқдорида белгиланди. Ҳиванинг йирик савдогарлари эса, закот ўрнига кесим деб аталмиш солик тўлашга ўтдилар. У четга мол чикариб, савдо килиш хуқуқини берарди.

Ташқи савдоникидан фаркли ўлароқ, ички савдодан кўриладиган даромадлардан айланмас сармоянинг 2 фоизи миқдорида патак пули йифилган. Давлат хазинасига соликлардан ташқари, давлат мол-мулкининг турли шаклларидан, танга зарб қилиш ва бошқа маблағлардан тушган. Давлат нишонларидан даромадлар улар орасида муҳим ўрин эгаллаган

Хива хонлигидаги қозулар бўлмаган. Кумуш (танга), олтин (тилла) ва мис (пул) тангалар зарб қилинган. Кичик тилланинг ноинада қиймати бир сўм 80 тийин, каттасиники Зсқм 60 тийин, кумуш танганини 14-20 тийин турган. Хонликда асосий пул бирлиги танга ҳисобланниб, 1893 йилгача уни йилига бир миллионтадан кўпроқ қилишган. Шундан кейин бу кўрсатгич анча камайиб кетди.

Хива хонлигидаги ҳар бир кумушдан 158 та танга тайёрланган. 1892-1893 йилларда зарб этилган ҳар фунт кумушданхазинига 3 сўм 75 тийиндан 6 сум 10 тийингача чегирма ўтказилган. Даромадлар олтин ва имс тангаларни зарб қилишдан ҳам олинган. 1898 йилдан 1902 йилгача бўлган даврда 250-300 пуд мис зарб этилган. Хива хони бъундай тангалар турмушидан савдогарларга мажбурий тарзда қазлар берар, бунинг учун кредит суммасининг 15 фоизини тўлашни талаб қиласди. Ана шу маблағлар эвазига пахта тозалаш заводлари курилди.

Маҳаллий солиқлар ва йифимлар масаласида Хива хонлигидаги тартиб Бухоро амирлигидан қолишмасди. Расмий равишда салкам 25 та маҳаллий солиқ бўлган. Бироқ баъзи солиқлар ва йифимлар аслида кўрсатилган хизматларга тўловлар эди. Улар орасида лавозимларни сотишдан кўриладиган даромадлар алоҳида ажралиб туради. Натура шаклида ўлпонлар Бухоро амирлигидагига караганда ўзига хос ва оғир эди. Хива хонлигидаги натура шаклидаги ўлпонларнинг қўйидаги шаклларидан фойдаланилган:

1. қазув-катта ва кичик сойларни йигилиб қолган лойқалардан тозалаш, у 15-25 кун давом этган;
2. Кўчув-сув тошкенинига қарши тупроқ манбаларини, каналларнинг бош иншоотларини қуриш ва тиклаш, у 15-25 кун давом этган;
3. Бегор - 12 кун мобайнида кўприклар ва йўлларни таъмирлаш, хон ва унинг амлдорлари учун саройлар қуриш билан хон фойдасига ишлаб бериш.

Натура шаклидаги ўлпонларни тўлашга барча тоифадаги дехқонлар (10 таноб ердан бир ишчи) ўз иш куроллари ва озиқ-овкатлари билан жалб қилинарди. Барча турдаги бундай ишлар ҳар йили 40 дан 54 иш кунигача давом этарди. Дехқонлар ўз нормаларини бажаришдан ташқари, натура шаклидаги ўлпонга пул тўланганлиги учун бу ишдан озод қилинганларнинг нормасини ҳам уддалардилар. 1916 йилда натура шаклидаги ўлпонни тўлашга 36.768 нафар ишчи чақирилган, аммо қарийб 9 минг киши, яъни, чақирилганларнинг чорак қисмигина ишга чиқсан, холос. қолганлар эса, пулини тўлаганлари учун ҳашардан озод этилган.

«Бу, -деб ёзган эди Гиршфельд деган мутахасис,-аҳоли учун шу қадар оғир эдики, улар кўринча ўз ерларини бегор ишларидан ишларидан мутлоқ озод этилган амалдорларга инъом-ихтиёrlари билан бериб, уларнинг ижарачиси бўлиб қолишарди. Чунки, ўз экинзорларини вақтида парваришилаш, экин экиш ва суғориш имкониятига эга бўлмай, хона-вайрон бўлишдан кўра, ҳашарга чиқмасликни афзал билишарди».

Натура шаклидаги ўлпон хазинани тўлдириш манбаидан ташқари, айни пайтда мансабдорларнинг бойиш воситаси эди. 1916 йилда тушумнинг умумий суммаси 128.8 минг тиллани ёки 231.6 минг сўмни ташкил қилди. Бу рақам

Гиршфельднинг натура шаклидаги ўлпон пулга чақилганда, аҳолига ўлпонни тўлашга сарфлаган маблағга қарийб тенг суммага тушади, деган сўзларини яна бир карра тасдиқлайди. Бундан ташқари, ҳар бир қазувчидан шу ердаги нозирлар, ўнбошилар, мираблар, арқончилар ва хокимият вакилларини боқиш учун 2.5 танга миқдорида афаняк пули, 25 тийин миқдорида чибик пули ҳамда дехқонлар келтирилган озуканинг бир қисми олинган.

Академик Яхё Ғуломов таъкуидлаганидек, тупроқ қазиш ишлари бошлангач, қазувчиларнинг бор-будини шилишарди. Улар изидан қорадори сотувчилар, муллалар ва бошқалар юриб, қазувчилар оммасига даромад манбаи сифатида боқишарди.

Бир натура шаклидаги ўлпонларнинг ҳаммасини ёзиб ўтирамадик, уларнинг энг асосийларини таърифладик, холос. Натура шаклидаги ўлпонлар пул солиқлари ва йифимларини тўлдириши ҳақидаги умумий тасаввурга эга бўлиши учун етарли деб ўйлаймиз.

Хива хонлиги ҳам ўз хазинасини кўпайтириш жихатидан Бухоро амирида андоза олишга ҳаракат қиласа эди.

80-йилларда Закаспий темир йўлининг ўтказилиши 90-йилларга келиб темир йўл орқали ташиладиган моллар миқдорини 3 баробарга кўпайтириб юборди. Хивадан қуруқ мева, жун, пахта ва бошқа маҳсулотлар олиб кетилар. Ўз навбатида Хивага газлама, шиша, чинни ва металл буюмлар, керосин, темир ва бошқа товарлар келтирилар эди. 1887 йилдан бошлаб Хивага Америка гузаси чигитини келтирилиб, пахта майдонининг 2/3 қисми шу чигит билан экилди.

Хивадан 10 дан ортиқ пахта тозалаш заводи қурилди, пахтани 11 минг тоннадан ортиғи Россияга жўнатилар эди. Хива хазинаси бундан миннатдор эди. Хива иқтисодиётидан унумли фойдаланиш учун рус ва хорижий тадбиркорларнинг сармоялари Хива иқтисодиётига кўплаб киритилди. Хазина маблағлари урушдан олдинги ва кейинги йилларда йил сайин кўпайиб борди. Лекин бу хазина сармоялари 1920 йилдан кейин РСФСР хукумати томонидан мусодара қилиниб, ўлкада Россиянинг мустамлакачилик сиёсатини давом эттириш тадбирлари амалга оширилди.

### **3. Бухоро амирлиги ва хива хонликлари харажатлари**

Бухоро амирлиги ва Хива хонликларида бюджет тузилмагани сабабли, уларнинг харажатлари ҳақидаги айrim маълумотларгина мавжуд. Айниқса П.П.Иванов ва М.Ю.Юлдашевларнинг ҳамда Бухоро амирлиги қушбегисининг архив маълумотлари бу хонликлар ҳаражатлари ва даромадларида ўхшашлик мавжудлигидан кўрсатади. Хива хонлиги девонининг Амударё бўлим бошлиғи талби билан тақдим қилинган маълумотларда кўрсатилишича 1880 йилда Хива хонлигининг даромадлари 396 минг сўм, харажатлари 238.2 минг сўм даромадлари харажатлардан ошган қисми 157.8 минг сўмни ташкил қиласа. Кейинги йилларда барча даромадларнинг ўрта хисоб билан 500-600 минг сўмни ташкил қиласа.

Давлат харажатларининг таркиби ҳақида қўйидаги жадвал рақамларини кўздан кечириш мумкин.

	<b>1880йил (минг сўмда)</b>	<b>%</b>	<b>1910йил (минг сўмда)</b>	<b>%</b>
Хоннинг шахший харажатлари	32.4	13.7	111.4	74.1
Йирик амалдорларнинг маошлари	21.1	9.3	31.5	21.7
Сипохийларни асраш харажатлари	34.2	14.1	41	0.7
Канал қазувчиларга тўланган маблағ			5.1	3.5
Контрибуция	150.0	62.7		
Даромадлар	238.2	100	149.1	100.0
Даромадларни харажатлардан ортгани	396.0	157.8	550	400

1910 йилда Хива хонлиги харажатларининг умумий миқдори 1980 йилда нисбалан камайган, лекин аслида 1910 йилда контрибуция харажатлари бўлмаган. Агар контрибуция харажатларини ажратиб олиб, бу харажатларни таққослаганда 30 йил ичида бу харажатлар 60 минг сўмга кўпайган. Холбуки бу давр ичида ТуркистанГенерал губернаторлигининг харажатлари 4.7 млн сўмга ошганлигини гувохи бўламиз. Бунинг асосий сабаби Туркистон Генерал губернаторлигид аянги харажатлар темир йўл, янги ер очиш, маданий харажатлар бунга сабаб бўлган, лекин харажатлар динамикасида сипохилар харажатлари анча камайгани кўзга ташланади.

Бухоро амирлигининг харажатлари хақида расмий маълумотлар етарли эмас. Амир бу харажатларни сир сақлаган. Лекин 10 га яқин муаллифларнинг маълумотларини тахлил қилиб, XIX асрнинг охири ва XX аср бошлари ўрта хисоб билан бу харажатлар 5 млн дан 9 млнга 70 % гача кўтарилигналигини кўрамиз.

Бухоро амрлиги харажатларининг максималь-минимал миқдори қўйидагича.

1. Амирнинг шахсий харажатлар 2милндан  
(бунга совға-салом, тортиқларни кўшиб) 5млнгача
2. Сипохийларни сақлаш харажатлари 2милндан 2.5 млнгача
3. Рухонийлар учун маошлар 1млнгача
4. Бошқа харажатлар 100 минг сўмдан 300 минг сўмгача

Амирнинг сарой салтанати маъмурий харажатлар барча харажатларнинг ярмидан кўпроғини ташкил қилган. Амирнинг шахсий харажатлари таркибида унинг ва силоласининг харажатлари, бинокорлик, ҳар хил совға солом ва хадя харажатлари катта ўрин тутади. Хива хонлиги харажатлари ҳам шунга ўхшаш. Амирнинг харажатларида факат салтанат саройи билан боғланган бўлмасдан,

балки Россия шаҳарларига саёҳат уюштириш, овга чиқиш ва бошқа унумсиз харажатлар ҳам оз эмас. Салтанат саройи турли тантаналар ўтказиш, канизакларни сақлаш ва бошқа харажатлар улкан микдорларда маблағ сарфлаб мамлакатнинг ободончилиги, маданий-маиший меҳнаткашларнинг фаровонлиги билан боғланган харажатларга жуда кам микдорда маблағ ажратганлар.салтанат сарой харажатлари катта маблағ талаб қилган. Бухоронинг Страмахосадаги сарой учун 276.3 минг сўм маблағ сарфланган. Бундай саройлар кирим Кисловодск, Железноводск, Петербгад ва бошқа шаҳарлардаги тадбириларга ҳам сарфланган.

Хива хони қурилиш билан кам шуғулланса ҳам, лекин унинг хазина натурал хашар мажбуриятлари оркали амалга оширилган. Лекин Туркистонни Россияга қўшилгандан кейин эски харажатлар орасида янги тадбириларга сарфлар, айниқса совға-салом харажатлари янги мазмун касб этганлигини кузатамиз.

Бухоро амири ва Хива хонини ҳар гал Россияга сафари давомида миллионлаб маблағ совға-салом харажатларига сарфланарди. Бу харажатлар Россия билан ўзаро дипломатик муносабатларни яхшилаш, хатто жиноят изларини йўқотишга ёрдам берар эди. Бунга 1891 йилда Бухоро амрлиги молияси устидан назорат ўрнатиш ҳақидаги талаблар йўққа чиқарилган мисол бўла олади. Бу тадбир амалга оширилганда Бухорода молия ислохоти ўтказиши тузлаштириш мумкин эди.

Совға-саломлар билан бирга кейинчалик кўп микдорда тортиқ қилиш одат тусига киргани хатто биринчи империалистик уруш билан боғланган харажатларни қоплаш учун 1910 йилдан 1917 йилга қадар 296.5 минг сўм, 1916 йилда чор Россияси ставкасида бўлган Бухоро амири бир миллион сўм тотиқ қилганлиги бунга мисол бўла олади. Демак, совға-салом харажатлари ўз ривожланишида бошқариш ва харбий харажатларини таркибий қисмига айланганлигини кўрсатади. Хатто Хива хони вазири Ислам хожининг ўлдирилиш масаласини бости бости қилгани 40 минг сўм пул пора ва совға-салом тақдим қилингани бунга яққол мисол бўла олади. Лекин кейинчалик совға-салом тақдим қилиш тақиқланган бўлса ҳам, лекин бу буйруқда пора олиши рухсат этилган кишиларни фамилиялари кўрсатилгани айниқса қизиқарлидир. Демак, совға-саломлар янгича мақсадлар эски феодал тартибларни сақлаб қолиш мақсадларига хизмат қилган. Бухоро амирлигининг марказий бошқарув салтанатида олий хукмдор туриб, унинг фаолияти турли сиёсий агентлик Хива Амударё бўлими бошлиғи томонидан назорат қилинар эди. қушбеги амирнинг бош муовини, девонбеги зяket тўловиниундириш билан шуғулланар эди. Ҳар бир девонда юзлаб лавозимли кишилар қиласар эди.

Марказий хокимият ўз фаолиятини осонлаштириш учун марказлашмаган бошқаришни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берди. Бухоро амирлигига 27 беклик, Хива хонлигига 17 беклик мавжуд эди. Бекликлар тарихан шаклланган бўлиб, илмий жихатдан асосланмаган, иқтисодий хусусиятлари ва алоқалари, миллий белгилари эътиборга олинмаган эди. Бекликдаги асосий лавозимлар қози, раис, муфти, амир томонидан бегиланар, ҳар бир туманда миршаблар бозор оқсоқоллари бўлиб, бошқаришда

зякет тўловчи ёки амалдор марказий ўрин тутар эди. Ҳар бир беклика Бухорда Зтадан 25тагача амлокдор, Хива хонлигида масжид оқсоқоллари итоат қилар эди. Бундан ташқари мингбошилар, амирлар, арбоблар махаллий хокимиятнинг вакиллари сифатида турли вазифаларни бажаарар эдилар. Бухоро амирлигида махаллий хокимият доирасида 30 мингдан ортиқ киши хизмат қилган. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида хизматчиларга иш ҳақи тўлаш ҳақида турли адабиётлада келтирилган маълумотлар бир хил эмас. Буда асосан лавозимли шахслар билан 3 хил шаклда хисоб-китоб кўзда тутилади.

1. Ведомост орқали маош ёки совға-салом бериш.
2. Маълум лавозимлар хизмат қилувчиларга танҳо ажратиш, танходор беркитилган ердан олинадиган солиқни хазинага бермасдан, ўз хисобига ушлаб, ўз харажатлари учун ишлатар эди.
3. Кўрсатилган хизматига қараб ҳақ олиш (самокормление).
4. Хива хонлигида кўрсатга хизматлари эвазига ер солиғи ва турли натура мажбуриятларидан озод қилиш тартиби мавжуд эди, лукин шунга қарамасдан, хонликларга хизматга ҳақ тўлаш тизими бошқариш харажатларининг умумий миқдорини камайтириб кўрсатишга ёрдам берар, хазина даромадига натура етказар эди. Шу муносабат билан Туркистон Генерал губернаторлигида жорий қилинган штат оклад тизими хонликларнинг молиявий тартибиға жиддий таъсир кўрсатди.

Хива хонлигида 1910ва 1917 йилларда Бухоро амирлиги 1917 йилда штат оклад тизимиға ўтиш билан боғланган тадбирлар ўтказишга ҳаракат бошланган бўлса ҳам, кўпчилик лавозимдаги кишилар бу тадбирларга нисбатан кескин қаршилик кўрсатдилар, чунки бу тадбирлар бошқа ижтимоий-иктисодий тадбирлар асосида ўтказилмасдан факат маъмурий тадбир сифатида тақдим қилишга ҳаракат қилинган эди маъмурий-бошқариш харажатларининг таркибий қисми хорижий мамлакатлар билан алоқлар билан боғланган харажатлардир. Бундай муносабатлар Россия орқали амалга оширилгани учун Россия бюджети орқали ўтар эди.. лекин Бухородаги Сиёсий агентлик ва Амударё бўлими Россиядан маблағ билан таъминланганлигига қарамасдан Бухоро амирлиги хисобидан ҳам таъминланар эди. 1910-1917 йил маълумотлариға қараганда агентлик Бухоро хазинасидан ўрта хисоб билан 75 минг сўм нафақа олиб турган, Хива хонлиги Россия харбий комиссари харажати учун 1917 йилда хазинадан 156 минг сўм наафқа тайин қилинган.

Бухоро ва Хива хонликлари харажатларининг анчагина қисми сипохиларнинг харажатлари бўлиб, аслида ноишлаб чиқариш ва кераксиз хужжатлар хисобланар эди. Чунки хонликнинг хавфсизлиги Россия армияси томонидан амалга оширилар эди.

1907 йилда Бухоро хонлигида 2 баробарга қисқарган эди ва 1100 минг сўмни ташкил қилган эди. Хива хонлиги сипохийлар 1500-3000 кишидан ошмаган.

Бухоро амири ва Хива хони дин пешволарини қўллаб қувватлаган. Диний муассасаларга С.Айний маълумотлариға қараганда йилига 1 миллион сўмга яқин маблағ ажратилган. Улар солиқлардан озод қилинган. Хонликларда давлат даромадларини асосан ноишлаб чиқариш тадбирларига

сарфланиб, ишлаб чиқаришга жуда кам маблағ ажратилган. Хатто Россия сармоядрорларининг қарши чўлини ўзлаштириш, Хивадан Каспий денгизигача темир йўл қуриш ва бошқа лойиҳалар инкор қилинган. Фақат «Шеробод» хиссадорлик жамияти раҳбари харбий мухандис Ананьев билан 99 йилга тузилгна шартнома асосида ҳар йили 100 минг сўм ижара ҳақи тўланиб, 72.5 минг сўм десятина ерни суғоришга киришилган. Лекин XIX асрнинг иккинчи ярмида монополистик бирлашмалар давлат хазинасини ҳам ўз фаолиятига жалб қила бошладилар. Когондан бошлаб курилган темир йўл шахобчасининг 26.8 триллион сўм харажати Амир хазинаси ҳисобига қопланган. Амир бошқа темир йўл шахобчалари қурилишида ҳам иштирок этган, унинг маблағи ҳисобига 3 пахта заводи қурилганхаммаси бўлиб савдо саноат бирлашмалари фаолиятида амирнинг иштироки 100 миллион сўмга етган, хонликларни маблағлардан фойдаланишни янада кучайтириш мақсадида 1910-1917 йилларда 1913 миллион сўм қўшимча маблағ ўtkazilgan. Бу харажатлар орасида агрономларнинг иш ҳақи чигирткага қарши кураш, Зарафшон дарёсида сув иншоотларини яхшилаш ва бошқа харажатлар бор, лекин бу харажатлар Бухоро халқининг манфаати учун эмас, балки Туркистон харажатларини Бухоро зиммасига кўчиришдан бошқа нарса эмас, бу орқали туркистон хазина маблағларини тежаш мақсад қилиб қўйилган. Лекин шунга қарамасдан бу харажатлар Бухоро амирлиги иқтисодиётiga ҳам ижобий таъсир кўrsatdi. Масалан, чигирткага қарши харажатлар қанчадан-қанча экинларни сақлаб қолишга ёрдам берди. Лекин бу харажатлар ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга озгина бўлса ҳам таъсир кўrsatmadi. Бундан ташқари Россия таъсири билан маданий тадбирларга (мактаб маориф, соғлиқни сақлашга) маблағ ажратилган бўлса ҳам лекин бу харажатлар дengizdan bир томчи эди. Рус тузем мактаблари учун ажратилган харажатлар Россия учун кадр тайёрлашга, соғлиқни сақлаш учун ажратилган маблағлар Бухоро ёки Хева хонликлари халқи учун эмас, балки бу хонликларда истиқомат қилувчи рус фуқаролари манфаатини кўзлаб қилинган эди. Шунга қарамасдан маблағларнинг кам ажратилиши жаҳон жамоатчилиги диққатини ўзига тортди.

1914 йилда «Русская молва» газетасида «қирилиб кетаётган халқ» номли мақола эълон қилинди. Бу мақолада кўrsatilgan фактлар Бухоро амирининг соғлиқни сақлаш тадбирларига маблағ ажратишини кучайтиришга туртки бўлди.

Россия империясининг асосий мақсади хонликларни яrim мустамлакадан ҳақиқий мустамлакага айлантириш эди. Шу мақсадда Россияда 1909 йилдан 1914 йилгacha маҳsus комиссия ишлади. Комиссия қуйидаги молиявий ислоҳатлар ўtkaziшни таклиф қилди:

1. Солиқ соҳасида хирож тизимидан таноб тизимиға ўтиш. Келажакда Туркистон Генерал губернаторлигидагига ўхшаш солиқ тизимини шакллантириш.
2. Давлат бюджети тузиш ва Бухоро хукумати фаолияти устидан молия назорати ўрнатиш.
3. Бухоро армиясини тугатиш ва тежалган маблағларни ижтимоий-иктисодий тадбирларга сарфлаш.

4. Бир бекликтан иккинчи бекликка ўганда ундириладиган божларни бекор қилиш.

5. Бухоро амалдорлари учун штат оклад таркиби ва маошларини белгилаш.

Кўрсатилган тавсиялар асосида Логофет томонидан Бухоро амирлигининг бюджети тузилиб, унинг даромадлари 8 миллион, харажатлари 6.5 миллион дарамадларнинг харажатлардан ошган қисми 1.5 миллион сўм миқдорида белгиланди.

Бюджетнинг харажат қисми қўйидагича мужассамлаштирилган эди:

### I. Бошқарув маҳкамасини асраш харажатлари (Минг сўм хисобида)

1.	Маъмурий идора ва суд харажатлари	657.2
2.	Рус аскарларини сақлаш харажатлари	2500.0
3.	Отлик армияни асраш	614.4
4.	Амирга бериладиган нафака	1000.0
5.	Хизмат кўрсатган амалдорларга пенсия	40.0
6.	Акциз назорати	21.0
7.	Хазина ва омонат касса	72.0
8.	Ер ўлчаш ва солиқ комиссиялари	36.0
9.	Диний харажатлар	225.0
	Жами:	5165.6 (80.6%)

### II.Хўжалик харажатлари

1.	Ер ишлари, ирригация ва чигирткага қарши тадбирлар	330.0
2.	Йўл ўуриш ишлари ва уни бошқариш	180.8
3.	Алоқа, почта, телеграф	298.7
	Жами:	809.5 (12.6%)

### III. Маданий харажатлар

1.	Соғлиқни сақлаш харажатлари	322.0
2.	Ўқув юртларининг харажатлари	121.1
	Жами:	433.0 (6.8%)

Хаммаси: 6417.81 сўм (100%)

Келтирилган ракамларда бошқариш харажатлари 80%, шу ҳисобда ҳарбий харажатлар 50%, хўжалик харажатлари 12.6%, маданий харажатлар 6.8% ни ташил қилди.

Келиб чиқади:

- Бюджет тузилганида Туркистон Генерал губернаторлигининг жаромад ва харажат Росписи (рўйхати)дан андоза олинган.



2. Амирнинг харажати давлат харажатларидан ажратилган холда тузилган.бу орқали капиталистик бюджет муносабатларига дастлабки қадам қўйилган.
3. Бюджет штат оклад тизимиға ўтиш кўзда тутиб тузилган.
4. Бюджет лойихасида хўжалик ва ижтимоий-маданий тадбирлар харажатлар кўзда тутилган.
5. Бюджет харажатларида Бухоро ҳудудидаги рус қўшинларининг харажатлари кўзда тутилган.бу орқали Бухоро амирлигининг узил-кесил тўла мустамлакага айлантириш кўзда тутилган.
6. Бюджет лойихаси умумдавлат ва маҳаллий харажатларга ажратиб тузилган.
7. Бюджет лойихаси Бухоро солиқ ва йигимларини Туркистон Генерал губернаторлиги билан бир хил бўлишини кўзда тутиб тузилган.

Бухорода бу андрзада давлат бюджети тузилмаган бўлса ҳам, бу лойиха Россиянинг Бухоро ва Хива хорнликларига нисбатан мустамлакачилик сиёсати асосида Туркистон Генерал губернаторлиги бюджети билан ягона бюджетга айлантириш асосий мақсад эканлиги яққол ўз ифодасини топган.



## 7- мавзу: **Туркистон Генерал губернаторлигига давлат молияси Режа:**

1. Туркистон Генерал губернаторлиги молиясининг шаклланиши.
2. Туркистон бюджетининг даромадлари.
3. Туркистон молиясининг харажатлари.
4. Туркистон молиясининг салбий жиҳатлари таҳлили.

### **1. Туркистон Генерал губернаторлиги молиясининг шаклланиши.**

Жаҳонда биринчи бюджетлар Англияда XVII, Францияда XVIII асрнинг охирида, Россияда XVIII аср бошларида 1802 йилдан бошлаб тузила бошлаган бўлса ҳам, лекин Россия давлатнинг барча маблағлари 1862 йилдан бошлаб ягона давлат хазинасида мажассамлаша бошлаган ва касса ягоналиги, бюджетни тузиш, қараб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро қилиш тартиблари жирий қилинган эди.

Марказий Осиёга тобе бўлган 27 мамлакат даромад ва харажатлаининг ягона бюджетга айлантириш Амир Темур томонидан таклиф қилинган бўлса ҳам, унинг вафотидан кейин молияни бошқариш эскича хазина бошқариш усули асосида узоқ давом этди.

XIX асрнинг иккичи ярмидан бошлаб Россия Туркистонга нисбатан ўзининг босқинчилик сиёсатини амалга ошира ошлади ва бу тадбир билан боғланган харбий харажатлар йил сайин Россия бюджетида кўпроқ ўрин ола бошлади. XIX асрнинг иккичи ярмида Туркистон Генерал губернаторлиги ташкил этилиб, унинг ҳудуди Россиянинг Оврўпа қисмининг 2/5 қисмига тенг эди. Босиб олинган қўқон хонлиги, Бухоро ва Хива хонликларининг анчагина қисми Россия учун фақат хом-ашё ва табиий ресурслар манбаигина эмас, балки бюджетнинг даромад манбаи сифатида муҳим сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлди.

Шу муносабат билан Туркистон Генерал губернаторлиги молиясини шакллантиришда уч муҳим вазифа қўйилди.

1. Биринчи навбатда хонликларнинг забт қилинган ҳудудларида ўз валюталариқнига рус валютасини жорий қилиш.
2. Давлат молиясини бошқаришда бюджет-смета режимини жорий қилиш.
3. Мавжуд солиқ тизимини Россия солиқ тизими андозасига мослаб, тубдан ўзгартириш.

Дастлабки икки вазифани ҳал қилиш учун ўн йилдан камроқ вақт талаб қилинган бўлса ҳам, лекин учинчи вазифа муҳим иқтисодий масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли мустамлакачилик манфаатлари таркибида муҳим ўрин тутганлиги учун бир неча ўн йил талаб қилинди. Иккинчи масала 1869 йилда Туркистон хазина палатаси ва унинг маҳаллий бўлимларини ташкил қилиш бошланди.

1869 йилдан бошлаб Туркистоннинг даромад ва харажатлари Россия империсининг бюджетига қўшилди. Шу билан бирга, Туркистон Генерал губернаторлиги нинг биринчи бюджети тузила бошлади. Бу бюджетнинг даромад ва харажатларининг 1868 йилдан 1917 йилга қадар ўн йиллар динамикаси бўйича қўйидаги рақамлarda мужассамлашган:

Йиллар	Даромадлар	Харажатлар
1868	1204.9	3791.8
1878	3661.8	11757.4
1888	6468.1	9773.8
1898	8941.0	12272.3
1908	16342.7	16086.7
1917	33400.0	99000.0

Кўрсатилагн йилларда давлат даромадлари 17.6 баробар, харажатлари 21.7 баробар, шу хисобда 1913 йилдан 1917 йилга қадар 5.5 ва 19.8 баробар ошган.

Даромад ва харажатлар динамикасида Туркистон иқтисодиётидаги силжишлар солиқлар соҳасида амалга оширилган ислоҳатлар капиталистик муносабатларининг ривожланишида бюджетнинг роли ўз ифодасини топган.

## 2.Туркистон бюджетининг даромадлари

Туркистон бюджетининг даромадларининг асосий манбай Туркистонда хосил қилинган ялпи маҳсулот эди. 1913 йилда Туркистоннинг умумий маҳсулоти 738 млн сўм олтин сўм баҳосида бўлса, шундан 48.7% зироатчиликдан, 13% чорвачиликдан, 32.8% ни саноат маҳсулотлари ташкил қиласа эди.

Бу кўрсаткичларда пахта хом-ашёсининг хиссаси 23.5% бўлиб, пахта тозалаш саноати 22.3% эди. Иқтисодиётнинг ривожланиши дастлаб тўғри ва эгри солиқлар динамикасида ўз ифодасини топди.

1969 йилдан 1913 йилга қадар тўғри солиқлар 985.7 минг сўмдан 7865.0 минг сўмгача, яъни 8баробардан кўпроқ ошди. Эгри солиқлар 154.2 минг сўмдан 11303.1 минг сўмга кўпайди. Шу давр ичida тўғри солиқлар хиссаси 52%дан 34.14%гача камайди. Эгри солиқлар 8.2%дан 49.03%га кўпайди.

1913 йилда Туркистонда солиқларнинг умумий миқдорида эгри солиқлар 59%, тўғрилари 41%ни ташкил қиласа бўлса, бу кўрсаткичлар Россия бюджетида 83.5 ва 16.5%ни ташкил қиласа. Бу шу билан изохланадики Россияда бюджетидаги энг катта даромад акцизлар ва вино монополиясидан олинадиган даромад эди. Туркистон Генерал губернаторлигида эса қишлоқ хўжалигига олинадиган солиқлардан тушадиган даромадлар устунлик қиласарди.

Бу чоризмнинг Туркистонга нисбатан ўтказаётган мустамлакачилик сиёсатининг тўғридан тўғри натижаси бўлиб, мустамлака иқтисодиёт хусусиятлари билан боғланган. Акциз солиғини кўпайтиришга оид дастлабки тадбирлар муваффақият қозонмади. Масалан, хатто 1913 йилда Россия давлат бюджетида акцизлар ва спиртли ичимликлар сотишдан тушган даромадлар 36.3%ни ташкил қиласа бўлса, Туркистон Генерал губернаторлиги даромадлари сметасида мазкур кўрсаткич 7-11.3%дан нарига ўмади. Чунки

генерат губернаторликкнинг сметасига фақат Туркистон ҳудудида жойлашган заводлардан молия вазирлиги хазинасига тушган акцизлар ва спиртли ичимликлар сотишдар олинидиган йигимлар кирган. Лекин акцизлар умумий салмоқда оз булишига қарамай, туркистон аҳолиси бўйнига оғир юк бўлган. Акцизбоп Россия моллари Тукистонда сотилгани учун акциз йигимларининг каттагина қисми Россиянинг бошқа вилоятларига ўтқазилар, оғирлик эса, Тукистон аҳолиси зиммасига юкланаар эди. Бундан ташқари Туркистон фуқаролари асосан спиртли ичимлик истеъмол қилмас эдилар. Акцизлардан фарқли улароқ, божхона йигимлари кўпроқ ундирилар эди. 1993 йилда Россия давлат бюджетида жами божхона даромадлари 10,4 фоизни ташкил этган бир шароитда генерал-губернаторликнинг 1908-1913 йиллардаги сметаларида 27-29 фоизга тенглашган, чунки Туркистон Россия божхона ҳудуди чегарасига киритилгани (Бухоро амирлиги кейинроқ 1895 йилда) ижобий аҳамият касб этдики Россиянинг божхона пошлиналари хонлик даврида йифилганидан кўпроқ йифилди, масалан, 1906-1910 йилларда ундирилган барча божлар келтирилган жами моллар нархининг 30,5 фоизини ташкил қилди.

АқШдан келтириладиган пахтага божхона таърифлари оширилгандан кейин божхона пошлиналаридан даромадлар Россия бюджетидар Туркистон бюджети бутун хажмидан ҳам бир мунча кўпайди. Аммо улар унинг бюджетида ўз ифодасини кисман топди, холос. Умуман олганда 1913 йилда эгри солиқлар Туркистон Генерал губернаторлиги бюджети хажмининг қарийб ярмини ташкил этди. Юқори божхона пошиналари ва тақиқловчи таърифларни жорий этишдан мақсад маҳаллий саноатни қўллаб қувватлаш эмас, аксинча Урта-Осиёни метрополия молларини пуллайдиган бозорга айлантириш эди.

Капиталистик муносабатларнинг ривожи ва хазина манфаатлари эгри солиқларнига эмас, тўғри солиқларни ҳам қайта қўриб чиқишини талаб қиласди. Чор хукуматининг бу борадаги дастлабки тадбирларидан бири – савдо ва майда хунармандчилик билан шуғулланиш хуқуқини олиш учун пошлиналар тўлаш тўғрисидаги 1865 йилги умум Россия Низомини Туркистонга жорий этиш (бу ҳам рус савдо сармояси манфаатлари йўлида) бўлди.

XIX асрнинг 90 йилларидан бошлаб Россияда молия капитали вужудга келиб, ривож топа боргани сайин Туркистоннинг метрополия билан иқтисодий алоқалари кучайди. Бу маънода темир йўлларнинг қурилиши катта аҳамият касб этти. 1914 йилгача Туркистоннинг фақат тўртта вилояти ўзида савдо ва саноат муассасалари сони 84 тадан 802 тага етди. Буларнинг хаммаси касб-хунармандчилик солиғи тушумининг ошишига олиб келди: 1888-1913 йиллар орасида бу тушум қарийб 3 баробар ортти.

Закот ўрнига хунармандчилик солиғининг жорий этилиши унинг регрессив хусусияти хисобга олинса ўша давр Туркистон шароитида Россиядан арzon фабрика молларини Туркистонга келтирувчи йирик фабриканлар ва савдогарларга имтиёзли солиқ белгиланганлигини, айни пайтда майда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва савдогарларнинг нисбатан катта солиқقا тортилганлигини ифодалайди.



Шундай қилиб, акцизлар ҳам, хунармандчилик солиғи ҳам генерал губернаторлик даромадларини аҳамиятсиз ўринда бўлсада, улар меҳнаткаш аҳоли турмушига, иқтисодиёт ривожига жиддий таъсир қилди. Улар мустамлакачилик сиёсатининг кучли қуроли бўлиб қолди.

Генерал губернаторлик даромадларида солиқсиз даромадлар муайян улушга эга эди. 1913 йилда асосан маъмурият ва савдо аппаратига ҳизмат кўрсатувчи почта ва теллеграфдан (1462 мингсўм) олинган даромад энг катта солиқсиз даромад бўлди. Иккинчи ўринни ўрмонлардан (916 минг сўм) даромад эгаллади. Конлардан келадиган даромадлар йилига 30-35 минг сўмдан ошмаган.

1913 йилда генерал губернаторлик сметасида давлат хўжалигидан олинган солиқсиз даромадларнинг ҳаммаси қўшилганда бор йўғи 17%га етди. Солиқсиз даромадларнинг ўзига хос хусусияти шунда эдики, 1869 йилдан 1900 йилгача давр мобайнида генерал губернаторлик сметаси бўйича Хива ва Бухородан товон олинган. Уларнинг бюджетдаги улуши 1869 йилдаги 18.1%дан 1874 йилда 3.81 ва 1899 йилда 1.81%га тушиб қолди. Темир йўллардан даромад ундириш генерал губернаторлик сметаси бўйича (1888 йилдан 1898 йилгача бўлган давр бундан мустасно) ўtkазилмаган.

Туркистон Генерал губернаторлиги даромадлар сметасининг асосини деҳқонлардан ундириладиган оғир солиқлар ташкил этарди. Чор хукумати Ўрта Осиёда ер муносабатлари ва қишлоқ хўжалигидаги солиқларнинг мураккаб ва ўзига хос тизимиға тўқнаш келиб, уни аста секинлик билан ўзгартира борди. У аввалига деҳқонларга солиқни камайтирди. Ер муносабатлари мураккаблиги боис ер солигининг хирож ва таноб тизимида дастлабки пайтда сақлаб қолинди. Хукумат уларга иқтисодий аҳамият касб этган айrim ўзгартиришларни киритиш билан чекланди. Солиқларни ўтрок аҳоли учун ҳам, кўчманчилар учун ҳам фақат пулда тўлаш татиби ўрнатилди. Чор хукумати қишлоқ хўжалигига солиқ ислоҳатига ер муносабатлари соҳасида бир қатор тадбирларни амалга оширгандан кейин киришди. У барча ерларни давлатга тегишли деб эълон қилди ва шу пайтгача ишлаб келганларга фойдаланишга топширди.

Имтиёзли ерлар ҳам давлатники деб тан олиниб, умумий асосларда хирож тўлаб фойдаланиш учун деҳқонларга топширилди. Фақат вакф ерларинининг анчагина қисми айrim вилоятларда эгаларида сақланиб қолинди.

Лекин шу асосда деҳқонларни солиққа тортиш бўйича ўтказилган ислоҳатлар хирож ва танобни янги солиқ тизими билан алмаштириш лозимлигини тақза қилди, чунки бу йўналишда амалга оширилган тадбирлар етарли натижа бермади.

Туркистонда қишлоқ хўжалигига солиқ тизимини шакллантириш 1886 йилда қабул қилинган Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низомдан сўнг ўтказилган солиқ - ер ўлчашлари билан боғлиқидир. Низомнинг 285-моддасига мувофиқ аҳоли истъиқомат қиласидиган ва қилмайдиган, лекин хусусий мулқдорлар, жамоалар, ташкилотлар доимий эгалиги ва фойдаланишидаги ерлар солиққа тортилган. Соиқ оклади 6 йил муддатга, яъни навбатдаги ер ўлчаш ишлари бошлангунга қадар белгиланган солиқни хисоблаш учун ўртacha ялпи даромад белгиланган. Бу даромадни хисоблашда қуйидагилар эътиборга олинган:



1. Экин экиш учун ишлов бериладиганер майдони.
2. Улардан олинадиган ўртача хосил.
3. Шу майдонда ўстириладиган асосий, мазкур участканинг даромадини таъминлайдиган экин маҳсулотларининг кейинги 10 йил ичидағи ўртачи маҳаллий нархи пахта майдони даромадлилиги ғалла олиниб, экинларнинг даромадлилигига баровар ҳисобланган.

Солиқ миқдори ўртача ялпи даромаднинг 10% ини ташкил қилган. Лалми ерлардан солиқ ундиришда хонлик давридаги тартиб сақлаб қолинди. қишлоқда кимга қанча солиқ солинишини қишлоқ жамоасининг ўзи белгилаши лозим эди. Ушбу тизим дехқонларни солиққа тортишдаги ўзбошимчаликни қонунлаштириб, камбағаллар ва ўртача хўжаликларни оғир ахволга солиб қўйди.

Махаллий аҳоли бир пайтлар фойдаланишдан воз кечган ерларга ҳам солиқ солина бошлади. «Ердан воз кечишни, - деб ёзган эди «Туркистанский ведомости» рўзномаси 1905 йилда, - ерга эгалик қилишдан воз кечиш деб эмас умуман бунга йўл қўйиб бўлмайди, балки, норозилик деб, эхтимол, кутилмаган норозилик деб, бироқ, ер солиғи қоидасини амалга оширишдаги тартибсизлик ва тўла бебошлиқка қарши норозилик сифатида қарамоқ керак».

Солиқли участкадан олинадиган асосий дехқончилик маҳсулотларининг нархлари эркин белгиланган, зеро нархларни статистик йўллар билан тўғри хисобга олиш йўлга қўйилмаганлигидан тасодифий, текширилмаган, кўпинча эса, уезд бошлиқларининг ён дафтаридаги маълумотлар асос қилиб олинган.

Солиқ - ер ўлчаш комиссияларининг ернинг сув билан таъминланганлик даражасини хисобга олмасликлари ахволни баттар оғирлаштиради. Ер ўлчаш ишлари оқибатида солиқ суммаси анча аксарият холларда кўп марта кўпаярди. Бу кўрсаткич самарқанд вилояти Даҳбед қишлоқ жамоасида 15 баробар ошган. Шу билан бирга, чор хукумати кўчириб келтирилган рус хўжаликларига катта имтиёзлар берди. Улар бир ботмон ердан атиги 30 тийин оброк солиғи тўлашарди. Даастлабки 5 йилда эса умуман солиқдан озод бўлишиб, кейинги 5 йиллиқда солиқнинг ярмини тўлашган, холос. Юферовнинг маълумотларга қараганда бундай хўжаликларнинг бир ботмонига 50 тийиндан солиқлар тўғри келгани холда, махаллий аҳоли бир ботмон суғориладиган ер учун 7сўм 80 тийин тўлаган.

Кўчманчиларни солиққа тортиш эса, бошқа тарзда ҳат этилган: Бухоро амирлиги ва қўқон хонлигининг собиқ ҳудуджида молнинг 1/40 қисмини солиқ сифатида тўлаш ўрнига 1867 йилда ўтов йиғими жорий қилинди. Унинг суммаси 1 та ўтовга 2 сўм 75 тийин хисобидан овуллар бўйича белгиланган. 1892 йилда йиғим миқдори битта ўтовдан 4 сўмгача кўпайтирилди. Натижада солиқ суммаси 1868 йилдан 1900 йилга қадар 728,3 минг сўмдан 1571 минг сўм, яъни 2 баробар ошди. Бошқача айтганда 2 баробар кўтарилди.

Шаҳар аҳолисидан олинадиган маҳаллий солиқ ва йиғимлар қишлоқ аҳолисидан олинадиган тўловлардан фарқ қиласи эди, қишлоқ фуқаролари кўрсатилган асосий солиқлардан ташқари хашар шаклидаги турли натура мажбуриятларига сафорбар қилинар, земство йиғини деб аталган маҳаллий

гўловларни бирлаштирган майда йифимлар топширар эди. Маҳаллий солиқ ва йифимларнинг шаҳарларда кўплигига сабаб шаҳарларда саноат корхоналарнинг камлиги (Тошкентда асосан аптека ва қўнка) бўлиб, энг кўп тушум иморат баҳосига қараб олинадиган баҳолаш йифими хисобланар эди. Тошкентга ўхшаш шаҳарларда шаҳар ерли аҳоли ва кучайиб келган аҳоли қисмларига бўлингани учун энг кўп даромадлар ерли аҳоли химмасига юкланар эди. Бундан ташқари жамоа йифимлари мавжуд бўлиб, жамоа йифимлари земство йифимларига деярли teng келар, мажбурий жамоа йифимларидан ташқари, ихтиёрий, аммо, мажбурий тўловлардан ошиб кетадиган йифимлар ҳам мавжуд эди. Уларнинг хаммаси Туркистон аҳолисига солинадиган солиқ россияницидан бир неча баробар кўп бўлганлигидан далолатберади. Бу хақидаги ҳақиқий баҳони Фарғона вилояти солиқ инспектрлариниг журналида учратиш мумкин. Унда Туркистоннинг битта аҳолиси жон боши ҳисобига ўртача 1 сўм 35 тийиндан солиқ солинади, дейилади. «Ушбу солиқларнинг ўртача миқдори, - деб таъкидланадиган журналда, - бутун чор россиясида атиги 45 тийинни ташкил этганлиги эътиборга олинадиган бўлса, бу нихоятда катта юkdir».

Биринчи жаҳон уруши даврида солиқ зулми янада кучайди.chor хукуматининг янги солиқлар тўғрисидаги, шунингдек, эски солиқлар ставкаларини ошириш хақидаги қонунлари Туркистонда ҳам амал қила бошлади.

Бундан ташқари, 1914 йил 12 ноябрдаги қонун бўйича Туркистон ўлкаси учун Ўрта – Осиё темир йули ва бошқа йўлларнинг станцияларида, пристанлар орқали ташиладиган пахтанинг хар пудидан 2 сўм 50 тийиндан алоҳида муваққат солиқ белгиланди. Чой ва бошқа товарларга ғам бож тўловлари оширилди.

1915 йил 6 январдан бошлаб, ўлка маҳаллий аҳолиси ҳарбий мажбуриятни бажариш ўрнига ҳарбий солиқقا тортилди. Юарбий солиқ барча турдаги тўғри солиқлар суммасининг 21 % и миқдорида ундирилди. У билан бирга Туркистонда Россияда чиқарилган ҳарбий заёмларнинг барча турлари тарқатилди.

1916 йилда ғайриконуний йифимлар ва пораҳўрлик шу қадар авж олиб кетдики, Туркистондаги пораҳўрлик хақидаги маҳсус сўров Давлат Думаси мухокамасига қўйилди. Дума ушбу масалани ёпиқ эшиклар ортида тинглашга мажбур бўлди.

1916 йил 16 сентябрда Туркистон генерал губернаторимансабдор шахсларни пораҳўрлиги учун ҳарбий давр қонунлари буйича жавобгарликка тортиш тўғрисидаги буйруққа имзо чекди.

Юқорида санаб ўтилган барча ҳарбий-молиявий тадбирлар солиқларнинг оғирлашиши билан биргаликда 1916 йил миллий озодлик қўғолони бошланишига жиддий туртки берди.

### **3. Туркистон генерал губернаторлигини давлат харажатлари**

Марказий Осиёнинг Россия томонидан забт қилганига қадар қўқон хонлигининг харажатлари феодал давлатининг харажатлари сифатида Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги харажатлари таркибидан асосан фарқ қилмас эди. қўқон хонлигини тугатилиши Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги

худудларининг анчагина қисмини Туркистон генерал губернаторлиги киритилишидан ва сифат ўзгаришлари асосида харажатларини янгидан шаклланишига сабаб бўлди. Агар хонликлар харажатларида сарой салтанати ва хоннинг шахсий харажати катта ўрин тутган бўлса, Туркистон генерал губернаторлиги харажатларида марказий Осиёнинг Россия мустамлакасига айлантириш билан боғланган харажатлар энг кўп хиссани ташкил қилди.

Бюджет харажатлари 1868 йилдан 1913 йилга қадар 3,8 миллион сўмдан 1913 йилда 23,2 миллион сўм., яъни 1917 йилга қадар 26 баробар ошли. Айниқса бу харажатлар бу импералистик уруш бошлангандан кейин 1913 йилга нисбатан 4 баробар кўпайди ва 99 миллион сўмни ташкил қилди.

Бу харажатлар орасида жабр зулм ва бошқариш махкамаларининг харажатлари умумий харажатларнинг 80% дан ортиқ бўлиб, фақат айrim йиллардагина 60% дан кам бўлган, Чор хукуматининг 1867 йилда ўлкани бошқаришни ҳарбий бошлиқлар қўлида марказлаштириб, 1886 йилда Туркистоннинг бошқариш бўйича Низом қабул қилди. Бошқариш ҳарбий вазирлик томонидан амалга оширилиб, Туркистон генерал губернатори унга итоат қиласи ва подшоҳ томонидан тайинланар эди. Бошқариш ташкил қилишда ички ишлар, молия, адлия, давлат назорати вазирликлари хам бевосита иштирок этар эдилар, Туркистонда хизмат қилувчи амлдорлар юқори миқдорларда маош олиб, уларга хилма-хил имтиёзлар берилар эди. Бошқариш харажатларига фавқулодда харажатлар ва сир тутилган харажатлар ҳам кирад, уларнинг ҳисобидан бошлиқларга совфа-салом тақдим қилинар, генерал губернаторга боғлар ва хиёбонлар қуриб берилган эди. Курсатилган енгилликларга қарамасдан амалдорлар орасида порахурлик, маблағларни ноқонуний ўзлаштириш авжига чиқкан эди. Жабр зулм ва бошқариш харажатлари билан мустамлака сиёсатини амалга оширишда бошқа харажатлар ҳам муҳим роль ўйнайди. бу харажатлар орасида қишлоқ хўжалиги ва темир йўл қурилиши билан боғланган харажартлар катта ўрин тутар эдилар.

Бу харажатлар халқ хўжалиги учун ажратилган маблағлар деб кўрсатилса ҳам, лекин улар мустамлакаликни куяйтиришга хизмат қилган эди. қишлоқ хўжалигига ажратилган маблағлар 90 йиллардан бошлаб, тез ошиб, 1895 йилда 121,5 минг сўмдан 1913 йилда 4583 минг сўмга, яъни 38 баробар ошли. Бунга сабаб чор Россияси рус дехқонлар орасида норозиликни пасайтириш мақсадида уларни Туркистонга кўчириб келтириш ва уларни жойлаштиришга келтирилганлар учун янги ерлар очиш ва агрономия ёрдамини ўюштиришга сарфланар эди.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигига ажратилган маблағлардан ерли аҳоли баҳраманд бўлмасдан кўчириб келтирилганларга енгилликлар туркистоннингдирилар эди, шунга қарамасдан бу харажатлар Россиянинг хорижий мамлакатлардан пахта қарамлигини камайтиришга ёрдам бермади. ҳисобларга кўра бу мақсадларга 10-15 йил ва 700 миллион маблағ талаб қилинар эди, лекин 1895 йилдан 1917 йилга қадар бу йўналишда хаммаси бўлиб 36 миллион сўм ажратилди. Шу давр ичida ҳарбий харажатлар 219,2 миллион сўмни, яъни 5 баробар ортиқ суммани ташкил қилди. Агар ҳарбий харажатлар

кишлөк хўжалигига сарфланганда Россия пахта бўйича хорижий қарамлидан миқбесул холос бўлган бўлар эди.

Шуни айтиш керакки халқ хўжалигига ажратилган маблағлар дастлаб стратегия ва иқтисодий мақсадларни кўзлар эдилар. Ўрта –Осиё темир йўл тармоқларининг 90 % га яқини хазина ҳисобига қурилди. Бу темир йўллар 1908 йилга қадар Россияга 483 миллион сўм даромад келтирганлигини айтиш кифоядир. Бу харажатлар хом-ашёларни Туркистондан олиб кетишни арzonлаштириб, мулкдорлар фойдасига фойда қўшди. З-хужалик вазирлиги савдо ва саноат вазирлигининг харажатлари ўрта ҳисоб билан 0, 16 % ни ташкил қиласиди, бу вазирлик саноат-савдо корхоналар фаолияти устидан назорат олиб борар эди. Бюджетдаги янги ўзгартиришлардан бири маданият учун маблағлар ажратилганлигидир. Бу харажатлар 1876 йилда барча харажатларни 0,5 % ини ташкил қилиб 1913 йилда 974, 4 мингтсўмга ошди ва бюджетда 4,2 фоизни ташкил қилди. Бу харажатлар Россиянинг марказий губернялари билан солиширганда уларни мустамлака характеристи намоён бўлади. Марказий губерняларда жон бошига 30-33 тийинга тўғри келса Туркистонда 6,5 тийинга тўғри келган, Россияда хар минг кишиги 50-56 талаба тўғри келса Туркистонда 2 дан 12 талаба тўғри келган.

Бу харажатлар хам кўчириб келтирилган рус талабалари учун сарфланиб, рус тузум мактабларида ерли талабалар кам миқдорни ташкил қиласиди, ерли талабалар эски таълим тизими асосида савод чиқариб, ўқув харажатларини уларнинг отоналари қоплар эди.

Туркистонда маориф ишларига қайта кўришга Россия киришмаганлигига сабаб ўлкада янгича мактабларни ташкил қилишга 10млн. сўм талаб қилинар эди. Хукумат ҳарбий харажатларга катта маблағ ажратса ҳам маориф тадбирларига 1 млн. дан ортиқ маблағ ажратиш, кўпайтиришни лозим топмади, чунки хукумат мустамлака халқларини саводсиз, илмсиз, маданиятсиз сақлашни афзал кўтаради. Соғлиқни сақлаш тадбирлари маориф тадбирларига қараганда ҳам заиф эди. Фақат эпидемия касалликларини олдини олишга кўпроқ маблағ ажратилар, 1914 йилда бу харажатлар жон бошига 9-14 тийинга тўғри келарди. Россияда 56-66 тийин сарфланар эди. Шу сабабли Фарғона вилоятида 50 минг кишига 1 врач, қорақолпоғистонда 250 минг кишига 1 врач тўғри келар эди.

Туркистон Генерал губернаторлигининг харажатларини Россия империяси харажатлари билан солиширганда Туркистоннинг мустамлака йўналиши айниқса яққол кўринади.

Харажатлар	Россия		Туркистон	
	1812	1913	1812	1913
1. Бошқариш, жабр-зулм, шу хисобда ҳарбий	44.3 22.2	47.2 24.4	79.6 57.6	74.7 53.4
2.Халқ хўжалиги	25.4	27.3	16.0	21.2
3. Маориф	3.7	4.2	4.4	4.1
4. Бошқа харажатлар Шу хисобдан фавқулодда	26.6	21.1	-	-

Барча харажатларни солиширган Туркистон бюджет харажатлари Империя харажатларини 0.7%ни, худуд жихатидан эса Туркистон россия худудининг 8.4, ахолисининг 4.9%ини ташкил қилгани бюджетнинг мустамлака характерини чуқур тахлил қилишга ёрдам беради.

#### **4. Туркистон молиясининг салбий жиҳатлари таҳлили.**

Туркистоннинг Россия худудига киритилиши ўлканинг ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланишига ижобий турткি бўлди. Темир йўл қурилиши метрополия билан иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга Туркистонни Россиянинг хом-ашё базасига ва даромад базасига айлантиришга имконият яратди.

Лекин шунга қарамасдан Туркистон забт қилинган йиллардан бошлаб Россиянинг хукумат доираларида Туркистон Россия учун моддий зарар келтирувчи мустамлака, унинг ривожланиши учун маблағлар чиқариш натижага бермайди деган мулоҳазалар авж олди.

Бу ерда гап Туркистоннинг молиявий жиҳатдан харажатларини даромадларидан ошиб, тақчиллик билан хаёт кечираётгани, унинг иқтисодий жиҳатдан фойдасиз мустамлака деган фикрлар тез-тез тилга олинди. Бу фикрга исботи учун давлат даромад ва харажатлари баланс қилиб олинди.

Лекин, ҳаққатда расмий балансларда Россия ва Туркистоннинг ҳақиқий муносабатлари бузиб кўрсатилар эди. Бунда Туркистон ахолисининг даромадлари, тўлаган солиқлари камайтириб, иккинчи томондан Туркистонга алоқаси бўлмаган харажатлар ҳам кўрсатилар эди.

Масалан 1905 йилда бюджетдан Туркистонда 45 батальион ва бошқа ҳарбий уюшмаларни ҳисоблагандан 63 минг киши таъминот олган. Бу харажатлар Туркистонбюджети ҳисобидан қопланган.

1913 йилда ҳарбий харажатлар хиссаси Россияга нисбатан 2,5 баробар ортиқ бўлган.

Агар Туркистондаги ҳарбий харажатларни Россия бюджетидаги ҳарбий харажатлар хиссаси орқали 1968 йилдан 1913 йилгача (1881-86 йилларга доим маълумотлар йўқ). Кўрсатилган 144 миллион дефицит ўрнига даромадлар харажатлардан 72 миллион сўм ошганлиги равшан бўлади.

Бу фақат битта тузатиш эмас. Бошқа маълумотларни ҳам эътибога олиб тузатиш киритсак Туркистон даромадларини харажатларидан ортиқ бўлганлигини исботлаш қийин эмас. Масалан акциз йифими фақат Туркистондаги корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотлар бўйича олинган. Россия корхоналаридан келтириб сотилган маҳсулотлардан тушган акцизлар Россияга қўшимча даромад берганлиги айниқса кўзга яққол ташланади. Темир йўл даромадлари 1898 йилгача кўрсатилган, маълумки 1899 йилдан бошлаб бу даромадлар янада кўпайган.

Айни вақтда янги темир йўл қуриш харажатлари 1996 йилдан олдин ва кейин Туркистонбюджети орқали ўтган ва хатто айрим харажатларни 42 % ини ташкил қилган.

Бошқариш харажатлари ҳам тузатишни талаб қиласди. Бу харажатлар орқали амалдорлар таъмин қилинган ва уларга имтиёзлар берилган.

Бундан ташқари хазинанинг бошқа худудларидаги даромадларни ҳам ҳисобга олиш керак. Бу даромадлар хосил бўлишига Туркистон сабаб бўлган хорижий мамлакатлардан ташиб келтирилган пахта учун тўланган бож фақат 1879 йилдан 1886 йилгача 203 миллион сўмни ташкил қилган. Бу бож 1886 йилдан кейин ҳам тўланган.

Бундан ташқари қўқон хонлиги тугатилгандан кейин пул зарб қилиш, униг ўрнига Россия валютаси киритилгани натижасида 155 имнг сўм даромад олингани қайд қилинган: Бухоро ва Хева хонликларидан экспорт қилинган хомашъёдан келган даромадларни ҳам эътиборга олиш керак. Битта қоракўл савдосидан 15 миллион даромад олинган, шундан 1 миллион сўми бюджетга тушган.

Туркистоннинг ҳисботида 1895-1897 кейинги йилларда Туркистон туфайли мамлакатнинг ҳар йили 40 миллион сўм маблағи тежалаётгани ва бунинг натижасида сўмнинг қиймати ошаётгани айтилган.

Биз фақат айрим рақамларни келтирдик. Буларни ҳаммасини эътиборга олганда Туркистон юқорида келтирилган Туркистоннинг Россияга нисбатан фойда бермайдиган мустамлака деган назарияни асоссиз эканлигини кўрсатади. Туркистон Россия Буржазияси ва хукумати учун энг сердаромад мустамлака бўлган шу сабабли Россия молия вазири Вышне градсийнинг Туркистон Россия шахсининг тожида сезиларди олмос дегани бежиз эмас.

1906 йилдан бошлаб бюджетдаги дефицит тугатилди даромадлар харажатларга нисбатан ошиб бора бошлади. Лекин бундай актив баланс ҳарбий харажатларни камайиши давлат корхоналари мулкларидан келган даромадлар ҳисобидан эмас, балки ер ўлчаш ишлари натижасида ер соли бини 2-3 баробар кўпайиши темир йул қуриш харажатларини камайиш ҳисобидан амалга оширилди.

Лекин бюджетни тахчиллиги узоқ давом этмади. 1-импералистик уруш Туркистон маблағларини қушимча равишда сафарбар қилишри талаб қилди.. 1915 йилда ҳарбий харажатлар 2 баробар ошли. 1917 йилда даромадларни харажатларга нисбати 1:3 ҳисобида бўлди. Лекин бу хол Туркистоннинг молиявий жихатдан фойда келтирмайдиган ҳудудлиги сабабли эмас, балки ҳарбий вазият натижасида эди. Уруш юқоридаги назарияни асоссиз эканлигини яна бир маротаба кўрсатди. Бундай асоссиз даволар солиқларни кўпайтириш ва Туркистонга нисбатан марказий хукумат махакмаларини салбий муносабатлари энг зарур тадбирларга ҳам аkm маблағ ажратишни сақлаш учун лозим эди.

## 8-мавзу: 1917-1924 ва 1925-1941 йилларда Ўзбекистон Республикаси молияси Режа:

1. Ўзбекистон молияси шиддатли ўзгаришлар шароитида;
2. 1917-1924 йилларда Ўзбекистон молияси.
3. Ўзбекистон молияси 1925-1941 йилларда

### **1. Ўзбекистон молияси шиддатли ўзгаришлар шароитида.**

Ўзбекистон янги тарихнинг II китобида кўрсатилганидек, 1917 йилнинг октябрида большевиклар зўрлик билан амалга оширган тўнтариш сабиқ иттифоқ халқлари, шу жумладан Ўзбекистон халқлари тарихидан сал кам 75 йил давомида этган янги мустамлакачилик даврини бошлаб берди, натижада чор мустамлакачилик империяси ўрнини «қизил империя» эгаллади.

Мустабид тузум Ўзбекистонни марказ таркибидаги мустамлака сифатида ўз исканжасида доимий сақлаб қолиш ва уни метрополиянинг хом ашё базаси ва маёсулот бозори сифатидаги холатини янада мустахкамлаш учун октябрь тўнтаришининг дастлабки кунларидан бошлаб сабиқ Туркистон Генерал губурнаторлиги худудида шаклланган давлат молиясини ўз мақсадларини амалга оширишга қарата бошлади.

Давлат молияси Туркистон халқлари яратган бойликларини метрополия манфаатлари учун фойдаланишнинг муҳим воситаларидан бири эди. Шу сабабли Туркистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми бўлган молия муносабатларини янги шароитларга мослаштириш, давлат ахамиятидаги тадбирлардан бирига айланган эди. Олдинги бобларда кўрсатилганидек, Октябрь тўнтариши Туркистоннинг молиявий ресурслари I-империалистик уруш тадбирларига сафарбар қилинган эди. Солиқ вай иғимлар қонуний ва қонунсиз тўловлар тўхтовсиз оширилганига қарамасдан давлат харажатлари даромадларига қарагандан З баробар кўпайиб, 99 млрд сўмни ташкил қилган эди. Шу муносабат билан, давлат хазинасига ким эгалик қилиши ва унинг қандай ресурслар асосида тўлдириш долзарб масалага айланган эди.

1918 йил 20 апрелида Тошкентда очилган советларнинг V ўлка съезди РСФСР билан Туркистоннинг сиёсий ва иқтисодий муносабатларини расмийлаштириб, Туркистоннинг Россия таркибидаги автоном республика деб эълон қилди ва кейинчалик олтинчи съездда қабул қилинган Туркистон Конституцияси. Туркистонга РСФСР доирасида ўз бюджетини белгилаш, солиқлар ва заёмлар чиқариш хуқуqlарини берди, бу тадбирларни янги синфий муносабатлар асосида амалга ошириладиган бўлди.

Бу йиллардан ўлқадаги харбий иқтисодий вазият жуда мураккаб эди. Фуқаролар уруши туфайли Туркистон халқа ичидаги қолиб, харбий жихатдан ҳар томонлама ўраб олинган, жойларда қад кўтарган совет хукуматининг дастлабки хокимиютини мустахкамлаш учун иқтисодий, мадани йва бошқариш тадбирларини амалга ошириш молиявий масалалар билан чамбарчас боғланган эди.

Дастлабки жойлардаги махаллий хокимият ўз холика молиявий тадбирларни амалга ошира бошлади. Лекин, мусодара қилингандык фабрика ва заводлар, банклардаги ресурслар контрибуция кутилган натижани бермади. Совет хокимиятини биринчи йилларда РСФСРда қатор солиқлар жорий қилиниб, бюджетте ундирилган эди. Лекин, Туркистан халқа ичидә қолгани учун солиқлар хақидаги РСФСР қонунлари Туркистонған етиб келмади. Солиқларни түпласаң да ундириш билан шуғулланувчи махкама бўлмаганлиги туфайли хатто РСФСРда жорий қилинган 10 млрдли фавқулодда инқилобий солиқ ҳам амалга оширилмади. Факат кейинчалик Туркистонга 1919 йил охирида (Турккомиссия) солиқлар бўйича бош бошдоқликни тутатиш мақсадида қатор тадбирлар ўтказишга киришди.

Бу йўналишда Туркистан даромад ва харажатларини РСФСР билан таққослаш молиявий кескинликнинг жиддийлигини яққол кўрсатади.

Ушбу даврда даромадларнинг харажатларга нисбати қўйидагича бўлган, (фоизда):

	РСФСР	Туркистан республикаси
1918	33.4	1.3
1919	22.8	1.8
1920	13.0	0.09

Агар 1918 йилда РСФСРда бюджет дефицити 66,6% бўлган бўлса, Туркистонда етишмовчилик барча захаржатларни 99,7% ини, 1919 йилда 98,2, 1920 йилда 99,9 фоизни ташкил қилган эди.

Олдинги йилларда бюджет дефицити қоғоз пул хисобидан қандирилиб, Туркистонга марказдан маблағ жўнатилар эди. Фуқуролар уруши туфайли темир йўллар кесиб қўйилгани сабабли, қоғоз пулларни, хатто Каспий денгиз орқали ҳам жўнатиш кутилган натижани бермади.

Оқибатда Марказнинг кўрсатмасига асосан 1918 йил 3-сентябрдан бошлаб РСФСР хукумати Туркистан халқ банкига 200 млн сўмга қадар Туркбон (Туркистан миллий пул бирлиги) чиқаришга рухсат берди.

Мустақиллик учун қурашни босмачилар харакати асосида кучайиши фуқаролар урушининг бошқа қўринишларида давом этгани, Туркистонда тайёрланган ғаллаларни бозор баҳосидан нисбатан кам сотилиши ва бюджетта даромад сифатида ўтказилмаслиги, махаллий хокимият харажатларининг ошиб бориши қоғоз пул чиқариш (эмиссия) лимитини узлуксиз оширишга сабаб бўлди. 1920 йил 10 сентябрда пул зарб қилиш лимити 75 млрд сўмга етказилди. қоғоз пул эмиссияси 30 ой давом этти. Шу давр ичидә РСФСРда муомилага чиқарилган қоғоз пул 24 баробар ошган бўлса Туркеспубликада 190 баробар кўпайди. 1920 йил декабрига келиб Туркбон жон бошига хисобланганда РСФСРга нисбатан 2 баробар ошди, урушдан олдинги йилга нисбатан 3500 баробар ошди. Эмиссиянинг тўхтовсиз кенгайиб бориши бюджет хажмига кучли таъсир кўрсатди. Бюджет хажми (номинали) 1920 йил августига қадар 4 минг баробарига ошди, холбуки шу давр ичидә РСФСР бюджети 285 баробар кўпайган эди, шундай қилиб Туркистан бюджетининг номинали РСФСРга нисбатан 14 баробар кўпайди.

Пул муносабатидаги мураккаб ахвол Туркистондаги иқтисодий ахволнинг муракаблигинг бетакрор кўрсаткичи эди десак янгишмаган бўламиз. Бу молиявий кризисдан қутулмасдан туриб, Туркистон халқ хўжалиги тадбирларини амалга ошииш мумкин эмас эди. Шу муносабат билан пул ислохотини ўтказиш Туркитон ва РСФСР молия сиёсатининг долзарб масалаларидан бирига айланди.

Пул ислохотини ўтказиш йирик эмиссия маркази Тошкентдан бошланмасдан вилоятлардан бошланди. 1919 йил 24 июля Андижонда, 1919 йил 9 августида Ашхобот эмиссиясини мувоффақиятли тугатиш якунланди. РСФСР хукуматининг 1920 йил 11 октябрь декрети бўйича Туркистон худудининг барча вилоятларида 10:1 нисбати пул ислохатини ўтказилиб Туркистон бони РСФСР пул бирлигига алмаштирилди.

Пул ислохатининг ўтказилиши Туркистон молиявий ахволини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатди, унинг бюджетини РСФСР бюджети таркибига киритишга имконият яратди. Туркистоннинг даромад ва харажатлари банк томонидан хисобга олиб борилган бўлса ҳам, лекин 1918-1919 йил учун Туркистон бюджети тузилмаган эди. Туркистоннинг 1-бюджети 1920 йилнинг 1-ярмига тузилиб пул ислохатини тайёрлашда мухим роль ўйнайди. 1920 йил 1 февралядан бошлаб РСФСРнинг смета қоидалари жорий қилина бошланди.

Туркистоннинг 1-йиллик бюджети 1920 йилда тузилди.

Биз бу мунонат билан 1918-190 йилларда эмиссия ва бошқа манбалар хисобидан халқ хўжалиги, ижтимоий маданий тадбирлар ва айниқса харби мақсадларга кўплаб маблағлар ажратилган ва бу маблағларни мустамлакачилик сиёсатини давом эттиришга сарфланганлигини эслатибўтишимиз керак.

Мусодара қилинган мол-мулкларнинг Бухоро хукумати ихтиёрига тапширилган бўлса ҳам, кейинроқ маълум бўлишича, унинг энг кўп қисми Петербургга – Россия ихтиёрига олиб айни вактда кетилган. Бу республикалар учун молия ресурсларини халқдае соликлар сифатида ундириш мақсадида РСФСРнинг Бухоро республикасидаги вакили В.В. Куйбышев буйруғи билан Туркестон молия вазирлигининг ходимлари, Хоразм республикасига проф. Левин сафарбар ўлиниб, улар бу республиканинг илгариги ва ҳозирги даромад ва харажатлари, пул муомаласи билан танишганлар ва янги молия тизимини барпо қилиш ҳамда ўз таклияларини тақдим қилганлар.

## 2.1917-1924 йилларда Ўзбекистон молияси.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, илгари бу худудларда бюджет тузилган эмас. Бюджет тузиш ва янги солиқ ва ийёимларни шакллантириш учун шартшароит етарли эмас эди. Биринчи босқичда эскидан ундириб келинган солиқларни уларнинг синфий моҳиятини кўзда тутиб ўзгартириш керак эди. Бу таҳлиллар асосида 1920 йил октябр ойида солиқлар ҳақида уумий декрет эълон қилинди. Бу декретга асосан ер солиғи (ушр) ҳосилнинг 1/10 миқдорида, саноат ва савдо корхоналаридан солиқ маҳсус жадвал асосида ундириладиган бўлди.

Лекин шунга қарамасдан, 1920 йил декабрда декретда кўрсатилган солиқлар ўрнига озиқ-овқат разверсткаси жорий қилинди. 1921 йил йилга келиб яна декретда кўрсатилган солиқлар тикланди.

Шундай қилиб, Бухоро Республикасида амир давридаги ҳосилнинг 40-60 % и сифатидан олинадиган хирож ўрнига ҳосилни 1/10 миқдорида олиндиган ушр солиЁи жорий қилинди. Шу билан бирга солиқ миқдори савдогарлар учун оширилди. Лекин шунга қарамасдан солиқларни олинишида қатор камчиликларга йўл ўйилган. Хоразмда солиқ 30 танобдан 3 пуд белгиланган. Бу даврда солиқ дехқон хўжалигидаги ер миқдорига қараб табақалаштирилмаган. Солиқ олишда синфий тоифаларга етарли эътибор берилмаган. Ер миқдори ва ҳосилга етарли эътибор берилмаганлиги кўзга ташланган. Бухоро ва Хоразм республикаларида натура тўловлари билан бирга пуллик даромадлар бюджетга ундирилди. 1922 йилда Хоразм республикасида пуллик даромадлар мол-мулк сотишдан, бозор ижарасидан, закот ва бошқа даромадалар 74,3 млн.сўмни ташкил қилди, лекин уларни ҳиссаси Хоразмда 9,2%, Бухорода 1%га ҳам етмас эди. Шу муносабат билан давлатнинг ўсиб бора ётган харажатларини қоплаш учун Бухоро ва Хоразм Республикаларининг Хукуматлари қоғоз пул чиқаришга киришдилар. Хоразм Республикасида Пул чиқариш 1920 йил май ойидан бошланди. Дастреб 25 млн.сўм, кейинчалик 100 млн.сўмгача қоғоз пул чиқаришга руҳсат берилган. Бошқа мамлакатлардан фарўли ўлароқ Хоразмда биринчи даврларда фақат қоғоз пул эмас, балки шойи ва мисдан тайёрланган пуллар зарб қилинди. Лекин 1921 йил охирига келиб шойи ва мис пулларни тайёрлаш тўхтатилди. 1920 йилда хақиқий пул чиқариш 70 млн.сўмни, 1921 йилда 174,4 млн.сўм, 1922 йил 14,64 млн.сўмни Єки 695,1 минг (олтин ҳисобида) ташкил қилди. Шуни айиш керакки, 1922 йил декабрида қоғоз пул жон бошига 2 млн.сўмга тўЁри келган ёки олтин ҳисобида 16,6 тийинни ташкил қилган.

2. Бухоро республикасида 1920 йилда қоғоз пул чиқариш олтин ҳисобида 524,5 млн.сўм, 1921 йилда 2136,7 минг, 1922 йилда 11920,3 минг сўмни ташкил қилди.

Пул эмиссияси ҳақида Бухоро республикаси шўроларининг IV-ўуролтойида шундай деб кўрсатилган эди. Республикаси ҳаётининг 3 йили давомида давлат харажатларининг 70 % и қоғоз пул чиқариш ҳисобига қопланди. Унинг миқдори олтин ҳисобида 4-5 млн.сўмни ташкил қилди. Хоразм республикаси ҳақида маълумотлар етарли бўлмаса ҳам даромадлар ҳиссаси харажатларнинг 38,3 фоизини қоплаган, бошқа харажатлар қоғоз пул чиқариш ҳисобидан қопланган эди. Бу рақамларни келтирадар эканмиз, биз Россиянинг Ўрта Осиё республикаларига нисбатан мустамлакачилик сиёсатини яўқол ифода қилган РСФСР Марказий хукумати буйруЁи билан Россияга ташиб кетилган олтинларнинг ва қиммабаҳо буюмларни бу республикалар ихтиёрида қолдирилганида республикаларнинг 3 йиллик бюджетининг камомадсиз ёки кам камомад билан бажарилиши, маорифга, соғлиқни сақлаш тадбирларига эмас, балки иктисодиёт пойдеворини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлигини мулоҳаза қиласиз. Афсуски, бу маблағларга РСФСР хукумати эгалиб қилиб, ёш республикаларнинг молиявий икониятларини чеклаб ўйилган эди. Лекин шуга қарамасдан бу республикаларда бюджетнинг шаклланиши давом этди.

Бухоро республикасининг харажатлари 1920 йилда олтин ҳисобида 524,6 минг сўм, 1921 йилда 2136,7 минг сўм, 1922 йилда 11920 минг сўм, 1922 йили Хоразм республикасининг харажатлари олтин ҳисобида 793,1 минг сўмни ташкил қилди. Шу билан бирга келтирилган харажатлар таркибида сифат ўзгаришлари ҳамсадир бўла бошлади. Уларнинг бюджетдаги ҳиссаси ўзаро яқинлашди.

Бунга 1921 ва 1922 йилдаги солиштирма бюджет мисол бўла олади. (Фоиз ҳисобида)

	БСНР	ХСНР
Бошқариш	32,8	34,7
Мудофаа ва инқилобий тартиб ўрнатиш	10,4	26,97
Қишлоқ хўжалиги	0,8	4,30
Маориф	3,0	5,32
Соғлиқни сақлаш	3,0	0,2
Иқтисодий бўлим	50,0	23,97
Бошқа харажалар	-	4,54

Уч республиканинг иқтисодий жиҳатдан ўзаро яқинлашишида Ўрта Осиё республикаларининг биринчи иқтисодий конференцияси муҳим қадам бўлди. Конференция иштрокчилари молия масалалари бўйича ўйидаги масалалар бўйича бир битимга келдилар:

1) Бухоро ва Хоразм республикалари ўзларининг мусақил давлат бюджетлариг эга бўлиб, улар умумфедерал бюджетига умумий рақамларда бирлашдилар. Бу республикалар ўзларининг маҳаллий бюджетларини ҳам туздилар. Ўрта Осиё миқёсида уч республика учун ёки икки республика аҳамиятига эга бўлган харажатлар бюджетларга республикалар бўйича келишилган нисбатлар киритилади.

2) Бухоро ва Хоразм республикалари ҳукумат таркибида ўзларининг алоҳида молия маҳкамаларига эга бўлиб, РСФСР молия маҳкамаси билан ўз фаолиятларини мослаштириб олиб бордилар.

4) Конференциягача мавжуд ҳар бир республиканинг алоҳида пул бирликлари РСФСР федерал пул бирликларига адмаштирилиб, келажакда Ўрта Осиё бўйича ягона пул тизими барпо қилиш ҳақида ўзаро битимга келишилдилар.

Конференция қарорлари асосида Ўрта Осий республикалари бюджетларининг бирлаштириш мақсадида Ўрта Осиё бўйича йиЁма бюджет тузиш таклиф қилиниб, ҳар бир республиканинг бюджети алоҳида таҳлил қилинади. Бунга сабаб, ҳар бир республика ўзичи бюджет тузгани, илгари бюджетни шакллантириш учун етарли дастурлар бўлмаганлигидир. Масалан, Бухоронинг биринчи бюджети 1922/23 йиллар июн-июл ойларига тузилган бўлтб, даромадлари 53,5 миллион танга, харажатлари 144,0 миллион тангани ташкил қилган, дефицит 62,8 фоиз белгиланган эди. Дефицит қоЁоз пул чиқариш билан қопланган эди.

Иккинчи бюджет, янги бюджет йилига ўтишни кўзда тутиб, 15 ойга, яъни июл-июн ва янги бюджет йилининг окябр-сентябрига тузилган эди.

## Бюджетнинг ҳажми (олтин хисобида).

	Республика бюджети	Махаллий бюджет
Даромадлар	5145,5	1626,0
Харажатлар	5745,5	2226
Дефицит	600,0	600,0

Биз юқорида кўрсатганимиздек дастлаб уч республика бюджетларини бирлаштириш учун уларнинг даромад ва харажаларинигина эмас, балки бюджет тизимини ҳам ягона тизимга келтириш керак эди. Чунки бу бюджетларнинг даромад ва харажатларигини эмас, балки бюджет даврлари бир-биридан фарӯ қилар эди. Масалан, Бухоро республикасининг биринчи бюджети 1922/23 йилга тузилган бўлса, Хоразм республикасининг бюджети 1923/24 йилларга, Туркисон республикасининг календар цилга тузилган. Айрим бюджетлар 12 ойга тузилса, бошқалари 15 ойга тузилган эди.

Шу билан бирга, Бухоро бюджети танга (металл пул бирлиги)да тузилган бўлса, Туркистон бюджети РСФСРнинг пул бирлиги сўмда тузилган эди. Бундан ташқари Бухоро бюджети таркибида иккинчи бюджетдан бошлаб маҳаллий бюджетлар ажралиб чиқсан бўлса, Хоразм бюджетида бундай ажралиш рўй бермаган эди. Бухоронинг биринчи бюджетида янгидан ташкил қилинган давла банки, савдо-сотик маҳкамасига айланган маблағлар ажратилган бўлса, бошқа бюджетларда бундай харажатлар мавжуд эмас эди. Дқромад жиҳатдан ҳам бу бюджетлар фарӯ қилар эди. Туркистонда РСФСРда 1921 йилдан киритила бошлаган солиқларга ўрин берилган бўлса, бошқа республикалар ҳатто тузилган давргача бўлган солиқлар ҳам бюджетга киритилган эди. Бундан ташқари Бухоро республикасида Ўрта Осиёда биринчи бўлиб заём чиқарилган.

Биз фақат уч республика бюджетларидаги хилма-хилликларнинг баъзиларини тилга олдик. Бундан ташқари маориф, соғлиқни сақлаш ва бошқа харажатларда нормалар бир хил эмас, улар турли усулларда белгиланган эди. Бу республикалар бюджетларини РСФСР бюджетига бирлаштиришда мустамлакачилик молия тизимиға айлантиришда Бухоро ва Хоразм республикаларида пул ислоҳати ўтказилиб, уларни ягона пул тизимиға бирлаштириш энг биринчи долзарб вазифалардан бири хисобланар эди.

Бухорода пул ислоҳати 1923 йилнинг май ойида, Хоразмда август ойида бошланди. Бунда қоғоз пул чиқариш пул ислоҳати бошлангунга қадар тўхтатилди. Бу республикаларнинг пул бирлиги Бухорода 1:3,5, Хоразмда 1:10 нисбатида Россия пул бирлигига алмаштирилди. Бухорода 282,8 млн сўм Бухоро пуллари 80,8 минг совет сўмига алмаштирилди.

Хоразмда 70,5 млн сўм 7045 минг сўмга айлантирилди. Пул ислоҳати ўтказиш учун совет хукумати томонидан Бухоро ва Хоразм бюджетларига берилган дотацияларини хисобга олганда 2242,2 минг сўм сарфланди. РСФСР бюджетидан берилган бу маблағлар Бухоро ва хоразм республикаларида бюджет

дефицитини камацтиришга таъсир кўрсатди. Бухоро бюджетида дефицит 1922-1923 йилдаги 62.8 фоиздан 9.2 фоизгача, Хоразмда 14 фоизгача қисқарди.

Ўрта Осиё республикаларида пул ислоҳатларини ўтказилиши 1924-1925 йиллар учун бюджет тузишга ёрдам берди.

Бунга 1923-1924 йиллар йиғма бюджетининг даромад қисми мисол бўла олади.<sup>1</sup>

Барча дармадлар	23621.5 минг сўм	100.0
Тўғри даромадлар:		
А) Даромад-мулк солиғи	5.1	
Б) қишлоқ хўжалиги солиғи	42.0	
В) Бошқа солиқлар	21.1	
Эгри солиқлар	20.5	
Божхона тўловлари	2.3	
Пошлиналар	5.2	
Солиқсиз даромадлар	3.8	

Уч республика бюджетининг ички тузилиши жихатидан яқинлашуви 1924-1925 йилги бюджетнинг харажат қисмida айниқса кўзга ташланади.

	Туркистан АССР	БСХР	ХСХР
Халқ хўжалиги харажатлари	19.8	13.4	25.7
Маориф харажатлари	33.6	23.3	37.6
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот	7.0	6.8	
Бошқариш	34.6	40.1	36.7
Резервлар ва фонdlар	5.0	10.9	-
Бошқа харажатлар	-	5.5	-

Жадвалдан кўринишича, республика ҳудудларининг хили ва аҳоли сонининг бир хил бўлишига қарамасдан, халқ хўжалиги харажатлари Туркистон АССРда 19.8%, Хоразмда 25.7%, маориф харажатларига 33.6 ва 37.6% ажратилган, айниқса бошқариш харажатларининг хиссаси ўзаро яқинлашган. Ўрта Осиё Республикалари бюджетларининг бир хил типдаги бюджетларга айланиши Ўрта Осиё республикаларининг йиғма бюджетларини тузишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

### 3. Ўзбекистон молияси 1925-1941 йилларда.

1925 йил май ойида СССР шуроларининг III съезди Ўзбекистон ССРнинг СССР таркибига қабул қилингани ҳақида қарор қабул қилинди. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий-маданий кўрсаткичлари сифатида 1924-йиода ўтказилган миллий давлат чегараланиши маълумотларига асосланиб аҳолининг нуфузи ва ҳудуди аниқлаб чиқилди. Ўзбекистоннинг аҳолиси 3963.3 минг киши бўлиб, Ўрта Осиё аҳолисининг 48.7 фоизига teng эди. Шу билан бига иқтисодий миллий чегараланиш асосида Ўзбекистонга 1195

<sup>1</sup> 1. «Вся Средняя Азия». Справочная книга на 1926 год. ташкент

минг десятин сугориладиган ерлар, 2.6 миллион бош чорва моллари тақсимланди. Бу Ўрта Осиёдаги чорва молларини 19 фоизини ташкил қилас эди.

Уч республиканинг умумий давлат мулкидан 75.3 млн суми, яъни 60.8 фоизи Ўзбекистон ихтиёрига ўтказилди. Ўзбекистон худудида 185 саноат корхонаси бўлиб, уларнинг йиллик маҳсулоти 10.9 минг сўмни ташкил қилас эди. Ўзбекистон ихтиёрида 981 бошланғич ва ўрта мактаб, 23 техникум, 8 ўрта касб-техника мактаби, 77 амбулатория, II безгакка қарши станция., шунингдек, корхоналар хузурида 79 та даволаш муассасалари авжуд эди. келтирилган рақамлар биринчи Ўзбекистон бюджетига моддий асос бўлиб, Туркистон, Бухоро ва Хоразм Республикалари умумий бюджет даромадларининг 81,7, харажатларининг 60 фоизини ташкил қилас эди. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг бюджети миллий чегараланиш натижасида Ўрта Осиё республикалари орасида биринчи ўринни ишғол қилган эди, лекин, бу бюджет Ўзбекистоннинг хақиқий мустақил давлат бюджети бўлмасдан, балки мустамлакачилик ғояларини ифода қилувчи бюджет эди.

қадам ташлаётган Ўзбекистон иқтисодий ва маданий тикланиш жихатидан бошқа республикаларга қараганда орқада эди. 1925-1926 йилларда урушдан олдинги даражани ялпи саноат маҳсулоти 79,4 фоизни, қишлоқ хўжалиги 77,4 фоизни ташкил қилган эди.

шунга асосан республика олдига халқ хўжалигини тиклаш, ер-сув ислоҳатини ўтказиш, маданий тадбирлар билан боғланган қатор вазифалар навбат кутиб туарар эди. бу вазифаларни бажариш давлат бюджети ресурсларини шакллантиришни тезлаштиришни талаб қилас эди.

республика давлат бюджетини шакллантириш 1924 йил 29 октябрда қабул қилинган «Иттифоқ ва иттифоқ республикалари бюджет хуқуклари хақида»ги қонун асосида амалга оширила бошлади. Бу қонун асосида республикаларга ажратилган даромадлар унинг харажатларини қоплашга етарли бўлмаса Умумиттифоқ бюджетидан дотация бериш кўзда тутилган эди. лекин бу қонунда ҳам республиканинг асосий даромад манбаи бўлган қишлоқ, хўжалик солиғининг анчагина қисми ва бошқа даромадлар иттифоқ бюджети тасарруфидан олиниб, республика бюджетидаги етишмовчилик биринчи беш йиллик даврига қадар давом этди.

1924/25-1927/28 йиллар давомида давлат бюджети даромадлари 2.72 млн сўмдан 9.68 млн сўмга, яъни 3.5 баробар кўпайган бўлса ҳам лекин солиқларнинг кўплиги ва уларни ундиришни яхши йўлга қўйилмаганлиги ва айrim солиқларнинг иттифоқ бюджетига тўғри олиниши натижасида бюджетда етишмовчилик сақланиб қолишига сабаб бўлди.

1929-1930 йиллар молия планида социалистик корхоналардан олинадиган солиқларнинг хиллари ва хиссаси қуйидагича бўлди:

Солиқларнинг турлари	Бюджетдаги хиссаси, (100)
Акцизлар (12 хил)	29.0
Касб-хунар солиғи	21.5
Божхона тўловлари	3.9

Урмон даромади	4.9
Даромад солиғи	4.6
Фойдадан бюджетта ажратма (3 хил)	12.2
Ходимлар турмуш шароитини яхшилаш фондига ажратма	4.3
Узок муддатли кредитта ажратма	2.9
1928-29 йилги заёмлари	3.4
Хаммаси 23 хил тўловлар	85.8
<b>Бошқа 63 хил тўловлар</b>	<b>24.2</b>
<b>Хаммаси бўлиб 86 хил тўловлар</b>	<b>14.2</b>

Давлат корхоналаридан олинадиган соликларнинг кўплигига қарамасдан хусусий секторни тугатиш тезлаштириш мақсадида қўшимча соликлар ундирилди. 30-йилларда Ўзбекистонда кулакларга қарши кураш кучайиб кетди. Дастребки йилларда кулак хўжаликлари умумий дехқон хўжаликларини 5 фоизини ташкил қилган эди. буюк бурилиш йилларида уларнинг хиссаси 15 фоизгача кўпайди. Агар кулак тоифасига киритилганлар 1930 йилда 3828 хўжаликни ташкил қилган бўлса 1931 йилда 3828 қулоқ хўжалиги тугатилди. 1933 йилда сургун қилинган қулоқ хўжаликларининг сони 5500 га етди. қулоқ хўжаликларини мажбуран тугатишида ва холхоз ва совхозларни ташкил қилиб, пахта етиштириши кучайтириш мустамлакачилик сиёсатининг жанговар воситаларидан бирига айланди. Хусусий секторни, шу хисобда қулакларни тугатилиши, кредит ислохатини ўтказиш, хулқ хўжалигида режалаштириши амалга кенгайтирилиши, нарх-наво сиёсатини амалга оширилиши мамлакатда солик ислохатини ўтказишни талаб қилди.

Мавжуд соликлардаги камчиликлар қўйидагилардан иборат эди:

- Соликлар сонининг кўплиги.
- Бир солик обьектини бир неча маротаба соликка тортилиши ва баҳоларни режалаштириши мураккаблиги.
- Соликларни хўжалик хисоби принципларига мос келмаслиги.

Бу камчиликларни иугатиш учун мавжуд 80 дан ортиқ соликлар ўрнига 2 йўналишда солик белгилаш таклиф қилинди.

- Оборот солиғи.
- Фойдадан ажратмалар ва кооперациядан даромад солиғи.

Оборот солиғи таркибига 53 солик ва фойдадан ажратмаларга 6 хил солик бирлашди. Колхозларга нисбатан даромад солики киритилди. Оборот солиғининг обьекти оборот бўлиб, 3 хил солик ставка асосида хисобланадиган бўлди. Бу солик орқали корхоналар сон жихатидан, фойдалардан ажратмаларнинг обьекти фойда бўлиб, бу тўлов орқали корхона фаолияти сифат кўрсаткичлари назорат қилинадиган бўлди. Бундан тушқари, кўпчилик махаллий соликлар (ер рентаси, иморат солиғи, божхона тўловлари, консульт тўлови) сақланиб, кинотеатрлардан товар операция соликлари жорий қилинди. Шуни айтиш керакки, солик ислохатини ўтказиш мустамлакачилик сиёсатининг талаблари ҳам эътиборга олиниб, оборот солиғининг кўпчилик қисми Республика бюджетига эмас, иттифоқ бюджетта ўтказиладиган бўлди.

Натижада Ўзбекистон миллий даромадининг бир қисми оборот солиғи сифатида иттифоқ бюджетга ўтказилиб, Россия иқтисодиётига таъсир кўрсатадиган бўлди.

1930 йил солик ислоҳати натижасида корхоналарга бюджетта олинадиган даромадлар 7 баробар ортди. Шу хисобдан уларнинг бюджетдаги хиссаси биринчи беш йилликда 66,7 %дан учинчи беш йилликда 75,7%гача кўтарилиди. Натижада Ўзбекистон худудида иттифоқ бюджети харажатларини қоплашга имконият яратди.

Урушдан олдинги беш йилларда республика бюджетининг умумий умумий харажатлари 883,9 млн сўм бўлиб, бу харжатлар таркибида ҳам ўзгариш содир бўлди. Бу хуражатларда ижтимоий-маданий харажатларнинг хиссаси 68,8%ни ташкил қилди. Шу билан бирга бошқариш харажатлари 10,6%гача қисқарди. Ижтимоий-маданий тадбирларга ажратилган харажатлар умумтаълим, саводсизликни битириш ва соғлиқни сақлаш соҳасида кўзга кўринарли муваффақиятларга эришишга имконият берди. Агар 1924-25 йилларда Ўзбекистонда совет типидаги 160 мактаб бўлган бўлса, 1941 йилга келиб бу мктаблар сони 5504 тага етди, ўқувчиларнинг сони 17209 тадан 1 млн 315 минг кишига етди. 1930 йилларнинг бошларида саводхонлик учун умумхалқ юриши бошланиб, биргина 1943 йилларда 707 минг киши, шу жумладан қишлоқларда 615,4 минг киши саводсизликни битириш курсларида ўқитилди.

Биринчи беш йиллик план режасида қишлоқ хўжалигининг қайта куриш асоси дастурини амалга ошириш ва пахтачиликка хизмат кўрсатувчи саноат тармоқларини биринчи навбатда ривожлантириш кўзда тутилган эди. Бу мухим вазифа СССРнинг пахта мустакиллигига эришиш ва АҚШда тўқимачилик саноати учун пахта харид қилишни тугтиш билан боғланган эди. Шу муносабат билан капитал ўйилмаларда Иттифоқ бюджетининг хиссаси кучайди.

Иккинчи беш йиллик режасида Республиkanи асосий пахта базаси сифатидаги ихтисослашувининг янада кучайтириш, тўқимачилик, озиқ-овқат, машинасозлик, энергетика, кимё саноатини, боЁдорчилик, узумчилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бирламчи ишлаш корхоналарини кўпайтириш кўзда тутилган эди. Шунга асосан агар биринчи беш йилликда 289 саноат корхонаси ўурилиб ишга туширилган бўлса, учинчи беш йиллик саноат ривожланишида янги қадам бўлди. Уруш бошланганга қадар 134 саноат корхонаси ўўшимча равишда ишга туширилди. Булар орасида Чирчиқ электрохимия комбинати, Тошкент тўқимачилик комбинатининг иккинчи навбати. Мўйноқдаги йирик балиқ консерва заводи ва бошқалар бор.

Лекин шунга қарамасдан республикада бирорта оЁир индустря гиганти барпо этилмади, чунки бундай саноат гигантларин куриш миллий мустамлакачилик манфаатларига мос келмас эди. Шунинг учун республикада пахтачиликни ривожлантириш билан боғлиқ саноат тармоқлари, озиқ-овқат, енгил саноат тармоқларини кенгайтиришгагина аҳамият берилди. Саноат корхоналариниг аксаряйти хом ашё, чала маҳсулот ишлашга ихтисослаштирилди, чунки тайёр маҳсулотдан тушадиган мўмайгина даромад Ўзбекистон хом ашёсини қайта ишлашга мослашган иттифокдаги марказий корхоналар томонидан амалга оширилди.

## **9-мавзу: Иккинчи жаҳон уруши ва уришдан кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида молия тизими Режа:**

1. Иккинчи жаҳон уруш йилларида Ўзбекистон молияси;
2. Ўзбекистон молияси уришдан кейинги йилларда.

### **1. Иккинчи жаҳон уруш йилларида Ўзбекистон молияси.**

Иккинчи империалистик уруш бошлангандан сўнг Ўзбекистон иқтисодиёти фронт орқасидаги худуд сифатида уруш эҳтиёжларини таъминловчи моддий базага айланиб фақат мудофаа эмас, балки озиқ-овқат, енгил ва бошқа саноат тармоқларининг қайта қуришга киришди. Шу билан бир вақтда кўчириб келтирилган аҳоли ва корхоналарни жойлаштиришга алоҳида аҳамият берилди.

Тарихдан маълумки, бу уруш 61 мамлакатни, ер шари аҳолисини 80 фоизини, яъни 1,7 миллиард. Шу ҳисобда Ўзбекистон аҳолиси 6,5 миллион ўз гирдобига тортган эди.

Республика аҳолининг бир қисми уруш харакатларида иштрок этди. Бошқа қисми фронт эҳтиёжларини тамиллаш билан машғул бўлди. 1942 йил охирига келиб, Ўзбекистон худудида 109 ҳарбий бирлашма шаклланди. 1941 йилнинг охиригача 300 га яқин корхона шу ҳисобда 100 та кўчириб келтирилган корхона ҳарбий изга туширилди. Кўчириб келтирилган корхоналарни ишга солиш учун биринчи навбатда хом ашё ёқилЁи ва электр энергия билан таъминланиши лозим эди. Шунинг учун “Фарҳод” ГЭСи каби электр станциялар, Бекобод металлургия заводи, Ангрен қўумир кони каби корхоналар ишга туширилди. Бундан ташқари Ўзбекистон совет армиясининг қурол аслаҳа хонасига айланди. Самолёт, авиа мотор, авиа бомба каби мураккаб қуроллар билан бирга ўқ дори, снаряд ва бошқа зарур маҳсулотлар тайёрлаб берилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида пахта, каноп, дон, қанд лавлаги маҳсулотлри билан бирга ғалла, сабзавот, картошка, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етказиб берди.

Фронт эҳтиёжларини таъминлашда моддий ресурслар билан бирга пул маблағларини кўплаб сафарбар қилиш алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Фронт эҳтиёжлари асосан уч манбаа ҳисобидан қопланди.

1. Иттифоқ бюджети ҳисобидан
2. Республика бюджетидан ажратилган маблағлардан
3. Аҳолининг ихтиёрий маблағлари ҳисобидан.

Уруш йилларида мамлакат бўйича ҳарбий тадбирларга сарфланган маблағлар 114,7 миллиард сўмни ташкил қилиб, шундан 58,8 миллиард сўм ёки 50,8 %ни ҳарбий харажатлар ташкил қилган эди. Бу харажатлар халқ хўжалиги ва ижтимоий маданий тадбирлар харажатларини қисқартириш ҳисобига кўпайган эди. Шу билан бирга бюджет даромадлари мамлакат ҳудудини анча қисмини душман томонидан ишғол қилиниши, корхоналарни бошқа ҳудудларга

кўчирилиши туфайли камайиб 1941-1943 йилларда бюджет дефицити содир бўлган эди.

### **Бюджет дефицитини қўйидаги рақамларда кўриш мумкин. (млрд.сўм)**

йиллар	1941	1942	1943	1944
даромадлар	17,7	16,5	20,4	26,9
харажатлар	19,1	18,3	21,0	26,4
дефицит	1,4	1,8	0,6	

Демак, уруш йилларида дефицит 3 миллиард сўм. Бюджетдаги хиссаси 2,6 фоизни ташкил қилган.

Шуни айтиш керакки иттифоқ бюджети дефицитини камайтириш мақсадида 1941-1943 йилларда Ўзбекистон бюджети хисобида 33,89 миллион сўм ўtkазилган.

2. Ўзбекистон бюджети 1941-1945 йилларда 786,5 миллион сўмни ташкил қилган. Шу хисобда халқ хўжалиги харажатлари 21,84, ижтимоий маданий тадбирлар харажатлари 64,8, бошқарув харажатлари 9,8 фоиз бўлиб Ўзбекистон бюджетининг энг қўп қисми мудофаа эҳтиёжлари билан боғланган харажатларга сарфланган.

3. Уруш даврида ҳарбий харажатларни кўпайишидан ва давлат корхоналаридан олинадиган даромадларни камайиши натижасида бюджетга тушадиган даромадларнинг хиссаси камайган. Бу етишмовчиликни тузатиш мақсадида урушнинг биринчи йилларида аҳолидан олинадиган даромад ва қишлоқ хўжалиги солиқлари оширилган эди. Лекин кейинчалик уларнинг ўрнига ҳарбий солиқлар жорий қилинган. Ҳарбий солиқни корхоналар ва колхозларда ишловчилар тўлаган, солиқ бошқа шахсий даромадлардан ҳам ундирилган. Бундан ташқари бўйдок, кам болали оиласлар даромадларини тартибга солиш мақсадида бўйдок, ёлғиз, кам оиласли фуқароларга алоҳида солиқ жорий қилинган.

Шуни айтиш керакки бюджет даромадларининг учинчи манбаи бўлиб, давлат резервлари, корхоналарнинг фондлари ва бошқа даромадлар билан бирга давлат заёмлари ва пул буюм лотареялар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу манбалардан Республика бюджетига 422,6 миллион сўм олинган.

Бундан ташқари, Республика фронтга 4 млн. 148 минг тонна пахта, 54 минг тонна пилла 3 млн. 83 минг дона қоракўл териси ва озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон иккинчи империалистик урушда фашизм устидан мамлакат ғалабасини таъминлашда ўзининг барча имкониятларини сафарбар қилган.

Юқорида келтирилган рақамлар ва фактлар Ўзбекистонда яшовчи халқларнинг совет империяси исканжасида ҳаёт кечиришларига қарамасдан немис фашист босқинчилари устидан улуғвор ғалабани таъминлашда улкан хисса қўшганлиги таъминлайди. Ўзбек халқи гитлерчиларга қарши бошқа

халқлар билан елкама-елка бир сафда туриб, “жигарранг вабони” йўқотишида фақат ҳарбий жиҳатдан эмас, балки моддий ва молиявий жиҳатдан жасорат кўрсатганликларини ва бу орқали тарих саҳифаларида ўчмас из қолдирганликларини алоҳида кўрсатиш керак. Ўзининг ватанпарварлик бурчини юксак даражада намойиш қилган Ўзбекистон халқлари фаизм устидан фақат СССРни эмас, энг аввало Ўзбекистонни ҳимоя қилганлигини уни яна бир босқинчидан сақлаб қолишини мақсад қилиб қўйганлигини амалда кўрсатгани билан жаҳонга машҳур. Бу ғалабани таъминлашда молия Республика ресурслари моддий ресурсларининг бир қисм сифатида муҳим роль уйнаб тарихда из қолдирган.

## **2. Ўзбекистон молияси урушдан кейинги йилларда.**

Иккинчи империалистик уруш совет мамлакатининг ғалабаси билан томомлангандан кейин вазифа халқ хўжалиги ва маданиятни тиклаш тадбирларини амалга оширишга қаратилди.

1941 йил баҳслари билан ҳисобланганда уруш натижасида мамлакатни кўрган моддий зарари 679 миллиард сўмни ташкил қилган эди. Ўзбекистон ҳудудида уруш харакатлари содир бўлмаган бўлса ҳам республика уруш тадбирларини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб, урушдан кейин эса бошқа республикаларда амалга оширилаётган тиклаш ишларига ҳамкорлик қилди, айниқса қўчириб келтирилган корхоналарни ўз ҳудудларига қайтариб янгидан иш бошлашларига ёрдам берди.

Тиклаш ишлари бошлангандан кейин озиқ-овқат соҳасида етишмовчилик, молия соҳасида пул муомаласини издан чиқсанлиги айниқса кўзга ташланди. Муомалага эҳтиёждан ортиқча пул қоЁоз чиқарилганлигига фуқароларни таъминлашда карточка тизими мавжуд бўлганлигига қарамасдан колхоз бозорида нарх-наво пасаймасдан, балки парвоз қилишда давом этган эди. Урушдан кейинги йилларда саноат қишлоқ хўжалигини тиклана башланганлиги пул ислоҳоти ўтказишга шарт-шароит яратди. Ислоҳат 1947 йил охирида муомаладаги пулларни янги пулларга 10:1 нисбатида алмаштиришга 3 минг сўмдан 10 минг сўмгача бўлган омонатларни 3:2, 10 минг сўмдан ортигини 2:1 нисбатида бараварлаштириш уларни илгариги даражасини сақлашга шунингдек колхоз кооператив ташкилотлари маблағларини 5:4 нисбатида қайта баҳолашга ёрдам берди.

Пул ислоҳотини ўтказишда корхоналарни ҳарбий маҳсулот ўрнига кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашиши бюджет даромадларини кўпайишига ёрдам берди. Бу тадбирлар бошқа республикалар қатори Ўзбекитонда ҳам амалга оширилган бўлса ҳам, лекин марказнинг Ўзбекистонга бўлга иқтисодий сиёсатида сифат ўзгаришлар содир бўлмади, аксинча республикани хом ашё базаси сифатидаги ролини кучайтиришга бу орқали иттифоқ манбаатларини изчилиллик билан амалга оширишга янада кўпроқ эътибор берилди.

Бу тадбирларни айримларини кўрсатиб ўтамиш:

**1. Улгуржи баҳолар ислоҳоти.** 1949 йилга қадар саноатда 1938-1939 йилларда белгиланган ул р қўлланилар эди. Уруш даврида хом ашё, иш ҳақи

ўзгарган бўлса ҳам улгуржи баҳолар даражаси ўзгармаган эди. Натижада кўпчилик корхоналар зарар кўриб ишлар, бу заарлар бюджет даромадлари ҳисобига қопланар эди. Улгуржи баҳолар ислоҳоти асосида улгуржи баҳолар оширилди, тан нархини пасайиши натижасида кўпчилик корхоналарнинг рентабел ишлашларига имконият яратилди. Натижада бюджет даромадлари корхона тўловлар ҳисобидан ортиб борди.

2. Қишлоқ хўжалиги солиғининг ислоҳоти. Уруш даврида колхоз бозори нархларни тартибга солиш мақсадида қишлоқ хўжалиги солиғининг миқдори бир неча маротаба оширилган эди. Солиқни белгилаш ҳар бир солиқ обьекти учун белгиланган норма асосида ҳисобланиб, солиқ прогрессив ставкада умумий даромадга нисбатан белгиланар эди.

1953 йилда ўтказилган ислоҳот натижасида солиқ миқдори томорқасига қараб белгиланадиган бўлди. Натижада айрим вилоятларда узумзорларни кесиб ташлашга ўхшаш ҳодисаларга барҳам берилди.

3. 1958 йилдан бошлаб аҳоли маблағи ҳисобидан “ихтиёрий” тартибда ёзиладиган заёмлар бекор қилинди, даромад солиЁи ва бошқа солиқлар қисман камайтирилди.

4. 1965 йилдан бошлаб бошқаришни такомиллаштириш ва уни режалаштириш ва иқтисодий раЁбатлантиришни кучайтиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди.

Урушдан кейинги йилларда корхоналарнинг бюджет билан бўған муносабатларида орот солиЁи марказий ўринни тутар эди. Лекин оборот солиЁи корхонанинг сон кўрсаткичлари асосида шаклланганлиги сабабли, унинг сифат кўрсаткичлари ифода қилувчи “фойдалардан ажратмалар” тўлови ўрнига 3 хил кўрсаткич асосида ҳисобланадиган тўловлар жорий қилинди.

Биринчи тўлов - фонд учун олинадиган ҳақ (плата за фонд). Корхона асосий ва айланма фонdlардан самарали фойдаланганлигини назорат қилишга ёрдам берар эди. Тўлов ишлаб чиқариш фонdlарининг умумий қийматидан б фоиздан 12 фоизгача олиниб, корхона ихтиёрида кераксиз фонdlарни таҳланиб қолинмаслиги ва шу билан бирга фонdlардан бир неча смена фойдаланишни раЁбатлантираси эди.

Иккинчиси - қайд қилинган тўловлар. (фиксированные платежи) деб аталиб, ўулай шарт-шароитлар орқали юқори рентабелликка эришган корхоналарнинг фойдасини тартибга солишга Єрдам берар эди. Фойданинг қолган қисми фонд ҳақи ва қайд қилинган тўловларни чиқариб ташлангандан кейин қолган қисми фойдани холис қолдиЁи сифатида бюджетга ўтказилар эди.

Бу тадбирлар соҳта обрў орттириш мақсадида амалга оширилган тадбирлардан бири эди. И.А.Каримов айтганидек “. . . сўнги ўн йиллар мобайнида соҳта обрў орттириш мақсадида қабул қилинган ва мавжуд имкониятларни ҳисобга олмаган ижтимоий, озиқ-овқат, аграр, энергетика, экология ва бошқа соҳалардаги кўпгина соҳалар иқтисодий қарама-қаршиликни чуўурлаштириб юборди. Натижада иқтисодиётни батамом издан чиқариб моддий ва молиявий маблағлар тақчиллигининг даҳшатли тарзда ўсишига олиб келди”.

Натижада 80-йилларнинг ўрталарида асосий ижтимоий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича республика иттифоқда охирги ўринлардан бирини эгаллар эди. Аҳоли жон бошига миллий даромад ҳосил қилиш Ўзбекистонда ўртacha иттифоқ даражасига қараганда икки баробар кам эди.

Миллий даромаднинг ўсишига жиддий таъсир кўрсатадиган факторлардан бири ҳалқ хўжалигига ажратиладиган капитал маблағлардир. Лекин республиканинг ихтиёжига қараганда капитал ўйилмалар ҳажми айниқса кам эди. Аҳоли жон бошига ажратилган капитал ўйилмалар тегишли соҳасида иттифоқ кўрсаткичларини моддий ишлаб чиқариш 70 фоизи даражасида, ноишлаб чиқариш даражасида 62 фоизини ташкил қиласа эди.

Ўзбекистон аҳолисининг мамлакатдаги бошқа минтақаларга нисбатан моддий ва ижтимоий неъматлар билан таъминлаш даражасидаги фарӯ жиддий равишда ортиб кетган эди. 1990 йил кўрсаткичлари бўйича умумиттифоқ кўрсаткичларига солиширгандан Ўзбекистонда турар жой бўйича 65 фоиз, гўшт 50 фоиз, сут 53 фоиз, тухум 41 фоиз, мевалар 61 фоиз. Умуман олганда чакана савдо бўйича мол обороти 65 фоиз, измат кўрсатиш бўйича 50 фоиз ташкил қиласа эди.

Маданий жи.атдан таъминланганлик даражаси иқтисодий жиҳатдан аҳолининг таъминланганлик даражасидан қолишмас эди. 25 фоиз умумтаълим мактаблари икки ва уч сменада ишлаб, бир сменада ишлайдиган мактаблар фақат 75 фоизни ташкил қиласа эди.

8400 мактабдан 1800 таси ўқитиш учун мослаштирилмаган биноларда олиб борилар эди. Шу билан бир вақтда 1990 йилга мўлжалланиб тузилган истиқбол режада 3693 минг ўқувчига мўлжалланган янги мактаблар ўриш мўлжалланган эди. Лекин марказ бу кўрсаткични маблағлар етарли эмаслигини ҳисобга олиб 920 минг ўринга тушириб ўйиган эди. Маблағлар етарли бўлмаганлиги сабаби соғлиёни сақлаш, мактабгача тарбия болалар муассасалари, ҳалқ таълими эҳтиёжлари жуда оғир ахволга тушиб қолган эди. Республикада аҳолининг ўсиш сурати бошқа республикаларга нисбатан уч баробарга ортиқ бўлса ҳам лекин уларни таъминланганлиги даражаси 40 фоиздан кам эди.

Тарихий маданий ёдгорликларни кўплари давлат рўйхатига олинган бўлса ҳам, лекин уларни таъминлашга маблағлар етарли эмас эди.

1985-90 йилларда совет таълим тизимининг жаҳон андозаларидан ажралиб қолган, умумий таълим жаҳоннинг илғор тажрибаларидан баҳраманд бўлмай қолганлиги сезиларли бўлса ҳам таълим тарбия соҳасида ишловчи кадрлар сифат жиҳатидан такомиллаштириш ишлари амалга оширилмади. Фан билан ишлаб чиқарishning алоқасини яқинлаштириш соҳасида айрим тадбирлар амалга оширилган бўлса ҳам, лекин фаннинг ривожланишига ажратилган маблағларнинг энг кўп қисми техника фанларига эмас гуманитар фанлар учун сарфланди.

Шундай қилиб 1990 йилларга клиб ўзининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси жиҳатидан Ўзбекистон иттифоқдош республикалар орасида 12-14 ўринларда турар эди. Бу Ўзбекистонга нисбатан мустабид империяси режими сақланиб қолинганини оқибати эди. Бу айниқса қишлоқ хўжалигига ўз ифодасини топди. 1989 йилнинг бошларида қишлоқ хўжалиги

маҳсулоти ҳатто йиллик ўртacha даражага бормади. З миллрд сўмликдан ортиқ маҳсулотлар берилмай қолди.

Келтирилган рақамлар Ўзбекистон ўзининг бой табиий, моддий интеллектуал, меҳнат имкониятларини етарли даражада фойдаланилмаганлигининг натижаси эди. Бу кризисдан ўтилиш ҳалқ хўжалигини тубдан қайта ўришни биринчи новбатда молия муносабатларида сифат ўзгаришларини амалга оширишларини талаб қиласа маъмурий бюракратик режимини ўрнига бозор иқтисодиётни талабларига жавоб берадиган ҳалқ хўжалигини идора қилишни такомиллаштириш билан боғлиқ эди. Бунинг учун кўп укладли иқтисод асосида ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга таъсир кўрсатадиган тизим ташкил қилиш талаб қилинار эди.

Бу тизимни асосий молия ва кредит соҳасидаги асосий йўналишлари қуйидаги тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ эди.

1. Ўзбекистонда давлат бюджети ташкил қилиниб унинг ССР бюджети таркибидан ажратиб олиш, мустақил бюджетга айлантириш ва иттифоқ бюджетига қарамлигини тугатиш мудофаа харажатларини республика бюджети ҳисобидан маблағлар билан таъминлаш.

2. Совет империяси замонидан мерос бўлиб келиши мумкин бўлган пул муомаласи тизимини мустақиллик талаблари асосида қайта ўриш Ўзбекистонда ягона пул тизимини барпо қилиш.

3. Жаҳондаги барча мамлакатлар билан молия ва кредит, суғурта муносабатларини ўрнатиш, қимматбаҳо қоёзлар тизимини яратиш.

4. Совет империяси давридаги солиқ тизими ўрнига жаҳон солиқ тизими талабларига мос келадиган мустақиллик тизимини барпо қилиш, солиқларни таркиби ва функцияларини такомиллаштириш, улар бюджет тақчиллигини камайтишдаги ролини кучайтириш.

5. Совет империяси давридаги марказлашган суғурта тизими ўрнига марказлаштирилмаган, бозор иқтисодиётни талабларига жавоб берадиган суғурта тизимини барпо қилиш, суғурта ташкилотларининг хорижий мамлакат суғурта ташкилотлари билан муносабатларини кучайтириш, суғурта ишалрида фақат суғурталаш эмас, балки қайта суғурталашдан кенг фойдаланиш, суғурта маблағларидан ҳалқ хўжалиги эҳтиёжларини қондиришга самарали фойдаланиш.

Бу тадбирларни белгилашда 1990 йил 17 октябрида умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинган “Ўзбекистон ҳалқ хўжалигини соғломлаштириш ва бозор иқтисодиётининг асосий принциплари” номли тарихий хужжатга мурожат қилинди.

Бу ўринда мустабид тузум шароитида “Ўзбекистон ССРда бюджетини шакллантириш принциплари ҳақида эълон қилинган декларация (01.11.1999)” эълон қилинганлигини алоҳида кўрсатиш керак. Бу хужжатни эълон қилиниши мустақиллик йўлида молия соҳасида пухта ташланган дастлабки иқтисодий қадам эканлигини алоҳида кўрсатиш керак.



Бу хужжатни биринчи бобида “Ўзбекистон ўз худудида тушадиган ҳамма даромадларга тўла эгалик қиласи, ўз бюджетини мустақил равишда ўзи ишлаб чиқарди ва тасдиқлайди” деб кўрсатилган.

Бу банд муҳим сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга. Унинг сиёсий аҳамияти шундан иборатки, Ўзбекистон халқлари қўп асрлик мустақиллик курашлари натижасида ўзларинино мустақил давлатларини барпо қилиб, Амир Темур бошлаб берган бюджет ҳақидаги Ёяларини - шарўда бюджетни шакллантириш Ёяларини рўЄбга чиқарганликларини ифода қиласи. Мустақиллик давридаги СССР бюджетидан ажralиб чиқиб, ўзининг иқтисодиїти ва маданиятини ривожлантиришга астойдил киришганлигини кўрсатади. Унинг иқтисодий аҳамияти шундан иборатки, бу бюджет Ўзбекистонда яшовчи халқлар яратган миллий даромадга фақат эгалик қилиш эмас, балки тақсимлаш ва қайта тақсимлаш хуёукига эга бўлиб, келажакда буюк давлат қуриш учун етарли моддий имкониятларни мужассамлаштиргани, республикада яшовчи барча халқларнинг орзу умидларини амалга оширишга ҳар томонлама шароит яратганини кўрсатади. Янги мустақил бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек моделини таркибий қисми сифатида жаҳон молия фанида янги саҳифа очади.







1,88,3,86,5,84,7,82,9,80,11,78,13,76,15,74,17,72,19,70,21,68,23,66,25,64,27,  
62,29,60,31,58,33,56,35,54,37,52,39,50,41,48,43,46

2,87,4,85,6,83,8,81,10,79,12,77,14,75,16,73,18,71,20,69,22,67,24,65,26,63,2  
8,61,30,59,32,57,34,55,36,53,38,51,40,49,42,47,44,45